

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

## **МОЛИЯ**

**йўналиши**

## **“ДАВЛАТ МОЛИЯСИ”**

**модули бўйича**

## **ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент – 2017**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчилар:** ТМИ профессор, и.ф.д. Маликов Т.С.,  
Тармоқ маркази бўлим бошлиғи Бауетдинов М.Ж.

**Тақризчи:** ТМИ, иқтисод фанлари доктори, профессор,  
Шохаъзамий Ш.Ш..

**Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Кенгашининг 2017 йил \_\_\_\_\_даги \_\_\_-сонли қарори билан нашрга  
тавсия қилинган.**

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. Ишчи дастур .....</b>	<b>3</b>
<b>II. Модулни ўқитишида фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари</b>	<b>10</b>
<b>III. Назарий материаллар .....</b>	<b>18</b>
<b>IV. Амалий машғулот материаллари.....</b>	<b>92</b>
<b>V. Кейслар банки.....</b>	<b>98</b>
<b>VI. Мустақил таълим мавзулари .....</b>	<b>105</b>
<b>VII. Глоссарий.....</b>	<b>109</b>
<b>VIII. Адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>112</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### КИРИШ

Мазкур ишчи дастур иқтисодиёт соҳаси қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари учун хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган ва Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелдаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастурга мувофиқ шакллантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2016 йилнинг асосий якунлари ва 2017 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 январдаги бўлиб ўтган мажлисидаги « Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак»<sup>1</sup> маъruzаси ва «2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» номли фармонида келтирилган материаллар, қоидалар ва хуносларни пухта ўзлаштиришлари, келгуси фаолиятида самарали фойдаланишлари ҳамда ижодий ёндошишларини таъминлаш фанни ўрганиш олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Дастур мазмуни олий таълим муассасалари педагог кадрларини молия тизимининг етакчи бўғини ҳисобланган давлат молияси тизимининг илмий-назарий асослари, давлат бюджети ва унинг бўғинлари даромад ва ҳаражатларининг ташкилий-иктисодий асослари, ҳозирги глобал молиявий-иктисодий инқироз шароитида ривожланган мамлакатлар давлат молияси тизимида ислоҳотларнинг долзарб муаммолари, ундаги ислоҳотларнинг долзарб масалалари бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур хорижий мамлакатлар илғор тажрибаларига асосланган ҳолда давлат молияси назариянинг замонавий концептуал асослари, давлат даромадлари ва солиқ тизимида ислоҳотлар ҳамда давлат бюджети ҳаражатлари воситасида миллий иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминлашдаги аҳамиятига оид хорижий мамлакатлар иқтисодчи олимларининг илмий қарашлари, замонавий шароитларда Ўзбекистон Республикасида яқин ва ўрта истиқболда амалга оширилаётган давлат молияси соҳасидаги ислоҳотлар, глобал молиявий-иктисодий инқироз шароитида ривожланган мамлакатлар давлат молияси тизимида кузатилаётган долзарб муаммолар бўйича назарий ва амалий маълумотларни ўзида мужассамлаштирган.

#### Модулнинг мақсади ва вазифалари

**“Давлат молияси” модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси тингловчиларида давлат молияси ва

<sup>1</sup> Ш.М. Мирзиёевнинг “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” Халқ сўзи. 2017 йил, 16-январ.

унинг концептуал асосларини, давлат молиясига оид хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг илмий қараашларини, замонавий шароитларда давлат молияси тизимидағи ислоҳотларнинг устувор йўналишлари бўйича кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

**“Давлат молияси” модулининг вазифалари:**

- давлат молиясининг ижтимоий-иктисодий мазмуни, хорижлик ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг давлат молиясига оид илмий қараашлари хақидаги илмий билимлар базасини аниқлаштириш;
- замонавий шароиларда фискал сиёsat ва унинг концептуал асослари бўйича тингловчиларнининг билими, кўникма ва малакаларини ривожлантириш;
- замонавий шароитларда жаҳон мамлакатлари давлат молияси тизимидағи мавжуд долзарб муаммолар, бюджет тақчиллиги, давлат қарзларини бошқариш тизимиға оид тингловчиларнинг лаёқатларини ривожлантириш.

**Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Давлат молияси” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

**Тингловчи:**

- давлат молиясининг ижтимоий-иктисодий мазмуни, у ҳақидаги классик ва замонавий илмий қараашларнинг концептуал асослари;
- замонавий шароитларда Ўзбекистон Республикаси давлат молияси тизимидағи ислоҳотларнинг концептуал асослари, бюджет-солиқ тизимидағи ислоҳотларнинг самарали иқтисодий ўсишни таъминлашга таъсири, амалдаги ижтимоий ислоҳотлардаги роли;
- инқирознинг навбатдаги тўлқини шароитида давлат молияси тизимидағи долзарб муаммолар ва ислоҳотларнинг устувор йўналишлари бўйича билимларига эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- молия тизимида давлат молиясининг ўрни ва аҳамиятини иқтисодий жиҳатдан баҳолай олиш;
- давлат бюджети даромад ва харажатлари параметрларининг горизонтал ва вертикал таҳлил қилиш натижасида бюджет-солиқ сиёсатининг стратегик мақсадлари реализацияси тўғрисида хулосалар тизимини шакллантириш;
- иқтисодиётдаги солиқ юки ва давлат бюджет харажатлари мултипликатив самарасини баҳолаш;
- ривожланган мамлакатлар давлат молияси тизимидағи долзарб муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари бўйича ислоҳотларнинг устувор йўналишларига оид хулосаларни шакллантириш **кўникмаларини эгаллаши зарур.**

**Тингловчи:**

- давлат молияси ва уни бошқаришнинг функционал элементлари асосида

комплекс таҳлилини амалга ошириш;

- замонавий шароитларда фискал сиёсат ва уни самарали иқтисодий ўсишга таъсирини миқдорий жиҳатдан таҳлил қилиш ва хулосаларни шакллантириш;

- ривожланган мамлакатлар давлат молияси тизимида қузатилаётган долзарб муаммолар, уларга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни аниқлаш;

- мамлакатимиз давлат молияси тизимидағи яқин ва истиқболга мўлжалланган ислоҳотлар стратегиясини таҳлил қилиш ва ўзига хос равишдаги тараққиёт сенарийисини ишлаб чиқишга оид **малакаларни эгаллаши лозим**;

#### **Тингловчи:**

- молия тизими, давлат молияси, молиявий сиёсатнинг концептуал асослари бўйича илмий ва амалий маълумотлар банкини шакллантириш ва уларни тизимлаштириш;

- молия тизими, давлат молиясига оид замонавий илмий қарашлар, Ўзбекистонда давлат молияси тизимидағи ислоҳотларнинг устувор йўналишларига оид янги илмий ва амалий маълумотларни тизимлаштириш;

- давлат молиясига оид замонавий билимларга асосланган ҳолда мутахассислик гурухларида маъруза ва амалий машғулот олиб бориш **компетенцияларни эгаллаши лозим**.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Давлат молияси” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Ўкув жараёнида таълимнинг интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситалари, педагогик ва ахборот-коммункация технологияларини қўллаш назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида “Ақлий ҳужум”, “Кутиш йўлдоши”, “Концептуал жадвал”, “Ўйланг-жуфтлиқда ишланг-фикр алмашинг” каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларидан;

- амалий машғулотлarda баҳс-мунозара, тушунчалар таҳлили, ақлий ҳужум, кейс, гурухларда ишлаш, SWOT- таҳлил жадвал, Т-жадвал каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларни қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Давлат молияси” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Корпоратив молия” “Молиявий бозорлар” ўқув модуллари билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар молия тизими, давлат молияси, молиявий сиёсатнинг концептуал асослари бўйича илмий ва амалий

маълумотлар банкини шакллантириш ва уларни тизимлаштириш бўйича компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат							Мустакил таълим	
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси				жумладан			
			Жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот				
1.	Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодий роли	6	6	2	4					
2.	Давлат молиясининг моҳияти ва замонавий шароитларда ундаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари	10	10	2	4	4				
3.	Давлат молияси назарияси ҳақидаги илмий қарашларнинг концептуал асослари	8	6	4	2			2		
4.	Замонавий шароитларда давлат молияси ва унинг долзарб муаммолари	8	6	2	4			2		
	<b>Жами:</b>	<b>32</b>	<b>28</b>	<b>10</b>	<b>14</b>	<b>4</b>	<b>4</b>	<b>4</b>		

### **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАРИ МАЗМУНИ**

#### **1- мавзу: Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодий роли.**

Бозор ва давлат: бозордаги нобарқарор вазиятнинг кузатилиши давлат аралашувининг асоси сифатида. Монополия. Давлатнинг бозорга аралашуви. Ахборот ассиметрияси. Ташқи самара. Барқарорликнинг биринчи теоремаси. Барқарорликнинг иккинчи теоремаси.

Макроиктисодий барқарорлик ва уни таъминлашда давлатнинг вазифалари. Бандлик. Ички нархларнинг барқарорлиги. Давлатнинг иқтисодий вазифаси. Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодий агент сифатидаги ва жамиятнинг сиёсий институти сифатидаги ўрни ҳамда аҳамияти.

#### **. 2-мавзу: Давлат молиясининг моҳияти ва замонавий шароитларда ундаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари**

Давлат молияси. Давлат молиясининг ижтимоий-иктисодий аҳамияти. Давлат молиясининг бўғинлари. Давлат бюджети. Бюджет тизими. Бюджет тузилмаси. Бюджет федерализми. Марказлаштирилган молия. Марказлаштирилмаган молия. Бюджетдан ташқари фонdlар.

Молиявий сиёsat-иктисодий сиёsatнинг таркибий элементи сифатида. Сиёsat тушунчасининг мазмуни. Бюджет-солиқ (Фискал) сиёsати. Бюджет-

солиқ сиёсати ва унинг турлари. Дискрецион фискал сиёсат. Нодискрецион фискал сиёсат. Замонавий шароитларда бюджет-солиқ тизимидағи ислохотларнинг стратегик йўналишлари.

### **3-мавзу: Давлат молияси назарияси ҳақидаги илмий қараашларнинг концептуал асослари**

Мумтоз иқтисод назарияси асосчилари У.Петти, А.Смит, Д.Рикардо, П.Буагилбер кабиларнинг илмий ишларида давлат молияси назарияси. Янги тарихий мактаб концепциялари муаллифлари Г.Шмоллер, М.Вебер, А. Вагнерларнинг илмий қараашларида давлат молияси.

Ж.М. Кейнс илмий қараашларида давлат молиясининг талқини. Неокейнслик назарияси намоёндаларининг давлат молиясига оид қараашлари. Замонавий монетаризм назариясида давлат молиясига оид илмий қараашлар.

### **4-мавзу: Замонавий шароитларда давлат молияси ва унинг долзарб муаммолари.**

Глобаллашув жараёнларида молия тизимининг долзарб муаммолари. Замонавий молия тизими “архитектураси”. Жаҳон молия бозори капиталлашув даражаси.

Ривожланган мамлакатлар давлат молияси тизимидағи долзарб муаммолар. Ташқи қарзнинг меъёри. Глобал талаб ва таклифни рағбатлантириш. Валюталарнинг рақобатга асосланган девальвацияси.

Европа молиявий-иктисодий инқирози: сабаблари, оқибати ва истиқболдаги вазият. Маастрихт шартномаси. Еврохудуд. Лиссабон шартномаси. Европа марказий банки. Барқарорлик Пакти. Европа иқтисодий ва молиявий барқарорлаштириш фонди.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1- амалий машғулот: Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодий роли.**

Бозор ва давлат: бозордаги нобарқарор вазиятнинг кузатилиши давлат аралашувининг асоси сифатида. Монополия. Давлатнинг бозорга аралашуви. Ахборот ассиметрияси. Ташқи самара. Барқарорликнинг биринчи теоремаси. Барқарорликнинг иккинчи теоремаси.

Макроиктисодий барқарорлик ва уни таъминлашда давлатнинг вазифалари. Бандлик.Ички нархларнинг барқарорлиги. Давлатнинг иқтисодий вазифаси. Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодий агент сифатидаги ва жамиятнинг сиёсий институти сифатидаги ўрни ҳамджа аҳамияти.

## **2- амалий машғулот:**

### **Давлат молиясининг моҳияти ва замонавий шароитларда ундаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари**

Давлат молияси. Давлат молиясининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти. Давлат молиясининг бўғинлари. Давлат бюджети. Бюджет тизими. Бюджет тузилмаси. Бюджет федерализми. Марказлаштирилган молия. Марказлаштирилмаган молия. Бюджетдан ташқари фонdlар.

Молиявий сиёсат-иқтисодий сиёсатнинг таркибий элементи сифатида. Сиёсат тушунчасининг мазмуни. Бюджет-солик (Фискал) сиёсати. Бюджет-солик сиёсати ва унинг турлари. Дискрецион фискал сиёсат. Нодискрецион фискал сиёсат. Замонавий шароитларда бюджет-солик тизимидағи ислоҳотларнинг стратегик йўналишлари.

## **3- амалий машғулот:**

### **Давлат молияси назарияси ҳақидаги илмий қарашларнинг концептуал асослари**

Мумтоз иқтисод назарияси асосчилари У.Петти, А.Смит, Д.Рикардо, П.Буагилбер кабиларнинг илмий ишларида давлат молияси назарияси. Янги тарихий мактаб концепциялари муаллифлари Г.Шмоллер, М.Вебер, А. Вагнерларнинг илмий қарашларида давлат молияси.

Ж.М. Кейнс илмий қарашларида давлат молиясининг талкини. Неокейнслик назарияси намоёндаларининг давлат молиясига оид қарашлари. Замонавий монетаризм назариясида давлат молиясига оид илмий қарашлар.

## **4- амалий машғулот:**

### **Замонавий шароитларда давлат молияси ва унинг долзарб муаммолари**

Глобаллашув жараёнларида молия тизимининг долзарб муаммолари. Замонавий молия тизими “архитектураси”. Жаҳон молия бозори капиталлашув даражаси.

Ривожланган мамлакатлар давлат молияси тизимидағи долзарб муаммолар. Ташқи қарзнинг меъёри. Глобал талаб ва таклифни рағбатлантириш. Валюталарнинг рақобатга асосланган девальвацияси.

Европа молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари, оқибати ва истиқболдаги вазият. Маастрихт шартномаси. Евроҳудуд. Лиссабон шартномаси. Европа марказий банки. Барқарорлик Пакти. Европа иқтисодий ва молиявий барқарорлаштириш фонди.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модулнинг назарий материалини ўзлаштиришда қуйидаги:

→ ўқув ишини ташкиллаштиришининг интерфаол шаклларидан: бинар-маъруза, провакацион-маъруза, савол-жавобли маъруза, сұхбат-маърузалар орқали ташкиллаштириш назарда тутилган.

→ ўқув фаолиятини ташкил этиши шакллари сифатида қуидагилардан

*фойдаланиши назарда түтілган:*

- маъруза машғулотларида оммавий, жуфтлик, индивидул;
- амалий машғулотларда гурухли, жамоавий, жуфтлик, индивидуал.

### **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

Мазкур модул юзасидан тингловчиларнинг билим, қўникма ва малакалари назорати қўйидаги мезонлар орқали баҳоланади:

<b>№</b>	<b>Баҳолаш турлари</b>	<b>Энг юқори балл</b>	<b>Изоҳ</b>
1.	Мустақил иш топшириқлари	1,0 балл	
2.	Кейс топшириқлари	1,5 балл	
	Жами	2,5 балл	

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

**1-маъруза машғулотида** қуйидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

1) Машғулотнинг мотивация босқичида: “Ақлий хужум”дан фойдаланилади.

**Топшириқ мазмуни** → “Миллий иқтисодиётда кузатилаётган макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда давлат молиясининг ўрни қандай деб ҳисоблайсиз?”

2) Тингловчиларнинг молия тизими, давлат молияси, давлат молиясининг бўғинлари, фискал сиёsat инструментлари ҳақидаги маълумотларни билишлари ва билишни истаётган маълумотларини аниқлаш мақсадида “Б /Б /Б” методидан фойдаланилади.

**Топшириқ мазмуни** → Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодий вазифалари бўйича билган маълумотларни биринчи устунга ёзиб чиқиш ва билишни истаётган маълумотларни иккинчи устунга ёзиб чиқиш.

**“Б /Б /Б”**

<b>Биламан</b>	<b>Билишни истайман</b>	<b>Билиб олдим</b>
<b>Макроиқтисодий барқарорлик</b>	Даромадларни тақсимлаш	Лоренц чизиги
<b>Давлат жамиятнинг сиёсий институти сифатида</b>	Жинни коэффициенти	Дицел коэффициенти
	Ресурсларни тақсимлаш	

3) Тингловчиларнинг замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибаларга оид таянч маълумотларни аниқлаш мақсадида “Тушунчалар таҳлили” методидан фойдаланилади.

**“Тушунчалар”- таҳлили**

<b>Тушунчалар</b>	<b>Сизнинг фикрингизча ушбу тушунча нимани англатади?</b>	<b>Қўшимча маълумот</b>
<b>Давлат</b>		
<b>Марказлаштирилган фонdlар</b>		
<b>Давлат бюджети</b>		
<b>Фискал сиёsat</b>		

**Амалий машғулотда** күйидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

1) Тингловчиларнинг конфедератив ташкилий тузилмалар, федератив, унитар мамлакатлар давлат молияси тизими моделлари бўйича билим ва кўникмаларини ривожлантириш мақсадида “SWOT – таҳлил” методидан фойдаланилади.

*Топшириқ мазмуни → Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими ва ундаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари ғоясини таҳлил қилиш.*

### **“SWOT - таҳлил” жадвали**

<b>S</b> (кучли томони)	<b>W</b> (кучсиз томони)
<b>O</b> (имкониятлар)	<b>T</b> (таҳдидлар)

2) Тингловчиларнинг давлат молияси ва корпоратив молия бўйича билим ва кўникмаларини ривожлантириш мақсадида “Концептуал жадвал” методидан фойдаланилади.

### **Концептуал жадвал**

<i>Аспект таҳлили</i>	<b>Давлат молияси</b>	<b>Корпоратив молия</b>
Фаолият соҳаси		
Элементлари		
Мазмуни		
Мақсади		
Қамраб олувчи фонdlар		

**2- маъруза машғулотида** қуидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

1) Машғулотнинг мотивация босқичида: “Ақлий хужум”дан фойдаланилади.

**Топшириқ мазмуни** → “Замонавий молия тизимида давлат молиясининг тутган қандай ўринга эга?”

2) Тингловчиларнинг давлат молияси тизими, сиёсат, молиявий сиёсат, монетар сиёсат, фискал сиёсат каби маълумотларни билишлари ва билишни истаётган маълумотларини аниқлаш мақсадида “**Б /Б /Б**” методидан фойдаланилади.

**Топшириқ мазмуни** → давлат молияси ва молиявий сиёсат бўйича билган маълумотларни биринчи устунга ёзиб чиқиш ва билишни истаётган маълумотларни иккинчи устунга ёзиб чиқиш.

### “**Б /Б /Б**”

Биламан	Билишни истайман	Билиб олдим
Давлат бюджети	Классик тавсифдаги молиявий сиёсат	Молиявий сиёсатнинг стратегик йўналишлари
<b>Молиявий сиёсат</b>	Молиявий стратегия	

3) Тингловчиларнинг замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илгор хорижий тажрибаларга оид таянч маълумотларни аниқлаш мақсадида “**Тушунчалар таҳлили**” методидан фойдаланилади.

### “Тушунчалар”- таҳлили

Тушунчалар	Сизнинг фикрингизча ушбу тушунча нимани англатади?	Қўшимча маълумот
<b>Сиёсат</b>		
<b>Давлат молияси тизими</b>		
<b>Монетар сиёсат</b>		
<b>Бюджет сиёсати</b>		

**Амалий машғулотда** қуидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

1) Тингловчиларнинг давлат молияси ва молиявий сиёсат бўйича билим ва кўникмаларини ривожлантириш мақсадида “SWOT – таҳлив” методидан фойдаланилади.

**Топширик мазмуни** → Замонавий шароитларда молиявий сиёсат ва унинг стратегик йўналишлари

### **“SWOT - таҳлил” жадвали**

<b>S</b> (кучли томони)	<b>W</b> (кучсиз томони)
<b>O</b> (имкониятлар)	<b>T</b> (таҳдидлар)

2) Тингловчиларнинг фискал сиёсат ва монетар сиёсат бўйича билим ва кўникмаларини ривожлантириш мақсадида “Концептуал жадвал” методидан фойдаланилади.

### **Концептуал жадвал**

<i>Аспект таҳлили</i>	Фискал сиёсат	Монетар сиёсат
Мақсади		
Мазмуни		
Инструментлари		
Шакллари		
Илгари сурувчи мактаблар		

**3- маъруза машғулотида** қуйидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

1) Машғулотнинг мотивация босқичида: “Ақлий хужум”дан фойдаланилади.

**Топшириқ мазмуни** → “Турли иқтисодий мактабларнинг давлат молияси хақидаги имий қарашлари?”

<b>Классик иқтисодий назария асосчиларининг илмий қарашлари</b>	<b>Неолассик назария намоёндаларининг илмий қарашлари</b>	<b>Кейнсчилик ва Неокейнсчилик назария намоёндаларининг илмий қарашлари</b>	<b>Замонавий монетаризм назария намоёндаларининг илмий қарашлари</b>
---	---	---	--

2) Тингловчиларнинг Маржинализм назариянинг давлат молиясига оид илмий қарашлари ҳақида қандай маълумотларни билишлари ва билишни истаётган маълумотларини аниқлаш мақсадида “Б /Б /Б” методидан фойдаланилади.

**Топшириқ мазмуни** → Маржинализм назариянинг давлат молиясига оид илмий қарашлари ҳақида қандай маълумотларини биринчи устунга ёзиб чиқиш ва билишни истаётган маълумотларни иккинчи устунга ёзиб чиқиш.

**“Б /Б /Б”**

<b>Биламан</b>	<b>Билишни истайман</b>	<b>Билиб олдим</b>

3) Давлатнинг иқтисодий вазифасига оид таянч маълумотларни аниқлаш мақсадида “Тушунчалар таҳлили” методидан фойдаланилади.

**“Тушунчалар”- таҳлили**

<b>Тушунчалар</b>	<b>Сизнинг фикрингизча ушбу тушунча нимани англатади?</b>	<b>Қўшимча маълумот</b>
<b>Давлат</b>		
<b>Давлат-иқтисодий агент сифатида</b>		
<b>Давлат-жамиятнинг сиёсий институти сифатида</b>		
<b>Макроиқтисодий арқарорликни таъминлаш</b>		
<b>Даромадларни қайта тақсимлаш</b>		

**Амалий машғулотда** қуйидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

1) Тингловчиларнинг давлат молияси назарияси ҳақидаги илмий қарашларнинг концептуал асослари бўйича билим ва кўникмаларини

ривожлантириш мақсадида “SWOT – таҳлил” методидан фойдаланилади.

**Топширик мазмуни →** Ж.М.Кейнснинг фискалъ сиёsat ҳақидаги илмий қарашларини таҳлил қилиш.

### **“SWOT - таҳлил” жадвали**

<b>S</b> (кучли томони)	<b>W</b> (кучсиз томони)
<b>O</b> (имкониятлар)	<b>T</b> (таҳдидлар)

2) Тингловчиларнинг Кейнслик ва монетаризм йўналишлари бўйича билим ва кўнималарини ривожлантириш мақсадида “Концептуал жадвал” методидан фойдаланилади.

#### **Концептуал жадвал**

<b>Аспект таҳлили</b>	Кейнслик	Монетаризм
Концептуал асоси		
Йўналиши		
Илгари сурилган концепция		
Шакли		
Кенг фойдаланиладиган инструментлар		

**4- маъруза машғулотида** қўйидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

1) Машғулотнинг мотивация босқичида: “Ақлий хужум”дан фойдаланилади.

**Топшириқ мазмуни** → “Глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг навбатдаги тўлқинидаги асосий тенденциялар нималардан иборат?”

Глобал молиявий макон	Қарзга асосланган иқтисодиёт	Бюджет тақчиллиги ва ундаги концепция	Twin debt муаммоси ва унинг озибатлари

2) Тингловчиларнинг Бюджет тақчиллиги ва давлат қарзлари муаммоси хақида қандай маълумотларни билишлари ва билишни истаётган маълумотларини аниқлаш мақсадида “Б /Б /Б” методидан фойдаланилади.

**Топшириқ мазмуни** → Бюджет тақчиллиги ва давлат қарзлари муаммоси хақида қандай маълумотларни биринчи устунга ёзиб чиқиш ва билишни истаётган маълумотларни иккинчи устунга ёзиб чиқиш.

**“Б /Б /Б”**

Биламан	Билишни истайман	Билиб олдим

3) Давлатнинг иқтисодий вазифасига оид таянч маълумотларни аниқлаш мақсадида “Тушунчалар таҳлили” методидан фойдаланилади.

**“Тушунчалар”- таҳлили**

Тушунчалар	Сизнинг фикрингизча ушбу тушунча нимани англатади?	Кўшимча маълумот
Давлат қарзи		
Ташқи қарзлар		
Хориждан маблағ жалб қилиш		
Бюджет тақчиллиги		
Тўлов баланси		

**Амалий машғулотда** күйидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

1) Тингловчиларнинг “Глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг навбатдаги түлқинидаги асосий тенденциялар” бўйича билим ва кўникмаларини ривожлантириш мақсадида “SWOT – таҳлил” методидан фойдаланилади.

**Топшириқ мазмуни → АҚШ давлат молияси тизими.**

### **“SWOT - таҳлил” жадвали**

<b>S</b> (кучли томони)	<b>W</b> (кучсиз томони)
<b>O</b> (имкониятлар)	<b>T</b> (таҳдидлар)

2) Тингловчиларнинг замонавий .

### **Концептуал жадвал**

<i>Аспект таҳлили</i>	АҚШ молия тизимидағи муаммолар	Европа иттифоқи молия тизимидағи муаммолар
Концептуал асоси		
Йўналиши		
Илгари сурилган концепция		
Шакли		
Кенг фойдаланиладиган инструментлар		

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1-мавзу: Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодий роли.

Режа:

**1.1. Бозор ва давлат: бозордаги нобарқарор вазиятнинг кузатилиши давлат аралашувининг асоси сифатида.**

**1.2. Макроиктисодий барқарорлик ва уни таъминлашда давлатнинг вазифалари.**

**❖ Таянч иборалар:** ижтимоий сектор, Парето самараси, замонавий таълим, монополия, ахборотлар асимметрияси, ташқи самара, барқарорликнинг биринчи теоремаси, барқарорликнинг иккинчи теоремаси, солиқ юки.

#### **1.1. Бозор ва давлат: бозордаги нобарқарор вазиятнинг кузатилиши давлат аралашувининг асоси сифатида.**

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат жамиятнинг сиёсий институти сифатида миллий иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишини доимий тартибга солиб туради. Бунга зарурият шу билан белгиланадики, бозордаги конъюнктура доимо ҳам барқарор бўлмайди. Турли ҳил омиллар таъсирида бозорда нобарқарорлик ҳолатлари кузатилиб, бундай шароитда давлат томонидан тартибга солиш инструментларининг кенг арсенали воситасида барқарорликни таъминлашга йўналтирилган чора тадбирлар амалга оширилади.

Бозордаги нобарқарорлик бу шундай вазиятки, бозордаги эркин конюнъктура ресурслардан самарали фойдаланишини таъминламайди. Бозордаги нобарқарорликнинг асосий сабабларидан бири монополиянинг мавжудлиги натижасида рақобатнинг чекланганлиги, табий монополиялар, ташқи самара, ахборотлар асимметрияси, бозорларнинг тўйинмаганлиги, даромадларнинг кескин табақаланиши ва бошқа омиллар ҳисобланади.

**1. Монополиянинг мавжудлиги.** Иқтисодиётнинг маълум тармоқларидағи табий монополиялар ҳамда олигополиялар натижасида рақобатнинг чекланишига олиб келинади. Бундай ҳолат ижтимоий барқарорлик ва истеъмолга таъсир кўрсатади. Натижада давлатнинг турли инструментлар воситасида бозорга аралашувига зарурат туғилади. Давлатнинг бозорга аралашуви давлат ва муниципал корхоналарни ташкил этиш, давлат томонидан турли иқтисодий инструментлар воситасида тартибга солиш, нархларни белгилаш ва назорат қилиш, иқтисодий бойликларни хажми, сифатини назорат қилиш каби шакларда амалга оширилади. Шунингдек, миллий иқтисодиётдаги илмий-техник тараққиётни, технологик жараёнларни ва инновацион ривожланишини давлат томонидан рағбатлантириш учун “Легал монополия”<sup>2</sup> ёки интелектуал мулк монополияси ташкил этилиши мумкин.

**2. Ахборот асимметрияси.** Иқтисодий бойликни ишлаб чиқарувчи ва истеъмол қилувчилар ахборот асимметрияси. Одатда, товарлар ва

<sup>2</sup> David N. Hyman Public Finance: A Contemporary Application of Theory to Policy, Tenth Edition, South-Western Cengage Learning Mason, USA, 2011, p. 161.

хизматларнинг сифат тавсифлари бўйича яхши-ёмон жиҳатлари тўғрисида ишлаб чиқарувчилар яхши ахборотга эга бўлсалар, истеъмолчилар бу борада тўлиқ ахборотга эга бўлмайдилар. Соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида ахборотлар асиметрияси алоҳида аҳамият касб этади. Шундай тармоқлар мавжудки, ахборот асиметрияси истеъмолчиларнинг (суғурталаш) юқори даражада ахборот билан таъминланганликларида намоён бўлиб, қайсики кўриладиган зарар паст даражада ахборотга эга бўлган суғуртачига юкланди. Бундай хизматлар бозоридаги нобарқарорлик давлатнинг аралашувни талаб қиласи (лицензиялаш), хусусан, таълим соғлиқни сақлаш, мажбурий тиббий суғурталашда давлат ва муниципал секторни шакллантиришни талаб қиласи.

**3. Ташқи самара.** Салбий ташқи самара шароитида, масалан, атроф мухитни ифлослантириш жараёнлари учун давлат экология солиғини жорий этади. Агар ижобий ташқи самара бўлса давлат томонидан субсидия берилади. Гап ташқи самара тўғрисида кетганда бозорнинг нобарқарорлигини олдини олиш учун нафақат регулятив чора-тадбирлар балки, молиявий ёки бошқа усуллардан фойдаланилади.

Бозор иқтисодиёти тизими ўзи бошқарувчи тизимдир. Унга жуда кўп ташқи ва ички омиллар таъсир этади. Шунга асосан, бозорда учрайдиган нобарқарорликни ташқи коррекция қилиш учун давлатнинг ролига эҳтиёж мавжуд бўлади. Бундан ташқари давлат турли хил иқтисодий ўзгаришларни амалга оширувчи ташаббускор вазифасини бажаради.

Давлат бир томондан ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи иқтисодий агент. Иккинчидан, жамиятнинг сиёсий институти сифатида сиёсий хокимиятга эгалик қиласи ва жамиятнинг маълум йўналишдаги ривожланишини тартибга солиб боради.


Давлат муваффақиятсизлиги-бу давлат органлари томонидан шундай қарорлар қабул қилиш имкониятимавжуд бўлиб, қайсики, жамият томонидан бундай қарорлар энг мақбул қарор сифатида қабул қилинмайди. Давлатнинг провалига қўйидагилар киритилиши мумкин:

1. Жамият учун оптималь қарорларни қабул қилишдаги ахбортларнинг етишмаслиги.
2. Иқтисодий қарорлар қабул қилишдаги бюрократизм.
3. Бюрократия устидан етарли мукаммал назорат тизимнинг шакллантирилмаганлиги.
4. Мукаммал сиёсий тизимнинг шакллантирилмаганлиги.
5. Давлатнинг бошқарув тизиминиг мотивациянинг етишмаслиги.

Самарадорлик тушунчаси илк бор Италян олими Вилфредо Парето томонидан тизимли равишда ўрганилган бўлиб, турли иқтисодий вазиятлар натижаларини солиштирган. Ижтимоий секторнинг амал қилиш зарурияти иқтисодий назария позициясида бозордаги барқарорликнинг доимий тавсифга эга бўлмаслиги, унда нобарқарорлик ҳолатларини кузатилиши билан боғлиқдир. Ресурсларни самарали тақсимланиши шундай ҳолат билан изоҳланадики, маълум бир индивидларнинг иқтисодий ҳолатини яхшиланиши, қандайдир бошқа индивидларнинг иқтисодий ҳолатини ёмонлашуви билан ўзаро боғлиқ бўлади. Ушбу вазият В. Парето(1848-1923) оптимуми ёки Парето

самараси деб номланади<sup>3</sup>. Ушбу самарага эришиш (Парето самараси) бир қанча шартлар билан боғлиқ бўлиб, аввало бозордаги нобарқарорлик ҳолатларига зиддир.

Парето бўйича оптимал ҳолат бу шундай вазиятки, унда бозорнинг барча субъектлари ўзининг иқтисодий ҳолатини бошқа индивидлар ҳолатини ёмонлашувига нейтрал ҳолатда амалга оширадилар. Бунда барча субъектлар фойдаси бир бирини камайтиришига нейтрал ҳолатда кўпайтирадилар. Буни қўйидаги расм орқали кўриб чиқишимиз мумкин.



**1.1-расм. Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиги ва ишлаб чиқаришдаги самарадорлик(Парето самарадорлиги)<sup>4</sup>.**

Расмдан кўриниб турибдики, С нуқтасида ишлаб чиқариш Парето мезонлари бўйича самарасиздир. А,В ёки У нуқтада нисбатан самарали ҳисобланади. Чунки, ушбу нуқталарда Y ва X индивид бир бирининг ютқазишларисиз ўзларининг иқтисодий ҳолатларини яхшилаш имкониятларига эга бўладилар. Е нуқтадан В нуқтага ишлаб чиқариш имкониятларининг С нуқтадан В нуқтага сурилиши Y индивиднинг ишлаб чиқариш имкониятларининг пасайтиргмаган ҳолатда X инвиддинг бозордаги ҳолатларини кўпайишига олиб келади. С Нуқтадан Е нуқтага сурилиши ҳар қайси инвидларнинг бир хилда бозордаги иқтисодий ҳолатларини ортишини таъминлайди. С нуқтадан А нуқтага сурилиши эса бир вақтнинг ўзида X инвиддинг иқтисодий ҳолати нейтрал бўлган ҳолатда Y индивиднинг иқтисодий ҳолатини яшиланишини таъминлайди.


**Барқарорликнинг биринчи теоремаси.** Эркин рақобат мавжуд бозорларда хеч кимнинг иқтисодий ҳолати бошқа бирорнинг иқтисодий ҳолати

<sup>3</sup> David N. Hyman Public Finance: A Contemporary Application of Theory to Policy, Tenth Edition, South-Western Cengage Learning Mason, USA, 2011, p. 36.

<sup>4</sup> David N. Hyman Public Finance: A Contemporary Application of Theory to Policy, Tenth Edition, South-Western Cengage Learning Mason, USA, 2011, p. 38.

хисобига ўсмайди.

Агар ушбу жараён асосида Парето бўйича самарадорлик чегаравий мезонларини кўриб ўтмоқчи бўлсак, қуидаги расмга мурожаат қиласиз.



### 1.2-расм. Ишлабчиқариш имкониятлари эгри чизиги мезонлари.

Бунда аниқ икки турдаги товарлар ишлаб чиқарувчилар солиштирилади. Хусусан, қурол ишлаб чиқарувчилар ва сариёг ишлаб чиқварувчилар солиштирилади. Агар А нуқтадан ишлаб чиқариш имкониятлари В нуқтага харакатланадиган бўлса, Сариёғ ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий ҳолати ёмонлашуви хисобига Курол ишлаб чиқарувчи индивид иқтисодий ҳолати яхшиланади. А нуқтадан С нуқтага харакатланишида эса қурол ишлаб чиқарувчиларнинг имкониятларининг чекланиши яъни уларнинг иқтисодий ҳолатини ёмонлашуви сариёғ ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий ҳолатини яхшиланишига олиб келади.

Давлат биринчидан, турли хил иқтисодий инструментлар воситасида мамлакатдаги даромадлар ва ресурсларнинг тақсимланиши тартибга солинади.

**Барқарорликнинг иккинчи теоремаси.** Агар бозорда кўплаб истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар бўлса, улар ўзларининг манфаатлари учун харакат қиласиз. Уларнинг бозордаги хулқ атвори бозор баҳосига таъсир этмайди. Бунда бир қанча Парето оптималлиги ҳолатлари амал қилиб, бозор усулари воситасида эришилади.

Агар мамлакат иккита ҳудуддан ташкил топган бўлса ва маълум иқтисодий неъматга нисбатан аҳолининг талаб функцияси биринчи ҳудудда  $D_1$  ни ташкил этса, иккинчи ҳудудда талаб функцияси  $D_2$  га teng бўлади<sup>5</sup>. Агар қарор марказлашмаган ҳолда қабул қилинса ушбу неъматни етказиб беришнинг чегаравий харажатлари доимий бўлиб,  $P^*$  га teng бўлади. Бунда, биринчи ҳудуд учун ушбу бойликни етказиш  $Q_1$  га teng бўлса, иккинчи ҳудуд учун  $Q_2$

<sup>5</sup> David N. Hyman Public Finance: A Contemporary Application of Theory to Policy, Tenth Edition, South-Western Cengage Learning Mason, USA, 2011, p. 553.

миқдорда етказилади.

Қарорлар марказлаширилган ҳолатда қабул қилингандаги вазиятни күриб чиқамиз. Бунда бир хил харажатлар даражасида ижтимоий бойлик яъни ижтимоий хизматлар бир хил даражада етказилади яъни  $Q^*$  миқдорда.  $Q^*$  миқдор  $Q_1$  и  $Q_2$  миқдорларнинг оралиғида бўлади.




Рис. 14.2. Преимущество децентрализованной поставки локального общественного блага

Источник: Якобсон Л.И. Указ. соч. С. 250

### 1.3-расм. Махаллий ижтимоий неъматларни марказлашмаган ҳолда тақдим этишнинг афзаликлари.

Расмдан кўриниб турибдики, марказлашмаган ҳолда қарор қабул қилишдан марказлашган ҳолда қарор қабул қилишнинг афзалиги шундан иборатки, бунда истеъмолчилар учун фойдалиликнинг йўқолишига олиб келмоқда. Буни  $E_1 E^* A$  и  $E^* B E_2$  учбурчаклари орқали кўришимиз мумкин<sup>6</sup>.

Одатда, ягар  $D_1$  и  $D_2$  – чизиқлар ижтимоий неъматлар учун чегаравий тўловлар миқдорини англашиб, биринчи ҳудуд аҳолиси истеъмолни  $Q_t$  дан  $Q^*$  гача ошириш  $Q_1 E_1 A Q^*$ , фигура майдонининг юзасига teng бўлади. Амалда тўловларнинг суммаси  $P^*(Q^* - Q_1)$  миқдорга teng бўлади. Бир вақтнинг ўзида иккинчи ҳудуднинг аҳолиси учун  $Q_2$  дан  $Q^*$  гача пасайиши  $Q^* B E_2 Q_2$  фигуранинг майдонига teng, харажат эса  $P^*(Q_2 - Q^*)$  га яъни  $Q^* E^* E_2 Q_2$ . Фигура майдонига tengдир.

### Иқтисодий барқарорлик ва уни таъминлашда давлатнинг вазифалари

Маълумки, макроиктисодий барқарорликнинг асосий белгилари куйидагилардан иборат: (а) даромадлар тақсимланиши муаммоси; (б) Иқтисодий ўсиш; (в) Тўла бандлик; (г) Ички нархларнинг барқарорлиги (инфляция); (д) Хорижий валюталарга алмашув курсининг барқарорлиги; (ж) Бақувват тўлов баланси; (з) Давлат бюджети камомадининг ЯИМга нисбатан 3% ан ошиб кетмаслиги ва бошқалар.

Ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида яратилган миллий даромад турли хил иқтисодий субъектлар манфаатлари йўлида фойдалнилади. Миллий даромад, уни яратилишида сарфларнган ижтимоий меҳнат юзасидан яратилган қиймат тақсимланади ва иқтисодий субъектларнинг пул даромадлари шакллантирилади. Моддий манфаатларни қондирилиши яратилган ижтимоий

<sup>6</sup> Wilensky, Harold L. Rich Democracies: Political Economy, Public Policy, and Performance. Berkeley, Calif.: California University Press. 2002.- p.183

маҳсулотлар тақсимланишида ўз аксини топади.

Молия иқтисодий категория сифатида ана шундай ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида яратилган миллий даромадни бирламчи ва қайта тақсимлаш, пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар тизимиdir.


Молия- хўжалик юритишнинг барча даражаларидаги ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Молиянинг мавжудлигисиз, кенгайтирилган асосидаги ишлаб чиқариш фондларининг айланишини таъминлаш мумкин эмас. Молия орқали ЯИМ ёки миллий даромаднинг бир қисми иқтисодиёт тармоқлари, худудлараро ва ижтимоий соҳалар ўртасиа тақсимланади.

Инсоният тарихидан маълумки, давлатларнинг пайдо бўлиши ва жамият аъзоларининг барчасига бирдек зарур бўлган умумий вазифаларни давлатнинг зиммасига туша бошлиши давлатнинг ихтиёрида маълум молиявий маблағлар бўлишини талаб килган. Кадимда давлатнинг бошқарув аъзоларини эҳтиёжи учун солик тўловларининг шаклланиши ва уларни давлат эҳтиёжлари учун сарфланиши давлат молиясининг илк кўринишларини ўзида намоён килди. Кейинчалик, инсоният тараккиёти, давлатларнинг шаклланиши ва ривожланиши оқибатида давлат молияси ҳам шаклланиб, такомиллашиб борди.

Давлатларнинг пайдо бўлиши билан молиянинг пайдо бўлишини объектив шарт шароитлари давлатлар жамият иқтисодий тизимида роли ва унга тегишли бўлган функцияларда намоён бўлади.

Давлатларнинг иқтисодий роли жамият иқтисодий тизимида мулкчилик муносабатларининг ислоҳ қилиш, институционал ўзгаришлар, иқтисодий самарадорлик ва ижтимоий тенглик меёrlарини таъминлашдан иборатdir.

Давлатларнинг иқтисодий вазифаси қуйидагилардан иборат



#### 1.4-расм. Жамиятдаги давлатларнинг иқтисодий вазифалари<sup>7</sup>.

Ана шундай давлатларнинг жамиятдаги ижтимоий-иктисодий вазифаларини амалга ошириши учун йирик микдордаги молиявий ресурсларга эҳтиёж сезади ва бундай молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш жараёни давлат молиясини мазмунини англаади.

Иқтисодиётни молиявий тартибга солища давлат бюджетидан фойдаланиш йўналишлари ёки имкониятлари бир пайтнинг зид солиқлар ва давлат харажатлари орқали намоён бўлади.

Буни “Ресурслар-товарлар ва хизматлар” ҳамда “даромадлар –


<sup>7</sup> David N. Hyman Public Finance: A Contemporary Application of Theory to Policy, Tenth Edition, South-Western Cengage Learning Mason, USA, 2011, p. 37

харажатлар”нинг давлат аралашуви мавжуд иқтисодиётдаги доиравий айланиши модели орқали кўриб чиқамиз.

Бир вақтнинг ўзида корпоратив секторни (фирмалар) солиққа тортилади ва шунингдек, субсидиялар орқали айrim тармоқларда фаолият юритувчи хўжалик субъектларининг фаолияти рафбатлатирилади.

Шунингдек, уй хўжаликларини солиққа тортиш, ёки аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатлами учун ижтимоий трансферлар ажратиш воситасида уй хўжаликларининг истеъмол талаби тартибга солиб турилади. Умуман, фирмалар, уй хўжаликари фаолиятини солиққа тортиш ва улага субсидияар, ижтимоий трансферлар ажратиш ҳисобига иқтисодиётдаги ялпи талаб тартибга солиб турилади.

Давлат бир пайтнинг ўзида товарлар ва хизматлар ёки ресурслар бозорига товарлар ва хизматлар ҳамда ресурсларни таклиф қилувчи иқтисодий агент сифатида иштирок этади. Шунингдек, ушбу бозорларда товарлар ва хизматлар ҳамда ресурсларга нисбатан талаб сифатида майдонга чиқади. Масалан, товарлар ва хизматларни давлат хариди воситасида сотиб олинади. Бу борада эришилган натижаларга тўхталиб, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов қўйидаги фикрларни айтиб ўтган эдилар, “2013 йилда электрон савдолардаги давлат харидлари ҳажми 417 миллиард сўмни ташкил этди ва савдо якунлари бўйича 83 миллиард сўмлик бюджет маблағлари тежаб қолинди. Бунда давлат харидлари доирасида сотувга қўйилган товар ва хизматларнинг 83 фоиздан зиёди кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилганини алоҳида қайд этиш керак”.



**1.5-расм. “Ресурслар-товарлар ва хизматлар” ҳамда “даромадлар – харажатлар”нинг давлат аралашуви мавжуд иқтисодиётдаги доиравий айланиши модели.**

Давлатнинг иқтисодий вазифаларидан бири жамиятда яратилган даромадларни турли ижтимоий қатламлар ўртасида ыайта тақсимлаш

воситасида камбағаллиқ ва бойлар ўртасидаги маълум даражадаги мувозанатни сақлаш ҳисобланади. Бунда солиқлар яратилған даромадларни қайта тақсимлашнинг муҳим инструменти ҳисобланади.

Солиқ юкини құтариш ёки давлат харажатларини қисқартириш бўйича чора тадбирларга эҳтиёж асосан бюджет тақчиллиги юзасидан амалга оширилишини инобага олиб аксарият иқтисодчилар ушбу чора тадбирларни аксарият ҳолатларда уй хўжаликларининг ялпи талаби ва корпоратив сектордаги ялпи таклифга таъсири билан боғлайдилар. Масалан, Хорижлик иқтисодчилар Р.Барро ва Д. Рикардолар солиқларни ошириш ёки бюджет тақчиллигини қарзли молиялаштиришдан кутиладиган оқибатни бир ҳил баҳолайдилар<sup>8</sup>.

Солиқ юкининг пасайиши бюджетга ундирилиши лозим бўлган даромадларни қисқаришига олиб келади. Бундай шароитда бюджетда тақчиллик вужудга келиши мумкин. Бунинг математик ифодасини қўйидаги тарзда ифодалаш мумкин:

$$G_1 - T_1 = BD = \Delta B. \quad (1.1)$$

Бу ерда,

$G_1$ - биринчи даврдаги давлат бюджети харажатлари;

$T_1$  - биринчи даврдаги солиқлар

$BD = \Delta B$ - бюджет тақчиллиги.

Кейиги босқичда давлат бюджет тақчиллигини қоплаш учун солиқларни кўпайтиради ва  $\Delta B$  хажмдаги тақчилликни қоплайди.

$$T_2 = G_2 + (G_1 - T_1)(1+r). \quad (1.2)$$

Бу ерда,

$T_2$  -кейинги даврдаги солиқ тушумлари;

$G_2$ - кейинги даврдаги давлат бюджети харажатлари

Агар келгуси солиқ тушумларининг жорий қиймати келгуси давлат бюджети харажатларининг жорий қийматига teng бўладиган бўлса, юқоридаги тенглмани қўйидагича ифодалаш мумкин бўлади.

$$T_1 + \frac{T_2}{1+r} = G_1 + \frac{G_2}{1+r}$$

Иқтисодчилар томонидан қўтарилган ушбу масаада, индивидларнинг солиқларни қисқаришига таъсири ўрганилган.

Юқоридаги ҳолатлар тасдиқлайдики, солиқларнинг қисқариши индивидларни истеъмол харажатларини кенгайишига таъсир этмайди. Солиқларнинг қисқариши ҳисобига ҳосил бўладиган тақчилликни давлат бошқа манбалар ҳисобига қоплайди. Р.Барро томонидан ривожлантириган ушбу назарияда кўзда тутиладики, иқтисодий субъектларда рационал кутиш одатда ва ҳар қандай тақчиллик келгусидаги нисбатан юқори солиқлар ҳисобига копланиши муқаррариги эътироф этилади.

Солиқларни ўзгартириш билан боғлиқ давлат тадбирларига солиқ тўловчи индивидлар реакцияси бўйича яна бир, гипотезани кўриб чиқамиз.

---

<sup>8</sup>Levine, Ross. Finance and Growth: Theory and Evidence. NBER Working Paper 10766. Cambridge, Mass.: National Bureau of Economic Research, 2004, p. 85.

Ирвинг Фишер бу борадаги тадқиқотларни амалга ошириб, вақтлараро танлов моделини ишлаб чиқкан. Ушбу модельнинг график тузилиши қуйидаги расмда ифодаланади.

Мантиқан шундай хулоса қылса бўладики, жами истеъмол даражаси ҳар бир индивиднинг ихтиёрдаги даромадга тенг бўлади. Буни қуйидагича математик ифодалаш мумкин:

$$C_1 + \frac{C_2}{1+r} = (Y_1 - T_1) + \frac{Y_2 - T_2}{1+r}. \quad (1.4)$$

Бу ерда,


$C$ -истемол кўрсаткичи;

$Y$ - жами даромад;

$r$ - келгуси пул оқимларини жорий қийматини ҳисоблаш учун муқобил фоиз нормаси;

Солиқларнинг пасайтирилиши истеъмолчининг ўзига хос равишдаги таловини ўзгартирмайди. Буни қуйидагича ифодалаш мумкин.

$$\begin{aligned} C_1 + \frac{C_2}{1+r} &= (Y_1 - T_1 + \Delta T) + \frac{Y_2 - T_2 - (1+r)\Delta T}{1+r} = \\ C_1 + \frac{C_2}{1+r} &= Y_1 - T_1 + \Delta T + \frac{Y_2 - T_2}{1+r} - \Delta T = C_1 + \frac{C_2}{1+r} = (Y_1 - T_1) + \frac{Y_2 - T_2}{1+r}. \end{aligned} \quad (1.5)$$




1.3-расм. Ирвинг Фишер вақтлараро танлов модели<sup>9</sup>

Демак, жорий даврда солиқ юкини пасайтириш натижасида солиқ тўловчилар зиммасидаги, солиқларни пасайтириш истеъмолнинг ўсишига таъсир этмайди. Балки, соф бойликнинг ўсиши орқали жамғаришнинг ортишига олиб келади.

Маълумки, давлат молияси инструментлари воситасида моддий неъматлар яратилаиган соҳалардаги даромадлар, ижтимоий соҳаларга қайта тақсимланади. Бунда солиқлар, асосий қайта тақсимлаш инструменти ҳисобланади. Натижада, яратилган аромадни аҳолининг ижтимоий қатламлари ўртасида тақсимланиши тенглаштирилиши мумкин. Лекин бундай тақсимланиши тенг миқдорда

<sup>9</sup>Alan J. Auerbach Public Finance in Practice and Theory.-University of California, Berkeley, May, 2009, p.104

бўлмайди ва тақсимлаш эгри чизиги биссектриса шаклида бўлмайди. Ушбу ғояни италян олими Жини график тарзида қуидагича ифодалайди.



#### 1.4-расм. Даромадлар тақсимланиши (Жини графиги)

**Жини коэффициенти ёрдамида баҳоланади ва у  $0 \leq \text{КЖ} \leq 1$  оралиқда бўлади.**

1. Жини коэффициенти 0 га тенг бўлганда даромадлар аҳоли орасида теппа-тенг тақсимланади.

2. Жини коэффициенти 1 га тенг бўлганда барча даромадлар битта шахс тасарруфидан бўлади.

Бу ҳолатлар гипотетик ҳолатлар бўлиб, факат назариядагина мавжуд.

#### Назорат саволлари:

1. Бозордаги нобарқарор вазиятнинг кузатилиши давлат аралашувининг асоси нималардан иборат?

2. В.Паретонинг самараси нималардан иборат?

3. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ижтимоий соҳаларни молиявий таъминлашда давлатнинг аҳамияти ва зарурлигини қандай изоҳлайсиз?

5. Иқтисодий барқарорлик ва уни таъминлашда давлатнинг вазифаларини изоҳланг.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

##### Махсус адабиётлар

1. David N. Hyman Public Finance: A Contemporary Application of Theory to Policy, Tenth Edition, 2011 South-Western Cengage Learning Mason, OH, USA

2. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Х. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув кўлланма.- Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2009.-6-20 б.

3. Brunori, David, Local Tax Policy, 2nd edition, Washington, D.C.: The Urban

Institute Press, 2007. A discussion of local government revenue systems in the United States within the context of the problems faced by these governments and the federal system.

4. Brunori, David. *State Tax Policy*. Washington, D.C.: The Urban Institute Press, 2001. An analysis of state tax systems within the context of a federal system where the central government is shifting more responsibility to the states.

5. Steuerle, C. Eugene, Van Doorn Ooms, George Peterson, and Robert D. Reischauer. *Vouchers and the Provision of Public Services*. Washington, D.C.: The Urban Institute Press, 2000. An analysis of how vouchers are used to finance public services, including education and housing, in the United States and other nations.

6. Alan J. Auerbach Public Finance in Practice and Theory. University of California, Berkeley May 2009.

### **Интернет ресурслари**

<http://www.nasbo.org>

<http://www.ntanet.org>

## **2-мавзу: Давлат молиясининг моҳияти ва замонавий шароитларда ундаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари.**

**Режа:**

- 2.1. Давлат молиясининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.**
- 2.2. Давлат молиясининг бўғинлари.**
- 2.3. Молиявий сиёсат ва замонавий шароитларда унинг устувор йўналишлари.**

**Таянч иборалар:** Молия, давлат молияси, молия тизими, молиявий сиёсат, классик тавсифдаги молиявий сиёсат, тартибга солувчи тавсифдаги молиявий сёсат, фискал сиёсат, дискрецион фискал сиёсат, нодискрецион фискал сиёсат, бюджет сиёсати.

### **2.1. Давлат молиясининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.**

Давлат молияси давлатнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий функцияларини бажариши учун зарурӣ пул маблағлари билан таъминлашга йўналтирилган мамлакатнинг молия тизимини муҳим бўғинидир. Ўзиниг иқтисодий моҳиятига кўра давлат молияси ижтимоий маҳсулот ва миллий даромадни тақсимланиши ва қайта тақсимланиши жараёнида давлат ихтиёрида пул фондларини шакллантириш ва мазкур давлатнинг пул фондларидан кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича давлат эҳтиёжлари, жамият аъзоларининг ўсиб бораётган ижтимоий маданий эҳтиёжларини қондиришга, мудофаа ва бошқариш соҳаларини молиявий таъминлаш бўйича эҳтиёжларни қондиришга тақсимлаш билан боғлиқ макроиқтисодий муносабатлар тизимиdir. Давлат молиясининг ўзига хос хусусияти шу билан белгиланадики, унда қатнашувчи субъект сифатида давлатнинг ўзи майдонга чиқади. Давлат молиясининг иқтисодий моҳияти турли туман талқин қилинадиган бўлиб, унинг таркибида алоҳида ўзаро боғлиқ бўғинлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос вазифаларни бажаради.

Давлат молияси давлатнинг умумий даромадларини шакллантириш ва давлат харажатлари йўналиши ўз ичига оловчи қиймат тақсимот муносабатларини ўзида акс эттиради<sup>10</sup>.

Давлат молияси жамият аъзолари умумий эҳтиёжини қондириш, мамлакатни идора этиш учун тақсимлаш ва ишлатиш борасидаги муносабатлар йифиндисидир. Мамлакатнинг ижгимоий-иқтисодий ривожланишида молия ва молиявий сиёсатнинг аҳамияти каттадир. Молия сиёсати иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми бўлиб, молияни ташкил этиш ҳамда ундан фойдаланиш давлат ўз функция ва вазифалари амалга оширишда кўрадиган чоралари мажмуига киради.

Давлат молияси молия тизимининг асосий бўғинини ташкил этади. Давлат молияси миллий даромад ва миллий бойлик қийматининг бир қисмини давлат,

<sup>10</sup> David N. Hyman Public Finance: A Contemporary Application of Theory to Policy, Tenth Edition, South-Western Cengage Learning Mason, USA, 2011, p.42.

унга қарашли корхона, ташкилотларнинг пул фондига айлантириб, уларнинг иқтисодий ўсишини таъминлаш, жамият аъзолари умумий эҳтиёжларини қондириш, мамлакатни бошқариш учун тақсимлаш ва ишлатиш муносабатларини олади.

Давлатнинг молиявий фаолияти — давлат зиммасидаги функцияларни бажарилиши таъминлаш учун пул маблағларини тўплаш, тақсимлаш, қайта тақсимлаш соҳасидаги тадбирлардан иборат. Молиявий фаолият миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш йўли билан шахсий эҳтиёжларнигина эмас, шу билан бирга ижтимоий эҳтиёжларни ҳам қондириш зарурлиги юзасидан обьектив жараёндир. Ишлаб чиқариш жараёнида корхона, ташкилот ва фуқароларда муайян пул жамғармалари вужудга келади ва молиявий фаолият натижасида ушбу жамғармаларнинг муайян қисми ижтимоий эҳгиёжларни қондириш учун умумдавлат жамғармларига жалб этилади.

**Давлат молияси-** кенгайтирилган ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш жараёнида яратилган миллий даромадни тақсимланиши орқали давлат ихтиёридаги марказлаштирилган пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлик пул муносабатлари тизимини ўз ичига олади.

Марказлаштирилган пул фондлари давлатнинг жамиятни сиёсий институти сифатидаги фаолиятининг молиявий асосини ташкил этувчи фондлардир. Ушбу пул фондлари асосан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобига шакллантирилади.

Давлат молиясининг моҳияти ва унинг роли ҳамда мақсадлари давлатларни бажарадиган функциялари, ишлаб чиқариш усуслари, ишлаб чиқариш муносабатлари характеристи билан белгиланади.

Давлат молияси орқали миллий даромад ҳудудлар, тармоқлар ва аҳолининг турли ижтимоий қатламлари ўртасида қайта тақсимланади.

## 2.2.Давлат молиясининг бўғинлари.

Агар мамлакат миқёсидаги ижтимоий-иктисодий жараёнларни бошқариш даражасига асосланган ҳолда давлат молиясини гурухланишида давлатларнинг сиёсий тузилиши ва давлат бошқаруви асосий омил ҳисобланади. Чунончи, мамлакатларнинг сиёсий тузилиши ва бошқарув тузилмаси нуқтаи назаридан федератив, конфедератив ва унитар каби турларга ажратишимиш мумкин.

Англо-америка мактаби иқтисодчи олимларининг таъкидлашича, Федератив мамлакатларда давлат молияси ижтимоий иқтисодий жараёнларни давлат томонидан бошқариш даражаси нуқтаи назаридан 3 асосий бўғинга: Федерал молия, федерация субъектлари молияси ва маҳаллий молияга бўлинишини таъкидлайди<sup>11</sup>.


Унитар мамлакатларда яхлит давлат бошқаруви тизими шакллантирилган бўлиб Давлат молияси ижтимоий-иктисодий жараёнларни давлат бошқарув даражаси нуқтаи назаридан 2 турга яъни марказий молия ва маҳаллий молияга бўлинади. Ўзбекистон республикаси давлат молияси юқорида айтиб ўтилган

<sup>11</sup> Alan J. Auerbach Public Finance in Practice and Theory.-University of California, Berkeley, May 2009, p.86

сифат булгиларига кўра ҳам 2 турга яъни марказий молия ва маҳаллий молияга бўлинади. Марказий молия республика бюджети, бюджетдан ташқари фонdlар, давлат кредити ва марказий хукумат ихтиёридаги давлат корхоналари молиясини уз ичига олади. Маҳаллий молиянинг марказий бўғинини маҳаллий бюджетлар ташкил қиласди. Маҳаллий бюджетлар маҳаллий хокимият органлариниг бошқарув ваколатлари даражасида эҳтиёж сезувчи марказлаштирилган молиявий ресурсларни жалб қилиш билан боғлиқ императив пул муносабатлари тизими ҳисобланади.

Давлат молияси молия тизимининг таркибий элементи ҳисобланади. Давлат молияси марказлаштирилган пул фонdlарини шакантириш ва ундан фойдаланиш жараёнларини қамраб олиб, ушбу пул фонdlари асосан давлатнинг бюджет ва бюджетдан ташқар жамғармаларидан ташкил топади.

Иқтисодий субъектларнинг даромадларини шаклланиш усулларига боғлиқ равишда молия тизимини марказлаштирилган молия(давлат молияси) ва марказлаштирилмаган молия каби 2 асосий турга ажратиш қилинган.



## 2.1-расм. Молия тизимининг ташкилий тузилмаси

Молия тизими пул муносабатлари тизимини ташкил қилиш шакли сифатида молиявий ресурсларни шакллантириш ва фойдаланишни таъминловчи 3 асосий ўзаро боғлиқ тизимларга бўлинади: Давлат ва маҳаллий бошқарув органларининг молияси, хўжалик субъектлари молияси, уй хўжаликлари молияси.

Яҳлит молия тизимини ташкил қилувчи мазкур тизимлар ҳам иқтисодий субъектларнинг аниқ пул маблағлари фондини ташкил қилинишига қараб ўз навбатида алоҳида бўғинларга ажратилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики молия тизимининг бўғинлари мамлакат миқёсида марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул фондларини шакллантириш билан боғлиқдир.

Марказлаштирилган молиянинг таркибида давлат молияси муҳим аҳамият касб этади. Давлат молияси хўжалик субъектлари молияси билан бевосита боғлиқдир. Чунки бюджет даромадларини асосий манбаларидан бири ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасида яратиладиган миллий даромад ҳисобланади.

Давлат бюджети давлат молиясини асосий бўғини ҳисобланади. Чунки давлат бюджети орқали ЯИМнинг тахминан 20-25%и қайта тақсимланади. Давлат бюджет орқали йирик миқдордаги пул ресурсларига эга бўлади. Бундай пул ресурслари орқали давлат ўзининг жамиятдаги ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва бошқа вазифаларини амалга оширади. Чунончи, кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда бюджет асосий рол ўйнайди. Ҳозирги шароитда умумий бюджет харажатларининг тахминан 60%и атрофида ижтимоий-маданий тадбирларга йўналтирилмоқда.

Бюджет муносабатлари ёрдамида молиявий усулда қайта тақсимлаш натижасида миллий даромаднинг сезиларли қисми жамланади. Юқорида таъкидлаганимиздек, марказий ва маҳаллий хокимият органлари фаолиятининг молиявий базаси давлат бюджети ҳисобланади.

Бюджет иқтисодий категория ҳисобланади. Чунки унинг моддий асосини ижтимоий ишлаб чиқариш натижасида олинадиган пул даромадлари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳар кандай мамлакатда бюджет муносабатларини ташкил қилиш жараёнида ишлаб чиқариш манфаатлари ҳисобга олиниши лозим.

Бюджет воситасида давлат иқтисодиётга фаол таъсир қилиш имкониятларига эга бўлади. Чунки бюджет воситасида иқтисодиётнинг йирик миқдордаги пул ресурслари тармоқлар ва худудлар ўртасида қайта тақсимланади. Демак, бюджет даромадларини шакллантириш ва улардан ижтимоий эҳтиёжлар учун фойдаланиш жараёнида давлатнинг барча тармоқ ва соҳаларидаги пул даромадлари ва жамгармаларни тартибга солади, мамлакатларнинг турли худудларидаги иқтисодий потенциал, инвестицион фаолликни ва баркарор иқтисодий ўсишни таъминлаш билан боғлиқ худудий муаммоларни хал қилиш имкониятларига эга бўлади.

Демак, бюджетнинг иқтисодий моҳияти нуқтаи назаридан мустақил иқтисодий категория сифатида кўриб ўтиладиган булса, давлатнинг молиявий асосини конуний ўрнатилиши нуқтаи назаридан эса бюджет давлатнинг асосий молиявий режаси сифатида кўриб чиқилади.

Ўзининг жамият тараккиётидаги ижтимоий иқтисодий функцияларига асосланган ҳолда бюджетдан ташқари ижтимоий фондлар давлат молиясида муҳим аҳамиятга эгадир.

Давлатнинг бюджетдан ташқари фонdlари асосан ижтимоий муаммоларни хал қилиш мақсадида марказлаштирилган шаклда ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида яратилган пул даромадларини бир қисмини ижтимоий эҳтиёжлар йўналишида фойдаланиш учун қайта тақсимлаш жараёнида шаллантириладиган

пул фондиdir.

Хозирги шароитда мавжуд бюджетдан ташқари фондлар узларининг шаклланиш мақсадлари йўналишида 2 асосий гурухга ажратилади:

Бюджетдан ташқари ижтимоий фондлар;

Махсус мақсадли молиявий фондлар.

Бюджетдан ташқари ижтимоий фондлар давлатнинг ижтимоий сиёsatини амалга оширишда муҳим молиявий манба ролини ўйнайди. Бундай сиёsat сифатида кам таъминланган оилаларга нафакалар бериш, кариялар учун пенсия тизимини шаллантириш, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш, мамлакат миқёсидаги ишсизликни олдини олиш, меҳнат ресурслари ҳудудлар ўртасида миграциясини кушимча ишчи уринларини яратиш ҳисобига баркарорлаштири каби ижтимоий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда ташкил қилинган.

Бюджетдан ташқари фондлар- аҳолининг алоҳида ижтимоий гурухлари фойдасига миллий даромадни қайта тақсимлаш усулидир. Давлат ўзининг ижтимоий функциясини амалга оширишда бюджетдан ташқари ижтимоий фондлардан фаол фойдаланади. Давлат молиясини муҳим бўғини сифатида бюджетдан ташқари фондларни шаклланиши давлатнинг ягона марказий фонди бюджетни шаклланиши билан махсус фондлар шаклида пайдо бўлган.

Давлат бюджетидан автоном равишда фаолият юритувчи мазкур фондлар давлат томонидан алоҳида эътибор талаб қилувчи алоҳида муҳим вазифаларни ечишга каратилган. Айнан аник мақсадли фойдалагнишдаги бюджетдан ташқари фондларни шаклланиши самарали давлат молиявий назорат тизимларини таъминлайди.

Бюджетдан ташқари фондларнинг актив салдолари шароитида давлат бюджети тақчиллигини кредит механизми орқали молиялаштириш манбаларига эга бўлинади.

Давлат молиясининг муҳим бўғинларидан бири давлат кредити муносабатлари бўлиб давлат кредити- корхона, ташкилот, аҳоли ва бошқа давлатларнинг вактинчалик буш пул маблағларини давлат хапраатларини молиялаштириш учун жалб қилиш билан боғлиқ пул муносабатларидир. Давлат кредитининг давлат молиясини муҳим бўғини сифатида курилишига асос давлат кредити муносабатлари воситасида йирик микдордаги пул маблағлари давлат манфаатлари учун ёки давлат тадбирларини молиялаштириш учун зарурый молиявий ресурсларни шакллантириш билан боғлиқ муносабатларлиги ҳисобланади.

### **2.3. Молиявий сиёsat ва замонавий шароитларда унинг устувор йўналишлари.**

Давлат ўзининг бошқарувчилик фаолиятини амалга ошириш учун маълум йўналишдаги сиёsatни амалга оширади. «Сиёsat» – юононча «Политика» сўзининг ўзбекчадаги таржимаси бўлиб, унинг маъноси «давлатни бошқариш

санъати» демакдир<sup>12</sup>.

Қадимги юонон файласуфи Демокритнинг фикрича, «сиёсат» – давлатни идора этиш, бошқариш маҳоратидир. Платоннинг фикрича, сиёсат-хукмдорнинг давлатни бошқариш санъатидир, яъни подшоҳнинг одамларни бошқариш соҳасидаги билим ва қобилиятидир- деб таърифлайди.

Давлатнинг бир бутун амалга ошираётган сиёсатида ижтимоий манфаатлар ўзининг аксини топади. Айниқса, таниқли Иқтисодчи Ж.М.Кейнснинг фикри билан айтганда бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий манфаатлар факатгина давлатларда ўз аксини топади.

Ғарб сиёсатшунослигида кенг тарқалган фикрларга кўра, сиёсат – жамиятдаги турли ижтимоий қатламларнинг манфаатларини ўзаро уйғунлаштириш асосида қарор қабул қила олиш қобилиятидир.

Сиёсат–турли ижтимоий гурухларнинг давлат хокимииятига муносабатларининг ифодасидир.

Давлатнинг сиёсий фаолияти ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ва шунингдек, молиявий соҳада хам намоён бўлади.

Давлат ҳар қандай ўзининг вазифалари бўйича аниқ мақсадларга эришиш учун молиядан фойдаланади. Ўрнатилган мақсадларни амалга оширишда молиявий сиёсат муҳим рол ўйнайди. Молиявий сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни амалда қўллаш жараёнида ўрнатилган вазифаларни амалга ошириш шарт шароитлари таъминланади. Улар иқтисодий манфаатга таъсир қилишнинг фаол қуроли сифатида иштирок этади. Молиявий сиёсат кўп қирралидир. У қуйидаги муҳим бўғинларни ўз ичига олади:

Молиянинг ривожланишини илмий асосланган концепцияларини ишлаб чиқиш. У асосан иқтисодий қонунлар талабларини ўрганиш, хўжаликнинг ривожланиш ҳолатини ҳар томонланма комплекс таҳлил қилиш, ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларини, аҳоли эҳтиёжларини ривожланиш истиқболларини таҳлил қилиш жараёнларини ўз ичига олади.

Истиқболдаги ва жорий даврда молиядан фойдаланишининг асосий йўналишларини аниқлаш. Бунда халқаро омиллар, молиявий ресурсларни ўсиш имкониятларини ҳисобга олинган ҳолдаги иқтисодий сиёсатда кўзда тутиловчи ўрнатилган мақсадларга эришиш йўлларидан келиб чиқади.

Амалий фаолиятларни мувофиқлаштириш. Бунда ўрнатилган мақсадларга эришишга йўналтирилган амалий фаолиятларни ташкилий асослари кўзда тутилади.

Юқоридаги З бўғинларнинг яҳлитлиги молиявий сиёсатни мазмунини аниқлаб беради. истиқболсиз молиявий сиёсат молиянинг ривожланишини асосий концепцияларини тўлақонли равишда мукаммалаштираслик оқибатлари ҳисобланади.

Давлатнинг молия сиёсати билан жамиятни иқтисодий фаолияти ўртасида муҳим ўзаро боғлиқлик мавжуд.

Бир томондан, молиявий сиёсат иқтисодий муносабатлар маҳсули бўлиб, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқишида ва амалга

<sup>12</sup> Alan J. Auerbach Public Finance in Practice and Theory.-University of California, Berkeley, May 2009, p. 148

оширишда эркин эмас, яъни молиявий сиёсат мамлакат иқтисодиётига бевосита боғлиқдир.

Иккинчи томондан, молиявий сиёсат мамлакатнинг иқтисодий базисидан келиб чиққан ва ривожланган ҳолда маълум бир мустақилликка эга, ҳамда ўзига хос қонуниятлар ва ривожланиш мантиғига эга.

Ушбуларга асосланган ҳолда молиявий сиёсат давлат иқтисодиётига ва молиявий ҳолатига тескари таъсир этади. Бу таъсир турлича бўлиши мумкин.

Баъзи ҳолларда сиёсий чора тадбирлар ўтказиш воситасида иқтисодиётни ривожланиши учун қулай шарт шароитлар ва имкониятлар яратилади.

Баъзи ҳолларда сиёсий чора тадбирлар ўтказиш воситасида иқтисодиётни орқага кетиши учун шарт шароитлар вужудга келтириши мумкин.

Молиявий сиёсат – бу молиявий ресурсларни жамлаш, уларни давлатнинг ўз функция ва вазифаларини амалга ошириш учун тақсимлаш ва ишлатиш шакл ҳамда усулларида тизимли намоён бўлувчи тадбирлар йиғиндисидир.

Молиявий сиёсатнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: (а) Бюджет-солиқ сиёсати; (б) пул-кредит сиёсати; (в) институционал ислоҳотлар; (г) инвестиция сиёсати ва бошқалар.

Молиявий сиёсат – бу молиявий ресурсларни жамлаш, уларни давлатнинг ўз функция ва вазифаларини амалга ошириш учун тақсимлаш ва ишлатиш шакл ҳамда усулларида тизимли намоён бўлувчи тадбирлар йиғиндисидир.

Молиявий сиёсат – бу давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, молиявий ресурсларни (манбаларни) жалб этиш, уларни тақсимлаш, ишга солиш ва фойдаланишга давлат орқали йўналтирилган барча чора-тадбирлар йиғиндисидир.

Молия - иқтисодий категория ҳисобланади. Чунки, унинг моддий асосини тақорор ишлаб чиқариш жараёнидаги пул айланиши ташкил қиласди. Шунинг учун ҳам ҳар қандай молиявий сиёсат амалга оширишидан қатъий назар ишлаб чиқариш манфаатлари, унинг узлуксиз давом этиш қонуниятларини бузмаслиги лозим.

Молиявий сиёсатнинг муҳим вазифаси – у ёки бу иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг давлат режасини ёки чора-тадбирларини амалга ошириш учун тегишли молиявий ресурслар билан таъминлашдир. Бу сиёсат иқтисодий сиёсатга боғлиқ аммо бу молиявий муносабатлар соҳасида давлатнинг мустақил фаолият кўрсатадиган соҳаси. Молия сиёсати мустақил хусусиятга эга бўлиш билан бир вақтда давлат сиёсатини ҳар қандай исталган ижтимоий фаолиятни амалга ошириш учун ҳоҳ ижтимоий, ҳоҳ иқтисодий, ёки ҳалқаро муносабатлар доирасида муҳим воситадир.

Молиявий сиёсат қуйидаги муҳим бўғинларни ўз ичига олади:

а) молиявий муносабатларни ривожлантиришнинг илмий асосланган концепцияларини ишлаб чиқиш.

б) истиқболда ва жорий давр мобайнида молиядан фойдаланишининг асосий йўналишларини белгилаб олиш.

в) қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган амалий ҳатти-харакатлар, чора-тадбирлар кўриш.

Ҳал қилиниши лозим бўлган вазифаларнинг характеристига, мураккаблигига

ва даврини узоқлигига қараб, молиявий сиёсат:

1. Молиявий стратегия.
2. Молиявий тактикага бўлинади.

Молиявий стратегия – ижтимоий ва иқтисодий стратегияни белгилаб берган узоқ истиқболга мулжалланган ва йирик масштабдаги вазифаларни бажаришга қаратилган бўлиб, у молия ривожланишининг асосий концепцияларини ишлаб чиқиши, молиявий муносабатларни ташкил этиш тамойилларини белгилашни кўзда тутади<sup>13</sup>.

Молиявий тактика – стратегия белгилаб берган вазифаларни жамият ривожланишининг конкрет босқичида молиявий муносабатларни ташкил этиш усувлари орқали амалга оширади.

Давлатнинг молиявий сиёсати макроиктисодий сиёсатнинг бош элементларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги шароитда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган молиявий сиёсат ислоҳотларнинг ўтиш давридаги молиявий иқтисодий инқизорлар оқибатларини тугатиш ва мамлакатдаги барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга йўналтирилгандир.

Амалга ошириладиган иқтисодий сиёсат ёки молиявис йисиёсат инструментларидан даражада милий иқтисодиётни тартиба солища фойдаланиш кўламига қараб, ҳозиргача дунёнинг турли мамлакатларида олиб борилган молияний сиёсатнинг З асосий тури ажратилади.

Классик тавсифдаги молиявий сиёсат давлатнинг иқтисодиётга аралашуви чекланган шароитда, иқтисодиётнинг бозор қонуниятларига асосланган ҳолдаги тарақиётини таъминловчи ва давлатнинг жмиятни сиёсий институти сифатидаги фаолияти имкон даражасида чекланувчи иқтисодий тизим шароитидаги олиб бориладиган молиявий сиёсат ҳисобланади. Классик тавсифдаги молиявий сиёсатнинг бош доктринаси Классик сиёсий иқтисодчи олимларнинг ғоялари ҳисобланади.

Ҳозирги замонавий шароитлардаги Монетаризм, Либерализм ёки Неолиберализм ғоялари асосидаги молиявий сиёсат ҳам классик тавсифдаги молиявий сиёсат туркумига киритиш мумкин.

Тартиба солувчи молиявий сиёсат шароитида давлатнинг макроиктисодий барқарорлаштириш сиёсати устувор аҳамият кас этади. Бунда фискал инструментлардан фаол фойдаланилади. Ушбу турдаги молиявий сиёсатда давлатнинг иқтисодиётга аралашуви юқори даражада бўлиб, бунда фискал инструментлар устувор аҳамият касб этади. Ушбу сиёсатнинг бош доктринаси сифатида Ж.М.Кейнс ёки кейинчалик, Неокейнсчилик назарияларини келтиришимиз мумкин.

---

<sup>13</sup> David N. Hyman Public Finance: A Contemporary Application of Theory to Policy, Tenth Edition, South-Western Cengage Learning Mason, USA, 2011, p.245

Классик тавсифдаги молияви сиёсат

Тартибга солувчи тавсифдаги молиявий сиёсат

Режали директив молиявий сиёсат

## 2.2-расм. Молиявий сиёсатнинг турлари

Режали-директив тарздаги молиявий сиёсат давлатнинг миллий иқтисодиётдаги мутлақ хукмро роли мавжуд бўлган шароитда амалга ошириладиган молиявий сиёсатни тушуниш мумкин.

Молиявий сиёсат қўйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

бюджет-солик сиёсати;

пул-кредит сиёсати;

институционал ислоҳотлар;

инвестиция сиёсати.

**Бюджет-солик (Фискал) сиёсати-** тўлиқ бандлик ва ЯИМни ноинфляцион ишлаб чиқарилишини таъминлашга йўнатирилган, давлат харажатлари ва соликларни ўзгартириш бўйича хукumat тадбирлари мажмуасидир.

Фискал сиёсатни амалга ошириш ва ундан инструментлардан фойдаланиш иқтисодиётнинг қай ҳолатдалигига бевосита боғлиқдир. Иқтисодий циклар деб номланувчи миллий иқтисодиётнинг маълум даврий ҳолатларида олиб бориладиган фискал сиёсат ўзига хос хусусиятлари бўйича тавсифланади. Буни қўйидаги расмдан кўришимиз мумкин.


**Дискремион фискал сиёсатда** пасайиш даврида ялпи талабни рагбатлантириш максадида давлат харажатларини купайтирилиши ёки соликларни камайтириш оркали бюджет тақчиллиги келиб чикади.

**Нодискремион фискал сиёсат** циклик ўсиш фазасида автоматик равища бюджетга соф солик тушумларини кўпайтиришни кўзда тутади<sup>14</sup>.

Жамият иқтисодий тараққиёти бир томондан унинг ички механизмига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан бошқарувнинг характеристига, ижтимоий-сиёсий ҳолатга, мувозанатга боғлиқ бўлади. Мазкур жараёнда ижтимоий сиёсат алоҳида рол ўйнайди. Ижтимоий сиёсат ўз навбатида ички ва ташқи маданий-маърифий, сиёсий, иқтисодий сиёсат кабиларга бўлинади. Иқтисодий сиёсат ҳам ўз навбатида молия, пул-кредит, бюджет, солик сиёсати каби турларда амал қилиб, уларни яхлитлиги макроиқтисодий даражада қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари фаолиятларининг асосий ажралмас қисмига айланади.

<sup>14</sup> Alan J. Auerbach Public Finance in Practice and Theory.-University of California, Berkeley, May 2009, p.212

Бизга маълумки, давлат томонидан олиб бориладиган иқтисодий сиёсатининг асосий мақсадларидан бири мамлакатда макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатларининг таъмилаш ҳисобланади.




### 2.3-расм. Иқтисодиётнинг циклли ривожланишида фискал сиёсат инструментлариidan фойдаланиш.

Макроиктисодий барқарорликни таъминлашнинг ўзи кенг ва комплекс тушунча бўлиб, Иқтисодчи А.Набиҳўжаевнинг фикрича, макроиктисодий барқарорлик том маънода, изчил иқтисодий ўсиш суръатлари, мўтадил даражадаги ишсизлик, бақувват тўлов баланси, меъёрдаги инфлция, мўтадил даражадаги бюджет тақчиллиги ёки профицит каби кўрсаткичлар орқали ҳам ифдалаш мумкин.

Хозирги шароитда республикамизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар натижасида эришилаётган макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатларининг таъминланаёт-ганлигига қармасдан, ушбу соҳада ҳал қилиниши лозим бўлган айрим масалалар мавжудки, ушбу муаммолар ўз навбатида Республикаизда макроиктисодий барқарорлаштириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар бўйича янги вазифаларни белгилаб беради. Бу борада муҳтарам Президентимиз Ислом каимов куйидаги фикрларни айтиб ўтга эдилар, “Иқтисодиётимизнинг 2014 йилга мўлжалланган асосий вазифа ва устувор йўналишлари аввало бу соҳанинг юқори суръатлар билан ўсиб боришини таъминлаш, бунинг учун мавжуд барча резерв ва имкониятларни сафарбар этиш борасида қабул қилинган стратегияни давом эттиришга қаратилганд”.

**Ушбу ислоҳотларни амалга ошириш, макроиктисодий сиёсатининг асосий таркибий элементи ҳисобланган бюджет-солиқ сиёсатини ҳам янада чуқурлаштиришни талаб қиласди.**

Бюджет-солиқ сиёсатининг иқтисодий мазмунига доир турли хил қарашларни таҳлил қилиш, аниқ иқтисодий - ижтимоий тизимлар шароитидаги ва амал қилиш хусусиятларини ҳамда давлатнинг иқтисодиётга самарали таъсир қилиш дастак-ларидан эканлигини асослаш ва миллий иқтисодиётнинг мувозанатлигини таъминлашдаги устувор йўналишларини, аниқ иқтисодий тамойилларини белгилаш зарурдир.



**2.4-расм. Бюджет-солиқ сиёсати ва унинг турлари<sup>15</sup>**

Чунки, давлат пайдо бўлиши билан бюджет-солиқ сиёсати жамиятдаги турли хил иқтисодий муносабатларни тартиба солишнинг зарурий таркибий қисмларидан ва жамият ривожланиши объектив равишда тақозо қиласидаган талабларидан бири бўлиб келган. Давлат тузилиши шаклларига ва жамиятнинг шу жумладан молиявий сиёсат дастаклари ўзгариб тўхтовсиз такомиллашиб борган.

Иқтисодий ўсиш мақсадларидан келиб чиқиб<sup>16</sup>, бюджет-солиқ сиёсати бандлик даражасини ва шу орқали ЯММ реал хажмини оширишга йўналтирилади. Бунда рағбатлантирувчи фискал сиёсат дастаклари бўлиб:

- давлат харажатларининг ўсиши;
- солик ставкаларининг пасайиши ҳисобланади.

Бошқача айтганда, ҳозирги вақтда давлат бюджет барқарорлигини таъминлашга қаратилган молиявий сиёсат иқтисодий инқироз ёки турғунлик даврида бюджет тақчилигини бартараф этиш мақсадларига қаратилиши зарур.

<sup>15</sup> Alan J. Auerbach Public Finance in Practice and Theory.-University of California, Berkeley, May 2009, p. 112

<sup>16</sup> David N. Hyman Public Finance: A Contemporary Application of Theory to Policy, Tenth Edition, South-Western Cengage Learning Mason, USA, 2011, p.61

**Бюджет сиёсати** - давлат хокимияти органлари томонидан ўтказиладиган тадбирлар ва ҳаракатлар йифиндиси бўлиб, у:

- бюджет тизимини бошқаришда ва уларни ўз вазифаларини бажаришлари учун молиявий муносабатлардан фойдаланишлари бўйича молия бюджет соҳасидаги мақсад ва вазифаларни аниқлашни кўзда тутади<sup>17</sup>;
- бюджет тизимини бошқаришда ва уларни ўз вазифаларини бажаришлари учун молиявий муносабатлардан фойдаланишлари бўйича молия бюджет соҳасидаги мақсад ва вазифаларни аниқлашни кўзда тутади;
- бюджет тизимида молия бюджет инструментлари ёрдамида иқтисодий ва ижтимоий жараёнларини тартибга солишни ташкил этади.

Агар давлат ўзининг фискал ва ҳаражатлар сиёсатидан фойдаланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини бир меъёрда ушлаб туришга ва нархларнинг барқарорлигини таъминлашга интилса, бунда у иқтисодиётда барқарорлаштириш сиёсатини олиб боришга интилаётган бўлади. Бунда бақарорлаштириш сиёсатига давлатнинг иқтисодий жараёнларини рағбатлантириш ёки ушлаб туришга қаратилган молиявий сиёсат, деб қараш керак эмас, чунки улар турлича мақсадни кўзлаб бир - биридан фарқланадилар.

Мустақил Ўзбекистонда олиб борилаётган молиявий сиёсат, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларига монад ҳолда амалга оширилиб, унинг негизини муҳтарам Президентимиз томонидан бозор иқтисодиётига ўтишининг 5 асосий концепцияси ташкил этади. Олиб борилган ислоҳотларнинг умумий тавсифи ва стратегиясидан келиб чиқиб, бюджет-солик, сиёсатининг қўйидаги босқичларини ажратишимииз мумкин:

**I босқич – 1991-2000 йиллар.** Ушбу босқич том маънода мустақил бюджет тизимини шакллантириш – “ўтиш даври”- деб номланиб, қўйидаги вазифалар кесимида ислоҳотлар олиб борилди:

- бюджет даромадлари ва ҳаражатларини қайта кўриб чиқиш ва таснифлаш;
- бюджет дефицитни камайтириш;
- кучли ижтимоий сиёсат – Давлат бюджетининг муҳим йўналиши сифатида;
- бюджетларо муносабатларни шакллантириш;
- бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш;
- бюджет таснифларини ҳалқаро стандартларга мақбуллаштириш ўз ичига олди.
- миллий солик тизими ва уни ҳуқуқий асосларини шакллантириш;
- солик тизимини соддалаштириш ва уни иқтисодиётнинг устувор йўналишларини рағбатлатириш тизимини шакллантириш.

**2-босқич. 2001- ҳозиргача.** Том маънода иқтисодиётни эркинлаштириш шарт шароитларига мувоғиқ давлат молиясини ислоҳ қилиш ва унинг ҳуқуқий

<sup>17</sup> David N. Hyman Public Finance: A Contemporary Application of Theory to Policy, Tenth Edition, South-Western Cengage Learning Mason, USA, 2011, p.160

асосларини яратиш- деб номланиб, қуидаги вазифалар кесимида ислоҳотлар олиб борилди:

- “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонунни амалга киритилиши;
- бюджет таснифи ва бюджетдан молиялаштириш тизимини соддалаштириш;
- давлат бюджети харажатларини манзилли ва мақсадли йўналишини таъминлаш;
- бюджет харажатларини таркибий ислоҳ қилиш;
- ҳудудларни дотациядан чиқариш ва маҳаллий бюджетлар молиявий имкониятларини барқарорлаштириш;
- давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш;
- давлат бюджетини ижросини Фазна тизими жорий қилиш ва уни ривожлантириш;
- бюджет муассасаларини молиялаштиришни ислоҳ қилиш;
- жойлардаги ижтимоий-иктисодий ислоҳотларда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг масуълиятини ошириш билан уларнинг молиявий имкониятларини яхшилаш;
- солиқ юкини камайтириш;
- солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш;
- солиқ тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;
- солиқ тизимини соддалаштириш.

**Замонавий шароитларда бюджет-солиқ тизимидағи ислоҳотларнинг стратегик йўналишлари қуидагилардан иборатdir:**

- бюджет дефицитини самарали бошқариш
- ғазначилик тизимини босқичма-босқич ривожлантириш;
- бюджет қонунчилигини мустаҳкамлаш;
- ўрта мудатли фисал сиёsat амалиётини жорий қилиш;
- натижага йўналтирилган бюджет моделини жорий этиш;
- дотацион режимдаги бюджетларни тугатиш ва маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлаш;

Амалга оширилган иқтисоди ислоҳотлар натижасида:

- 2013 йилда ЯИМ таркибида нодавлат секторининг улуши 82,8% бўлиб, улгуржи ва чакана савдо, ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг эса қарийиб 100%ни нодавлат сектори томонидан ишлаб чиқарилмоқда;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 1991 йилда 1,5%ни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 55,8%га етди;
- хизмат кўрсатиши секторининг ЯИМдаги улуши 1991 йилда 16,3%дан 2013 йилда 53,0%га ўсди;
- 1991-2013 йиллар мобайнида ЯИМда саноат улуши 2,2 баробар, яъни 11%дан 24,2%га ўсди;
- 1991 йилда экспорт таркибининг қарийиб 90%ни хом-ашё маҳсулотлари ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда қарийб 72%ни тайёр маҳсулотлар ташкил этишига эришилди ва бошқалар.

Ўрта муддатли истиқболда Ҳукумат қўйидагилар воситасида инвестицион мухитни яхшилаш, иқтисодий рағбатбардошлиикни ошириш, самарали иш ўринларини яратиш ва норасмий бизнесни қонунийлаштиришни рағбатлантиришга йўналтирилган солиқ ислоҳотларини яқунлайди:

а) солиқ юкини янада камайтириш. 2017 йилгача бўлган мақсадли йўналиш, солиқ юки даражасини ЯИМГа нисбатан 20 фоизгача камайтириш кўзда тутилган. Бу корхоналарга ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги иш ўринларини ҳисобидан яратишга, даромадларни шакллантиришга ва камбағаллик даражасини пасайтиришга имкон беради;

б) солиқ маъмуриятчилиги тизимини янада соддалаштириш;

в) солиқ қонунчилиги барқарорлигини таъминлаш, солиқ сиёсатининг олдиндан белгиланиши ва равшанлигини ошириш;

г) давлат харажатларини оптималлаштириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

Бу мақсадларга эришиш учун солиқ ислоҳотлари қўйидаги асосий йўналишлар орқали амалга оширилади:

- даромад солиғи, умумий ижтимоий солиқ, ҚҚС ставкаларини янада қисқартириш ва солиққа тортиладиган фойда базасини ҳисоб-китоб қилишни оптималлаштириш.

Бундай ёндошув иқтисодиётнинг кўп меҳнат талаб қиласидаги тармоқларини ривожлантириш ва аҳоли бандлигини ошириш учун қулай шароитлар яратади;

- давлат бюджетига солиқ тушумларининг 10-12 фоизини ташкил қилувчи солиқ имтиёзларини инвентаризация қилиш ва хўжалик субъектлари учун бир хил шароитлар яратиш мақсадида бу имтиёзларни қисқартириш. Индивидуал имтиёзлар тўлиқ бекор қилинади;

- иқтисодиётнинг сермеҳнат тармоқларига юк бўлиб тушадиган ва бандликнинг ўсишига тўсқинлик қилувчи жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва умум ижтимоий тўловлар ставкаларини қисқартириш ва оптималлаштириш. Иккита ставкали даромад солиғига ўтиш, даромад солиғи шкаласини қайта кўриб чиқиш ва турли ставкада солиққа тортиладиган гурухлар ўртасидаги оралиқни кенгайтириш мўлжалланмоқда;

- солиқлар таъсирини табиий ресурслардан самаралироқ фойдаланишга йўналтирган ҳолда уларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш. Фойдали қазилмалар қазиб олиш билан шуғулланувчи тармоқларни солиққа тортиш тизими, рента олишни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. Яъни турли конлар учун бир хил шароитлар яратиш мақсадида, уларни ўзлаштириш ва ишлаб чиқиш шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдали қазилмаларга солиқ ставкаларини дифференциациялаш босқичма-босқич амалга оширилади;

- солиқ маъмуриятчилиги солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва бир хиллаштириш йўналишида ислоҳ қилиш, солиқ хизматлари ишини оптималлаштириш.

Бу соҳадаги асосий устуворликлар қўйидагилардан иборат:

- бир хил базага эга бўлган солиқларни (фойда солиғи ва ижтимоий

инфратузилмани ривожлантириш ва ободонлаштириш солиғи; умумий ижтимоий тўлов ва мажбурий суғурта тўловлари; ялпи даромад ёки тушумдан бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар) бирлаштириш, акциз солиқларини бир хил шаклларга келтириш;

- корхоналарни ялпи сайёр текшируви ўрнига танланма назоратни йўлга қўйиш мақсадида, солиқ ҳисоби ва назорати тизимини модернизациялаш, бунда солиқ текширувлари факат «юқори таҳдид» гуруҳига кирувчи айрим корхоналар учун белгиланади. Таҳдид-таҳлил тизими асосида солиқ тўловчиларни танлашнинг янги механизмини жорий қилиниши солиқ назоратини мутадил яширин қоидабузарларгача қисқартирган ҳолда самаралироқ амалга ошириш имконини беради. Конунга риоя қиласидан тадбиркорлар амалда солиқ органлари билан муаммоларга дуч келмайди;

Бюджет сиёсатининг ўрта муддатли истиқболда мўлжалланган чоратадбирлари қуидагиларни ўз ичига олади:

- бюджетни режалаштиришнинг ўрта муддатли тизимиға ўтиш, яъни йиллик бюджетни З йилга ўрта муддатли кўрсаткичлар доирасида башорат қилиш. Бюджет лойихаси доирасидаги ўрта муддатли бюджет, давлатнинг йиллик бюджет харажатларига доир сиёсатида белгиланган тадбирларни ўзгартириш воситасига айланади ва ўрта муддатли устуворликларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади;

- давлат харажатларини оптималлаштириш. Бунга қуидагилар орқали эришилади:

- a) бюджетдан маблағ олувчилар миқёсида бюджет маблағларидан қулай фойдаланиш имкониятларини яратган ҳолда бюджетни режалаштириш, соғлиқни саклаш ва таълим тизимида киши бошига молиялаштиришга ўтишни назарда тутадиган тизмини такомиллаштириш (жумладан, иш ҳақи харажатлари ва унга tengлаштирилган тўловлар);

- b) давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондларни давлат ғазначилиги орқали ташкил этишга тўлиқ ўтиш. Бу даромадлар ва харажатлар бўйича барча операцияларни умумий ҳисоб рақамида бирлаштиришни таъминлайди, умумий ҳисоб ва ҳисобот стандартларини яратиш ва бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишни янги сифат асосида назорат қилишга хизмат қиласиди;

- бюджетлараро муносабатлар тизимини ислоҳ қилиш. Бу маҳаллий ҳукумат органларининг ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва даромадлар базасини кенгайтиришдан манфаатдорлиги ва мустақиллигини кучайтиришга йўналтирилади. Бунинг учун қонунчиликда бюджет маблағларини сарфлаш ваколатларининг марказий ва маҳаллий ҳукумат органлари ўртасида тақсимланиши белгиланди, барқарор (З йиллик) умумдавлат солиқ тушумлари нормативлари асосида марказий ва маҳаллий бюджетлар ўртасида умумдавлат солиқларини тақсимлашнинг барқарор ва очиқ механизми ишлаб чиқилди ва жорий қилинди.

## **2.4. Ўзбекистонда давлат молияси тизимидағи ислоҳотларнинг таҳлили.**

Давлат молиясининг асосий етакчи бўғини давлатнининг бюджет тизими

ҳисобланади. Давлат бюджети давлатнинг асосий молиявий режаси сифатида иқтисодий, ижтимоий соҳадаги давлат сиёсатининг йўналишларини ўзида ифодалайди.

Маълумки, давлат бюджети даромадларининг етарли даражада бўлиши мамлакатда ижтимоий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларни белгиланган миқдорда ва муддатларда молиявий таминлаш имкониятини беради. Шунинг учун бугунги кунда бюджет даромадларини самарали шакллантириш ва уларнинг ҳажмини ошириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Зеро бу борадаги ишларни амалга ошириш натижасида жамиятнинг барча қатламларини қўллаб-қувватлаш ва стратегик мақсадларни амалга ошириш учун имкон бермоқда. Президентимиз такидлаганларилик: “Биз ўз олдимизга қўйган стратегик мақсадлар, яни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳаон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасида сай-ҳаракатларимизга бугунги кун нуктаи назаридан холисона баҳо беришимиз табиийдир”. Президентимиз И.А. Каримовнинг “2012- йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013- йилги иқтисодий дастурининг асосий устувор вазифалари тўғрисидаги” 2013- йил 18 январдаги марзасида ҳам айнан шу йўналишдаги устувор вазифалар ичида “аҳолининг ҳаёт даражасини ва сифати изчил оширилишини таминлаш” вазифаси диққатга сазовардир. Бу борадаги ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ўз вақтида тўлиқ ва ижобий ҳал етиш маълум молиявий асосни талаб етиб, ушбу асоснинг марказий бўғинини давлат бюджети даромадлари ташкил этади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети даромадларининг асосини солиқлар ташкил қиласи. Солиқларни ундириш жараёнида бевосита республика бюджетига тушадиган ҳамда маҳаллий бюджетларга ундириладиган солиқларни кўришимиз мумкин. Республика бюджетига ундириладигам умумдавлат солиқларинин бир қисми ҳудудлар имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдирилади. Қўйида мазкур жараённи таҳлилини кўриб чиқамиз.

Солиқ тизимининг асоси бўлган йўналтирилишига ва бошқа белгиларига кўра уларнинг таснифланишидир. Солиқларни бундай тартибда гуруҳларга ажратишдан мақсад уларни тақсимлаш тамойилларини белгилашда, уларнинг солиқ функция ва вазифаларини қай даражада бажараётганлигини баҳолашда, умуман олганда давлат бюджетини доимий равишда ва мунтазам даромадлар билан тъминлашда, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятини чеклаб қўймасдан фаолият кўрсатиши учун солиқларнинг ҳар томонлама илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш, таҳлил қилишдан иборат.

Солиқ тизимининг бош вазифаси давлат бюджетининиг даромад қисмини шакллантириш ҳисобланади.

Давлат бор екан Давлат бюджетига тўловлар ҳам мавжуд бўлади. Лекин бюджетга тўловларнинг шакли маълум бир босқичда жамиятнинг олдига қўйилган вазифаларга мувофиқ равишда ўзгариб боради. Тарихий тараққиётнинг маълум бир босқичида бюд-жетга тўловларнинг у ёки бу тури

ҳал қилувчи ролни ўйнаши, вақт ўтиши билан эса улар ўз аҳамиятини йўқотиб, бошқа тўловлар би-лан алмаштирилиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, “Давлат бюджети даромадлари” категориясининг намоён бўлиш шаклларининг ўзгариб борганлигига қарамасдан, бу категориянинг сақланиб қолганлигини англаради. Демак, бюджетга тўловлар кўринишнинг ўзгариши, бир тўловнинг бошқа бири билан алмаштирилиши бу иқтисодий категория мазмунининг емас, балки шаклларининг эволюциясидир. Барча турдаги марказлашган фондларга ажратмалар умумий макродаражада солик тўовчиларнининг молиявий аҳволига, уларнининг истеъмол талабига таъсир этади. Ҳозирги кунда давлат ихтиёрида турли туман марказлаштирилган фондлар шаклантирилиб, уларнининг орасида давлатнинг бюджет тизими марказий ўринни егаллади. бюджет тизимининг даромадлари эса асосан солиқлар ҳисобига шаклантирилади. Бу бўйича куйидаги жадвал маълумотларни қўришимиз мумкин.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибики, Республика бўйича марказлаштирилган фондлар таркибида бюджет тизими 2014- йилда 62,9%ни ташкил этган бўлса, 2015- йилга келиб ушбу кўрсаткич 62,3%ни ташкил этмоқда.

## 2.1-жадвал


### Давлат бюджетига 2014-2015 йилларда ундирилган маблағлар таркиби

Т /р	Манбалар номи	2014 йил	2015 йил	Ўзгариши
1.	бюджет тизими	62,9	62,3	-0,6
2.	Пенсия жамғармаси	31,0	31,5	0,5
3.	Республика йўл жамғармаси	4,3	4,4	0,1
4.	Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тибиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси	1,8	1,8	0,0
	<b>Республика бўйича, жами</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>0,0</b>

Манба: ЎзР МВ маълумотлари

Бу ўз навбатида Республикаиз иқтисодиётидаги соф солик юкинининг пасайишига ва охир оқибатда солик тизимининг корпоратив сектор ва уй хўаликларининг пул даромадларини ортишига ва пировард натижада ялпи истеъмол талабини ортишига ижобий таъсир етаётганлигидан далолат беради. Мақсадли жамғармаларнининг таркибидаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ажратмалар миқдорининг ортиши кузатилмоқда. Хусусан, ушбу жамғармаларнинг Республика бўйича марказлаштирилган фондлар таркибидаги улуши 31,0%ни ташкил этган бўлса, 2015- йилда 31,5 %га кўпаймоқда.

Куйида келтирилган жадвалда бюджет даромадлари таркибида тўғри ва эгри соликлар, уларнинг соликли даромадлар таркибида тутган ўрни, улуши 2011-йилдан 2015-йилгача бўлган ҳолати ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган:



**2.5-расм. Бюджет даромадларида тўғри ва эгри соликлар нисбати<sup>18</sup>**


Республикамизда давлат бюджети даромадлари таркибида эгри соликлар салмог`и каттароқ. 2011- йилда тўғри соликлар 26,2%ни, эгри соликлар эса 53,5%ни ташкил этган. 2012- йилда тўғри соликлар 25,2%ни, эгри соликлар эса 54,3%ни ташкил этган бўлса, 2013- йилда эгри соликлар 54,2, тўғри соликлар эса 25,1%ни ташкил этган. Ушбу тенденцияда эгри соликларнининг ўсиб бориши қузатилаётган бўлиб, ушбу ўсиш 2015- йилга келиб эгри соликларда 54,3%ни ташкил этган. Тўғри соликлар эса, 2015- йилга келиб жами бюджет даромадларида 25,2%ни ташкил этган. Бу кўрсаткичлар мамлакатимизда эгри соликлар улуши ортиб бораётганидан далолат беради.

Мамлакатимизда амал қилаётган соликларнинг айримлари кохоналар хўжалик фаолиятининг охирги молиявий натижасидан бюджетга тўланадиган аксарият соликлар ва мажбурий тўловлар келгуси давр харажатлари орқали ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига қўшилади (ер солиғи, мол-мулк солиғи ва бошқалар).

Ривожланган индустря давлатларда, хусусан, Япония, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия ва Канадада соликлар давлат бюджети даромадларининг 90 фоизгача бўлган қисмини, АҚШда эса 70 фоиздан ортиқ қисмини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларининг 93-94 фоиздан ортиқ қисми солиқ тушумларидан иборат.

<sup>18</sup> [www.stat.uz](http://www.stat.uz) internet sayti.



**2.6-расм. 2015- йилда давлат бюджети даромадлари<sup>19</sup>**

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишда солиқлар ўта муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодий моҳиятига қараб солиқлар тоғри ва эгри солиқларга бўлинади. Қуйида эгри солиқларнинг давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги ўрни ва таҳлилини кўриб чиқамиз. Эгри солиқлар деб ҳақиқий тўловчиси истемолчи ҳуқуқий тўловчиси юридик шахс бўлган солиқ турларига айтилади. Эгри солиқлар асосан аҳолининг даромадини қайта тақсимлайди ва муомаладаги товар билан ҳимояланмаган ортиқча пулларни йиғиширишда самара бериб, пулнинг қадрсизланишини камайтиришда ижобий ўрин тутади. Эгри солиқлар солиқ тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Солиқ назариясидан маълумки, эгри солиқлар маҳсулот баҳосига ёки хизмат таърифига устама шаклда қўйилиб олинадиган солиқдир. Эгри солиқлар солиқ тўловчининг даромадига ёки мол-мулкига таъсири етмайди. шунинг учун бу солиқлар тўловчининг молиявий фаолиятига таъсири кўрсатмайди ва тўловчиларга солиқ юки тушмайди. Солиқ юки эгри солиқ ўрнатилган товарларни истеъмол қилувчиларга тушади.

Бугунги кунда ривожлаган мамлакатларда кузатилаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг тобора кескинлашиб бораётганига қармасдан, мамлакатимизда кузатилаётган барқарор иқтисодий ўсиш сурътларининг таъминланишида изчил олиб борилаётган бюджет-солиқ сиёсатининг аҳамияти ғоят юксакдир. Буни ўз навбатида кейинги йилларда кузатилаётган бюджет профистити, режалаштирилган давлат бюджети даромад кўрсаткичларининг ортириб бажарилаётгани, давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими янада ривожлантирилиши натижасида бюджет харажатларининг манзилли ва мақсадли сарфланаётгани билан изоҳлаш мумкин.

Мақсадли фонdlарсиз давлат бюджети даромадларининг таркибий

<sup>19</sup> [www.soliq.uz](http://www.soliq.uz) internet sayti.

тахлилидан кўринадики, эгри солиқлардан бюджетга режалаштирилган тушум 2012- йилда 11187,8 миллиард сўм бўлса, 2015- йилда 19115,8 миллиард сўмни ташкил этиши режалаштирилган. Унинг жами бюджет даромадларидағи салмоғи 51,9 фоизни ташкил этиши кўзда тутилган.

## 2.2-жадвал

### Мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадлари тўғрисида маълумот

Асосий бюджет кўрсаткичлари	2012 йил (млрд. сўм)	2013 йил (млрд. сўм)	2014 йил (млрд. сўм)	2015 йил (млрд. сўм)	бюджет даромадларида салмоғи, %да
Давлат бюджети даромадлари	20 614,1	25 104,9	30 160,8	36 184,9	100
Шу жумладан: Бевосита солиқлар	5 196,4	6 583,1	7 790,4	8 554,3	25,2
Билвосита солиқлар	11 187,8	13 039,4	15 618,2	19 115,8	54,3
Ресурс тўловлари ва мол- мулк солиги	2 746,4	3 755,5	4 521,4	5 741,8	13,8
Кўшимча фойда солиги	250,0	294,5	388,4	548,2	1,5
Бошқа даромадлар	1 233,5	1 432,4	1 842,4	2 224,8	5,2
бюджет харажатлари	21 571,7	26 312,4	31 582,3	37 967,7	бюджет дефицити ЯИМга нисбатан 1,0 фоиз

Манба: ЎзР ДСҚ маълумотлари

Демак, умумий солиқ тизимининг мамлакатдаги ялпи истеъмол талабига таъсирининг пасайишида тўғри солиқларнинг ҳиссаси юқори бўлмоқда.

Давлат иқтисодиётни тартибга солиш ва мамлакатдаги ялпи истемол талабни рабатлантиришда тўғри солиқларнинг ҳиссаси улканdir. Тўғри солиқлар солиқ тўловчиларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига тўғридан тўғри таъсир этади. Шунинг учун ҳам ушбу солиқлар воситасида мамлакат миллий иқтисодиётини самарали тартибга солиш имкониятларига эга бўлинади.

Кейинги 3 йил мобайнидаги тенденция шуни кўрсатмоқдаки, ҳар бир солиқ тури бўйича, тушумлар миқдори номинал мазмунда ўсиб бормоқда. Ушбу ўсиш суръатида бевосита солиқларнинг суръати юқори бўлмоқда.

Таҳлил қилинаётган даврларда бевосита солиқлар бўйича тушумлар ўсиб борди. Хусусан, давлат бюджетининг даромадлар қисмида бевосита солиқлар 2012-йилда ушбу кўрсаткич 5196,4 млрд. сўмга, 2015-йилга келиб ушбу солиқлардан тушумлар 8554,3 млрд. сўмни ташкил этган.

Ушбу даромадлар таркибида юридик шахслардан олинадиган фойда солиги бўйича тушумлар 2012-йилда 917,2 млрд. смни ташкил этган. Бу солиқ тури бўйича 2014-йилдаги кўрсаткич 1302,2 млрд. сўмни ташкил этган бўлиб,

2015-йилда пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда. Хусусан, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича тушумлар 2015 йилда 1285,8 млрд. сўмни ташкил этган.

### 2.3- жадвал


#### **Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда тўғри солиқларнинг тутган ўрни**

Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил
	млрд. сўм	млрд. сўм	млрд. сўм	млрд. сўм
Даромадлар, давлат мақсадли жамғармаларисиз – жами	20614,1	25104,9	30 160,8	36 184,9
1. Бевосита(тўғри) солиқлар	5196,4	6853,1	7 790,4	8 554,3
1.1 Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	917,2	1239,0	1302,3	1285,8
1.2 Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови	703,5	817,3	989,8	1193,1
1.3 Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови	538,5	755,1	911,6	1067,1
1.4 Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи	2372,7	2769,7	3313,9	3648,8
1.5 Юридик ва жисмоний шахслардан тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича олинадиган катъий белгиланган солиқ	218,1	342,1	505,0	617,0
2. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	446,4	659,9	767,8	743,5

Манба: ЎзР ДСҚ маълумотлари

Шунингдек, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича тушумларнинг пасайиши яна солиқка тортишнинг соддалаштирилган режимиини танловчи солиқлар тўловчи субъектларнинг сонини ортиб бораётганлиги билан белгиланса, иккинчи томондан, ялпи истеъмол талабини рағбатлантириш, солиқ тўловчилар учун қулай молиявий имкониятлар яратиш мақсадида ушбу солиқлар бўйича белгиланган ставкаларни камайтирилиши билан изоҳлаш мумкин.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ҳамда микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови бўйича тушумлар суръати қарийиб 2 баробарга яқин бўлганлигини қузатишмиз мумкин. Бу ҳолат ўз навбатида кичик бизнес субъектлари учун яратилаётган имтиёз ва преференциялар ҳисобига уларнинг фаолиятини янада ривожланиб бораётганлигидан далолат беради.



**2.7- расм. Тўғри солиқлар бўйича тушумлар динамикаси.**

Тўғри солиқларнинг таркибида фискал аҳамияти юқори даражани ташкил этган солиқлардан бири жисмоний шахслар даромадларидан линадиган солиқдир. Ушбу солиқ бўйича тушумлар 2012-йилда 2372,7 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2015-йилга келиб прогноз кўрсаткич 3648,8 млрд. сўмни ташкил етмоқда. Агар умумий ўсиш тенденциясини кузатадиган бўлсак унду қўйидаги манзарани кўришимиз мумкин.

Тўғри солиқларнинг ўсиш динамикасида жисмоний шахслардан олинадиган солиқларнинг ўсиш суръати юқори бўлмоқда. Кейинги йилларда ушбу солиқлар бўйича ставкаларнинг изчил пасайтирилишига қарамасдан ушбу солиқлар бўйича тушумларнининг ўсиб бораётганлиги кузатилмоқда. Бу ўз навбатида аҳолининг даромадларини ортиб бораётганиги, уларнининг истеъмол талабининг ортиб бораётганлиги ҳамда миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун шарт-шароит яратилаётганлиги билан бевосита боғлиқдир.

Бу борада, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов қўйидаги фикрларни айтиб ўтган эдилар, “Одамларнинг даромадлари ортиши билан оиласларнинг моддий аҳволи ҳам сифат жиҳатдан ўзгариб бормоқда. Тадқиқотларга қараганда, бугунги кунда юртимиздаги оиласларнинг 94 фоизи холодилниклар, 84 фоизи турли ошхона електр жиҳозларига, 63 фоизи кир ювиш машиналари, ярмидан кўпи компьютер, чанг ютгич, микротўлқинли печларга эга, учдан бир қисми эса кондиционерлардан фойдаланмоқда<sup>20</sup>.

Мустақиллик йилларида аҳолининг телевизорлар билан, айниқса, мутлақо янги авлод телевизорлари – плазма экранли рангли телевизорлар билан таъминланиши 1,6 баробар, енгил автомобиллар билан таъминланиши 3,5-марта ошгани ҳам оиласларимизнинг фаровонлиги юксалиб бораётганининг яққол тасдифидир. Бугунги кунда деярли ҳар икки оиласдан бири шахсий транспорт воситасига эга ва бу машиналар айнан юртимизда ишлаб

<sup>20</sup> Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъruzасида одамларнинг даромадлари ортиши билан оиласларнинг моддий аҳволи ҳам сифат жиҳатдан ўзгариб бораётгани таъкидланди.

чиқарилгани барчамизга мамнуният ва ғуур багишлайди”. Демак, аҳолининг реал даромадини ортиши уларнинг истеъмол таланини ортишига ва охир оқибат уларнинг турмуш фаровонлигини ортишига олиб келмоқда.

Ушбу тенденцияда аҳолининг пул даромадлари ва мамлакатдаги истеъмол талабига энг юқори даражада таъсир этувчи жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқнинг роли ғоят юксакдир.

Кейинги йилларда ушбу солиқ бўйича ставкалар изчил пасайтирилиб келинмоқда. Бунда З асосий стратегия кўзда тутилган:

- жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ бўйича белгиланган стакаларнинг пасайтирилиши аҳолининг пул даромадларини оширилишига ва уларнинг харид қобилиятини ошириш орқали ялпи истемол талабини юксалтириш икониятларига ега бўлинади;

- солиқлар бўйича ставкаларининг табақалаштирилиши ва улардаги таркибий ўзгартиришлар аҳоли даромад даражасидан келиб чиқсан ҳолда солиққа тортилишини таъминлайди. Бу ўз навбатида мамлакат аҳолиси ўртасида даромадлар тенгизлигини олдини олиш ва даромадларни тенглаштириш имкониятларини шакллантиради;

- жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ бўйича белгиланган стакаларнинг амалдаги ҳолати кам таъминланган аҳоли қатламини ижтимоий химоялаш имкониятларини шаллантиради.

Истиқболда амалга ошириладиган ислоҳотлар ва унда даромад солиғинининг ўрнига тўхталиб, Президентимиз Ислом Каримовнининг қўйидаги фикрларини келтиришимиз мумкин, “Юқори иқтисодий ўсиш суръатлари ҳар томонлама чукур ва пухта ўйланган изчил солиқ ва пул-кредит сиёсатини амалга ошириш орқали таъминланади. Ушбу сиёсат, авваламбор, иқтисодиётда солиқ юкини камайтириш, хўжалик юритувчи субектлар фаолиятида унинг рафбатлантирувчи ролини кучайтиришга қаратилади.

## 2.5- жадвал

### **Билвосита солиқларнинг Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети тизимида тутган ўрни**

Кўрсаткичлар	2012- йил	2013- йил	2014- йил	2015- йил
	млрд.сўм	млрд.сўм	млрд.сўм	млрд.сўм
Даромадлар, давлат максадли жамғармаларисиз – жами	20614,1	25104,9	30160,8	36184
<b>1. Билвосита (эгри) солиқлар</b>	<b>11187,8</b>	<b>13039,4</b>	<b>15618,2</b>	<b>19115,8</b>
1.1. Кўшилган қиймат солиги	6784,5	7737,8	9123,1	10721,7
1.2. Акциз солиги	3115,5	3726,5	4506,0	5528,8
1.3. Божхона божлари	732,4	992,6	1142,0	1583,6
1.4. Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизел ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ	555,4	582,5	847,1	1281,7

Манба: ЎзР ДСҚ маълумотлари

Солиқ тизимида билвосита солиқларнинг тутган ўрни бениҳоя юқори бўлиб, улар бир томондан фаол фискал вазифани бажарса, иккинчи томондан ялпи истемол талабига фаол тасир этиш икониятларига эгадир. Уларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири истеъмолдан олинадиган солиқлар тавсифига

эгалигидир.

Билвосита солиқлар таркибида қўшилган қиймат солиғи бўйича тушумлар асосий салмоққа эгадир. Хусусан, ушбу солиқ бўйича тушумлар 2012 йилда 6784,5 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2015 йилга келиб ушбу кўрсаткич 19115,8 млрд. сўмни ташкил этган. Ушбу солиқ бўйича тушумларнинг кейинги йиллардаги динамик ўсиш тенденцияси юқори бўлиши билан бирга улар давлат бюджети даромадларини асосий қисмини шакллатириб беради. Акциз солиғи бўйича тушумлар 2012-йилда 3115,5 млрд. сўмни ташкил этган. 2015-йилга келиб ушбу кўрсаткич 5528,8 млрд. сўмга етган. Ташқи иқтисодий фаолият натижасида олинган божхона божларининг умумий миқдори 2015- йилда 1583,6 млрд. сўмни ташкил этмоқда.

Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизел ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ бўйича тушумлар эса 2012- йилда 555,4 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2015- йилга келиб ушбу кўрсаткич 1281,7 млрд. сўмни ташкил этиши кўзда тутилмоқда.

Демак, юқоридагилардан хulosса қилиш мумкинки, эгри солиқлар мамлакат аҳолисининг ялпи истеъмол талабини нисбатан тартибга солиш вазифасини ҳам бажармоқда.

Давлат бюджетида ресурс солиқларининг ҳам салмоғи юқоридир. Буни қўйидаги жадвал малумотларидан кўришимиз мумкин.

## **2.6- жадвал**

### **Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети тизимида ресурс солиқларини тутган ўрни**

<b>Кўрсаткичлар</b>	2012- йил	2013- йил	2014- йил	2015- йил
	млрд.сўм	млрд.сўм	млрд.сўм	млрд.сўм
Даромадлар, давлат мақсадли жамғармаларисиз – жами	20614,1	25104,9	30160,8	36184
<b>Ресурс тўловлари ва мулк солиғи</b>	2746,4	3755,5	4521,4	5741,8
1.1 Мол - мулк солиғи	642,0	831,4	1135,0	1716,7
1.2. Ер солиғи	446,0	646,3	662,0	929,6
1.3 Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ	1585,3	2180,1	2595,8	2931,8
1.4 Сув ресурсларидан фойдаланганлик солиқ	73,1	97,7	125,3	163,7

Манба:ЎзР ДСҚ маълумотлари

Юқоридаги таҳлилларимизда давлат бюджети даромадлари стрктураси ва улар бўйича режа кўрсаткичларини кўриб чиқдик. Энди ушбу режа кўрсаткичлари бўйича даромадлар тушумларининг ижросини кўриб чиқамиз.

Ресурс солиқлари таркибида мол-мулк солиғининг ўрни юқори бўлиб, мол-мулк солиғи аҳолинининг истеъмол талабига тасир этади. Ушбу солиқлар бўйича тушумлар 2012- йилда 642,0 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2015-

йилга келиб 1716,7 млрд. сўмга прогнозлаштирилган. Ер солиги 2012- йилда 446,0 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2015 йилга келиб 929,6 млрд. сўмни ташкил этмоқда. Ҳар иккала солик тури бўйича жисмоний шахсларнинг солик мажбуриятлари мавжуд бўлиб, ушбу соликлар уй хўжаликларининг пул даромадлари ва истеъмол талабига таъсир кўрсатади.

Хозирги аксарият мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши ёки рецессия ҳолатларининг кузатилишига қарамасдан даромадларнинг орттириб бажарилиши биринчидан, иқтисодиётдаги барқарор ўсиш суръатларининг кузатилаётганлиги натижасида умумий солик салоҳиятининг ортаётганлиги билан боғлиқдир. Иккинчидан, самарали солик сиёсати натижасида иқтисодиётда қулай инвестицион мухит шакллантирилмоқда. Учинчидан, устувор тармоқларга берилган солик имтиёзлари натижасида улараги ишлаб чиқариш фаолиятини ривожланиши натижасида солик базаси кенгаймоқда.

Хозирги бюджет тизимидағи асосий муаммолардан бири маҳаллий бюджетларнинг даромадларининг барқарорлигини ошириш ҳисобланади. Бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга Президентимиз Ислом Каримов тўхталиб қуйидаги фикрларни айтиб ўтган эдилар, “2013- йилда мутаносиб ва барқарор давлат бюджетини шакллантириш мақсадида солик маъмурчилигини янада такомиллаштириш ва эркинлаштириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлаш, бутун солик тизимини соддалаштириш ва унинг ошкоралигини таъминлаш бўйича тегишли тадбирлар кўзда тутилмоқда”.

Юқоридаги фикрлардан ҳам кўриниб турибдики, бюджет-солик сиёсатида маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлаш масаласи устувор масала сифатида эътироф этилмоқда.

Давлат бюджетининг асосий вазифаси давлатнинг фискал сиёсати мазмунини ва йўналишларини ўзида ифода этади. Кенгроқ маънода айтганда, давлат бюджетининг асосий вазифаси миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, иқтисодиётни тартибга солиш ва рағбатлантириш, ижтимоий сиёсатни молиявий ресурслар билан таъминлаш, мамлакатнинг марказлаштирилган пул жамғармаларини вужудга келтириш ва улардан фойдаланиш устидан назорат килиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларининг кейинги йиллардаги таркибий таҳлиллари кўрсатадики, харажатлар номинал мазмунда (мутлақ кўрсаткичларида) ортиб бораётганлиги кузатишимиз мумкин. Лекин, унинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан салмоғининг камайиб бориш тенденцияси кузатилмоқда.

Шу билан бир қаторда давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатларининг изчил равишда ортиб бораётганлиги давлатимиз томонидан кучли ижтимоий сиёсатнинг молиявий асосларини шакллантирилаётганлигини тасдиқлайди.

Давлат бюджети харажатларининг таркибидаги ижтимоий-маданий тадбир харажатлари йил сайин ошиб борган. Кейинги 5 йил мобайнида жами бюджет харажатларининг таркибида ижтимоий соҳага қилинаётган харажатлар 2011-

йилда 58,2 %дан 2015-йилда 59,1 %гача ўсиб борган. Ушбу ҳолат ўз навбатида, жаҳондаги барча давлатлар орасида энг юқори кўрсаткични ташкил этадики, ўз навбатида Республикаизда изчил амалга оширилаётган ижтимоий ислоҳотларнинг узоқ, стратегик аҳамиятга эга эканлигидан далолатдир. Шунингдек, ушбу харажатларнинг ўсиб бориши билан бирга уларнинг давлат бюджети харажатларидағи энг юқори салмоқни ташкил этмоқда.

Иқтисодиёт харажатлари эса 2011- йилда 1938 млрд. сўмни ташкил этган бўлиб, жами бюджет харажатларида 11,5 фоизни ташкил этган. 2015- йилга келиб ушбу харажатларнинг жами давлат бюджети харажатларидағи салмоғи 10,1 %ни ташкил этган. Лекин, ушбу харажатлар номинал мазмунда ўсиб борган.

## 2.1-жадвал

### Мақсадли фондларсиз давлат бюджети харажатларининг таркиби

Кўрсаткичлар	2011 йил		2012 йил		2013 йил		2014 йил		2015 йил	
	Млрд.сўм	%								
Давлат бюджети харажатлари, миллиард сўм	16802	100	21190	100	26312	100	31582	100	37967,7	100
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий кўллаб-куватлаш харажатлари	9723	58,2	12338	58,3	15573	59,2	18873	59,7	22457,0	59,1
Иқтисодиёт харажатлари	1938	11,5	2338	11	2791	10,6	3385	10,7	4119,7	10,1
Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш	1037	6,1	1174	5,5	1300	4,9	1500	4,7	1800	4,7
Давлат хокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари харажатлари	627	3,7	844	3,9	825	3,1	1000	3,1	1199,9	3,1
Бошқа харажатлар	3477	20,6	4495	21,2	5813	22,0	6903	21,8	8391,1	22,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларидан фойдаланилди.

Марказлаштирилган инвестицияларни бюджетдан молиялаштириш учун 2011 йилда 1037 млрд. сўм, 2011- йилда 1037 млрд. сўм, 2012- йилда 1174 млрд. сўм, 2013- йилда 1300 млрд. сўмни, 2014- йилда 1500 млрд. сўмни ва 2015- йилда 1800 млрд. сўмни ташкил этмоқда. Бу ўз навбатида ҳозирги кунда амалга оширилаётган иқтисодиётни модернизация қилиш ва янгилаш, инновацион технологияларни кенг жорий қилиш билан боғлиқ йирик ва стратегик аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни молиялаштиришда бюджет инвестицияларининг ҳам аҳамияти юқорилигидан далолат беради.

Давлат хокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари фаолияти учун харажатлар жами харажатлар таркибида 2011- йилда жами бюджет харажатларини 3,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2015- йилга келиб бу харажатлар 3,1 фоизни ташкил этмоқда. Демак, номинал мазмунда ушбу харажатлар қарийиб 2 баробардан кўп ўстган бўлса-да, уларнинг бюджет харажатларидағи салмоғи камайиб борган.

Юқоридаги жадвал кўрсаткичлари бюджет сиёсатининг асосий

йўналишларини ўзида ифода этиб, унда табий равишда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари устувор экани кузатилмокда.

Ҳозирги шароитда давлат бюджети учун нисбатан юқори даражадаги молиявий юқ бўлиб тушаётган ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари бир томондан аҳолининг кам таъминланган қатламини ҳимоялаш молиявий асосини ўзида ифодалайди. Иккинчидан, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, замонавий соғлиқни сақлаш тизимини шакллантиришда давлат бюджетининг аҳамияти ортиб бораётганлигини кўрсатиб бермоқда.

Давлат бюджетининг ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари асосан таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, илм-фан, ижтимоий таъминот ва ижтимоий нафақалар каби харажатларни ўз ичига олади. Буни қуидаги жадвал маълумотлари орқали қўришимиз мумкин.

## 2.2- жадвал

### Давлат бюджетидан ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлар таркиби (прогноз)

Кўрсаткичлар	2011 йил		2012 йил		2013йил		2014йил		2015йил	
	Млрд.сўм	%								
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари	9723	100	12338	100	15573	100	18873	100	22457,0	100
Таълим	5604	57,6	7163	58,1	8984	57,6	10765	57,0	12776,2	56,8
Соғлиқни сақлаш	2228	22,9	3027	24,5	3768	24,1	4495	23,8	5372,5	23,9
Маданият ва спорт	185	1,9	226	1,8	279	1,7	334	1,7	388,2	1,7
Илм-фан	109	1,1	139	1,1	173	1,1	199	1,0	245,3	1,0
Ижтимоий таъминот	72	0,7	87	0,7	107	0,7	125	0,7	150,4	0,6
Оиласарга ижтимоий нафақалар	1383	14,2	1624	13,1	1839	11,8	2047	10,8	2279,8	10,1

Манба: Муаллиф томонидан статистик маълумотлар асосида ишлаб чиқилган.

Ушбу харажатларнинг таркибида, таълим соҳасига қилинаётган бюджет харажатлари 2011- йилда 5604 млрд. сўмни ташкил этиб, жами бюджет харажатларидаги улуши 57,1 %ни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич 2012- йилги жами бюджет харажатларида 58,1%ни, 2013- йилда мос равишида 57,6 %ни, 2014 йилда мос равишида 57,0 %ни, 2015- йилда эса ушбу харажатлар 56,8 %ни ташкил этиши кўзда тутилган.

2011-2015 йиллардаги давлат молияси тизими барқарорлигини таъминлаш бўйича ислоҳотлардаги муҳим қадамлардан бири бу бир нафар ўкувчига (тарбияланувчига) харажатларнинг базавий меъёрларидан келиб чиқсан ҳолда мактабгача тарбия болалари муассасалари, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг бюджетини режалаштириш ва харажатларини молиялаштириш тартибини жорий етилганлиги ва 2010- йилдан

бошлаб ушбу тартибни республиканинг барча худудларидағи мазкур муассасаларга татбиқ этилгани ҳисобланади. Натижага йўналтирилган бюджетлаштиришнинг ушбу механизми бюджет муассасаларининг молиявий мустақиллигини оширилишини таъминлади ва харажатларнинг манзилли ва мақсадли сарфланиши учун шароит яратилишига олиб келмоқда.

2011-2015 йиллар мобайнида бюджет ташкилотларида иш ҳақи ва ижтимоий нафақаларнинг изчил равишда ошириб борилиши давом эттирилди. Жумладан, биргина бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи 2014- йилда 23,2фоига оширилди. Мухтарам Президентимиз Ислом Каримов 2014-йиллардаги эришилган натижаларга тўхталиб, қуидаги фикрларни айтиб ўтган эдилар, “Иқтисодиётимизнинг жадал ва мутаносиб ривожланиб бораётгани ахоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил ошириш учун мустаҳкам замин яратмоқда. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар ҳажми ўтган йили 23,2 фоизга ошди. Аҳолининг жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар эса 10,2 фоизга кўпайди”.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, давлат бюджети харажатларни нафақат, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш билан бирга аҳолининг жон бошига тўғри келадиган реал даромадларини оширишини таъминлаш орқали мамлакат миллий иқтисодиётидаги ялпи истеъмол талабини рағбатлантиришда муҳим молиявий омил бўлиб ҳисобланмоқда. Бу ўз навбатида ҳозирги глобал молиявий-иктисодий инқироз шароитида мамлакатимиз миллий иқтисодиётининг тез ўзгариб бораётган ҳалқаро бозорлардаги конюнктурунинг салбий таъсиридан ўзига хос равишдаги “Иммунитети”ни шакллантиришда асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Демак, давлат бюджети харажатлари бир томондан ижтимоий соҳадаги давлат сиёсатини амалга оширишни мустаҳкам молиявий манбаи бўлиб ҳисобланиши билан бирга миллий иқтисодиётдаги ислоҳотларда давлатнинг бош ислоҳотчилик ролини бажарилишида ҳам марказий ўринни эгалламоқда. Ҳозирги глобал молиявий-иктисодий инқироз шароитида республикамиз озиқовқат хавфсизлигининг асоси ҳисобланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни модернизациялаш, соҳадаги ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришда давлат бюджетининг аҳамияти ҳам юксак бўлмоқда.

Давлат бюджетидан қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш тизими қўйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

-қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги сув хўжалиги ташкилотлари томонидан истеъмол қилинадиган электр-энергияси тўловларига харажатлар;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фондига мақсадли ажратмалар;

- ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун мақсадли маблағлар.

Давлат бюджетидан иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш учун харажатлари таркибида қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги сув хўжалиги ташкилотлари томонидан истеъмол қилинадиган электр-энергияси тўловлари

жами бюджет харажатлари таркибида 2011- йилда 3,8 %ни ташкил этган бўлса, 2012 ва 2013- йилларда 3,5 %ни, 2014 йилда 3,4 %ни, 2015 йилда эса 3,3 %ни ташки этиши кўзда тутилган<sup>21</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007- йил 29- октябрдаги ПФ-3932 сонли «Ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг тизимларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини 2008-2012 йилларда яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастури” ишлаб чиқилган.

### **2.3- жадвал**

#### **Давлат бюджетининг иқтисодиёт харажатлари таркиби, жамига нисбатан %ода**

Кўрсаткичлар	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил
<b>Давлат бюджети харажатлари</b>	100	100	100	100	100
Иқтисодиётга ажратилган харажатлар	11,5	11,0	10,6	10,7	10,8
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги сув хўжалиги ташкилотлари томонидан истеъмол қилинадиган электр-энергияси тўловлари	3,8	3,5	3,5	3,4	3,3
Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғорилади ган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фондига мақсадли ажратмалар	1,1	0,9	0,8	0,9	0,8
Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат еҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-куватлаш чун мақсадли маблағлар	0,8	0,7	0,8	0,9	0,6
<b>Бошқа харажатлар</b>	<b>5,7</b>	<b>5,7</b>	<b>5,7</b>	<b>5,8</b>	<b>6,1</b>

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларидан фойдаланилди.

Ушбу дастур доирасида маҳсус фонд ташкил этилган бўлиб, ушбу фонд маблағларини шакллантиришга бюджетдан харажатлар амалга оширилмоқда. Ушбу фондга ажратмаларнининг 2015 йилдаги миқдори жами бюджет харажатларига нисбатан 0,8%ни ташкил этмоқда.

“Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёсини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхонларини молиявий қўллаб-куватлаш тартиби тўғрисида”ги Низомда давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар қўйидаги йўналишларда сарфланиши кўзда тутилган:

- фермер хўжаликларининг соликлар ва мажбурий тўловлар бўйича қарздорлари, бошқа жорий мажбуриятлари, асосий маҳсулотларни етиштириш учун моддий-техника ресурслар ва кўрсатилган хизматлар учун қарзларини тўлашга;

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларидан фойдаланилди.

- келгуси йил ҳосили учун сотиб олинадиган ресурслар ва қўрсатиладиган хизматлар учун олдиндан тўловларга;

- ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларини ва хўжаликнинг ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бошқа харажатларини молиялаштиришга йўналтирилади.

Ушбу харажатларнинг жами бюджет харажатларидаги салмоғи 2015- йилга келиб 0,6 %ни ташкил этмоқда. Умумий тенденцияда пасайиш кузатилаётган бўлса-да, номинал мазмунда унининг ўсиб бормоқда.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, давлат бюджети харажатларини самарли бошқариш пировардида нафақат ижтимоий соҳадаги давлат ислоҳотларининг самардорлиги ортмоқда, балки, ўз навбатида миллий иқтисодиётни мувозанатли ривожланишини таъминлашнининг самарали механизмларини шакллантириш имкониятларига ега бўлинади.

**Ҳозирги вақтда республикамиз ҳукумати яқин истиқболга мўжалланган давлат молиясини бошқариш тизимида ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мазкур ислоҳотнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:**

- давлат бюджетини режалаштириш тизимини янада такомилаштириш. Бунда бюджетни ўрта муддатли режалаштириш тизимини жорий етиш ва натижага йўналтирилган бюджетлаштиришнинг замонавий методологиясини ишлаб чиқиш ва жорий етиш;

- давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизимини янада ривожлантириш;

- маҳаллий бюджетларнинг барқарорлигини таъминлаш ва уларнинг молиявий имкониятларини янада ошириш;

Давлат бюджети даромад ва харажатларини самарали бошқариш тизимини шакллантириш бўйича ислоҳотлар қўйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

**1. Давлат бюджети даромад ва харажатларини режалаштириш тизимидағи ислоҳотлар.** Бунда натижага йналтирилган бюджетлаштириш тизимини жорий етиш устувор аҳамиятга егадир. Натижага йўналтирилган бюджетни режалаштиришни кўллаш жамоатчиликни қўшимча равища қўйидагилар ҳақида хабардор этишни талаб қиласи:

- давлат хизматларини кўрсатишда эришилган (миқдор ва сифат) кўрсаткичлари, шунингдек, вазирликлар ва идоралар фаолиятининг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлиги ҳақида;

- йил мобайнида амалга оширилган давлат харажатларининг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлиги таҳлили натижалари ҳақида;

- баҳолаш методологияси ҳақида, шунингдек, амалга оширилган таҳлил натижалари бўйича кўриладиган чора-тадбирлар ҳақида;

- бюджет харажатлари самарадорлигининг таҳлили натижасида таклиф қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат сиёсатидаги ўзгаришлар ҳақида, бу

ўзгаришлар хукумат томонидан қўйилган мақсадларга эришишга қандай кўмаклашиши ҳақида.

**2. Ички аудитни амалга жорий етиш ва ташқи аудитнинг вазифаларини ўзгартириш.** Халқаро тажриба давлат бошқаруви секторининг самарадорлигини ошириш учун харажатларни тасарруф этиш ваколатлари операцион менежерларга берилиши лозимлигидан далолат беради. Бу менежерлар (идоралар ва муассасаларнинг асосий функцияларини бажарувчи) асосий (соҳа) бўлинмаларининг ходимларидир. Айнан улар бюджет харажатлари ёрдамида қувватланувчи ва ривожлантирувчи давлат хизматларини кўрсатиш ҳамда аниқ натижаларга эришиш жараёнига бевосита яқин турадилар. Мазкур ёндашувдан фойдаланиш бундай “дала командирлари” вазиятни ҳаммадан яхши тушуниши ва батафсил ахборотга эга бўлишига асосланади. Шу сабабли улар режалаштирилган натижаларга эришиш учун ресурслардан фойдаланишга доир муайян идоранинг ўрта ва олий иерархиявий даражаларида ёки мазкур идорадан ташқарида бўлган мансабдор шахсларга қараганда, самаралироқ қарорлар қабул қилиш имкониятига эга. Оддий менежерлар, агар уларга қарорлар қабул қилишда етарли даражада эркинлик берилса, ҳаракатларига ортиқча аралашилмаса ва икир-чикирларигача назорат қилинмаса, яхши натижаларга эришишга қодир бўладилар.

Албатта, ваколатлар кутилаётган натижаларни аниқ белгилаш негизида ўтказилиши лозим. Бунда мазкур натижаларга эришишда муайян менежер иштирок этади ва ҳисобот беради. Бундан ташқари, давлат муассасалари ишининг ички тартиб-таомиллари харажатларни амалга ошириш мониторинги ва бюджет параметрларига риоя этилиши устидан назоратнинг самарали усувларини ўз ичига олиши, шунингдек, ходимларнинг инсофсизлиги ҳолларига йўл қўйилмаслигини таъминлаши лозим.

Харажатларни амалга оширишнинг мақсадлари, вазифалари, пировард ва бевосита натижаларининг тизимли таҳлили ўз-ўзича жуда фойдалидир, лекин амалда олға силжишга фақат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган фаолиятни бошқараётган шахсларнинг ролини бутунлай ўзгартириш йўли билангина эришиш мумкин.

Шуни ҳисобга олиш лозимки, бошқарув тузилмаларини қайта қуриш маъмурий ислоҳот йўналишларидан бири – натижаларга кўра бошқаришнинг муҳим элементи ҳисобланади. Иккала ислоҳот – маъмурий ислоҳот ҳам, бюджет ислоҳоти ҳам ижро этувчи ҳокимият органларининг ва улар кўрсатаётган давлат хизматларининг самарадорлигини оширишга қаратилган. Шу сабабли улар бир-бирини қувватлаши ва ўз мазмuni, амалга ошириш кетма-кетлиги ва изчиллиги нуқтаи назаридан бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиши лозим.

**3. Да в л а т м о л и я в и й р е с у р с л а р и н и  
бошқа ри ш да с а м а р а л и м о л и я в и й  
менежментни амалга жорий етиш.**

Бюджет жараёнини ислоҳ қилиш давлат идоралари ва муассасаларида

молиявий менежмент тизимини ўзгартириши назарда тутади. Бунда бюджетни ижро этишда давлат фазнахонаси нинг роли ўзгариши изқолади: мазкур орган идоралар ва муассасаларнинг топшириқлари га мувофиқ тўловларни амалга оширишда ватўловларнинг бюджетда белгиланган кўрсаткичларга мувофиқлигини таъминлашда давом этади.

Тармоқ бўлинмалари ва уларнинг ходимлари (менежерлар) ўзлари амалга ошираётган фаолият жараёнида бюджет ресурсларини сарфлаш ва режалашибирлигани натижаларга еришиш учун жавобгар бўладилар. Улар харажатларни бошқарадилар. Муайян бюджетни тасарруф етиш учун оладилар, мазкур маблағлардан қачон ва қай тарзда самарали фойдаланишини белгилайдилар ва харажатларнинг натижалари учун ҳисобот берадилар. Уларнинг бюджетни тайёрлаш жараёнидаги роли ҳам ортади. Бюджетни режалашибирлиш субъектларига ўрта муддатли молиявий режага мувофиқ юқоридан тушириладиган бюджет параметрлари турли йўналишлар ва тобе муассасалар бўйича харажатларни тақсимлаш билан мувофиқлашибирлиши, бунда бюджетни ижро етиш жараёнида аниқ қарорлар қабул қилувчи субъектлар фаолиштирок етишлари лозим.

Молиявий менежмент соҳасида ваколатлар ва функцияларни ўтказиш асосий ургуни назораттағтиш бошқармаси ва фазнахона томонидан амалга ошириладиган ташқи назоратдан бюджетни режалашибирлиш субъектларининг ўзи амалга оширувчи

и чки назоратга аста-секин кўчириш билан бирга амалга оширилиши лозим. Ички назоратни шундай мустаҳкамлашкеракки, идорадаги молиявий менежмент тизимлари самарали ишлаётганига, яъни бюджет жараёни нинг узлуксизлигини, қабул қилинган мажбуриятлар бажарилишини, бюджет маблағлари аниқ мақсадларга йўналтирилишини ва бюджет интизомига қатъий риоя етилишини таъминлаётганига БРС раҳбарлари ва Молия вазирлигининг ишончи комил бўлсин.

Маҳаллий бюджетларнинг даромадларини ошириш ҳозирги пайтда олиб борилаётган бюджет сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзларини келтириб ўтиш жоиз: “Давлат бюджети даромадларининг катта қисмини жойларга бериш, маҳаллий бюджетларни мустахкамлаш зарур. Бу эса минтақалар мустақиллигини ошириш, уларнинг ташаббускорлигини, бюджетнинг ижросидан манфаатдорлиги ва бу борадаги масъулиятини ошириш имконини беради. Бундан ташқари, бу маҳаллий бюджетларга тушумларнинг янги манбаларини қидириб топишга рафбатлантиради, жойларда бюджет интизомини мустахкамлайди”.

Демак, маҳаллий бюджетларнинг мавқеини янада ошириш, Ҳукуматнинг бюджет сиёсати самарадорлигини оширишга хизмат қиласиган муҳим омил ҳисобланади.

Амалдаги қонунчилик бўйича маҳаллий бюджетлар даромадлари таркибини кўздан кечирадиган бўлсақ, юқори бюджетлардан бериладиган бюджет дотациялари, бюджет субвенциялари ва бюджет ссудалари юқори бюджет ҳаражатларини режалаштириш вақтида, шунингдек, маҳаллий бюджетларни баланслаштириш ҳолатига қараб, прогнозлаштирилади.

Мерос олиш, хадя этиш хуқук бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари, юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек, чет эл давлатларидан келган, қайтарилмайдиган пул маблағлари эса, доимий хусусиятга ега тушумлар ҳисобланмайди. Шу муносабат билан маҳаллий бюджет даромадларини прогнозлаштиришда асосий ётибор, доимий хусусиятга ега бўлган ва маҳаллий бюджет даромадларининг негизини ташкил этадиган умумдавлат солиқларидан ажратмалар, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар, шунингдек, давлат мулки обьектларини жойлаштириш, фойдаланишга беришдан олинган даромадларга қаратилиши лозимдир.

Айни пайтда худудий молия органларида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2004- йил 22 мартағи 36-сон буйруғи билан тасдиқланган “Асосий

солиқ турлари бўйича Давлат бюджети даромадларини режалаштириш бўйича қўулланма”дан фойдаланилади. Бироқ мазкур қўлланма ишлаб чиқилганидан сўнг солиқ қонунчилигида ва бюджет тизимида содир бўлган ўзгаришлар туфайли амалиётдаги прогнозлаштиришнинг ҳисоб-китоб шакллари тегишли равишда ўзгариб туришини инобатга олмоқ лозим. Амалдаги прогнозлаштиришнинг китоб шакллари ва турларини умумлаштирган ҳолда ҳамда мавжуд илмий адабиётлардан келиб чиқиб, бюджет даромадларини прогнозлаштириш усуллари тўғрисида тўхталамиз.

Биринчи усул. Ушбу усулни экстраполяция усули деб ҳам номлашади.. бюджет даромадларини режалаштиришда бундай ёндашув кўп қўлланиладиган усул ҳисобланади. Оддий қилиб бу усул ёрдамида бюджет даромадларини прогнозлаштиришни қўйидаги шаклдаги модел билан ифодалаш мумкин.

**Келгуси даврдаги бюджет даромадлари = базавий даврдаги бюджет даромадлари (х) ўсиш сурати**

Бунда:

- **Келгуси даврдаги бюджет даромадлари** - бюджет даромадлари қайси давр учун прогнозлаштирилиши зарурлиги. Масалан, келгуси йил, келгуси чорак ёки келгуси ой;

- **базавий даврдаги бюджет даромадлари** - ўсиш суратини қўллаганда келгуси давр даромадлари аниқланадиган давр. Мисол учун, жорий йил, жорий чорак ёки жорий ой;

- **ўсиш сурати** - ўтган даврдаги тегишли ўсиш кўрсаткичларининг бир нечтаси асосида ҳисобланган ўртача қиймат (ўртача тортилган қиймат).

Масалан, 2013- йил учун ўсиш суръати қоида тариқасида, 2010- йилдаги даромадларнинг 2009- йилдаги даромадларга нисбатан ўсиш суръати, 2011- йилдаги даромадларнинг 2010- йилдаги даромадларга нисбатан ўсиш суръати, 2012- йилдаги даромадларнинг 2011- йилдаги даромадларга нисбатан ўсиш суръатининг ўртача қиймати (ўртача тортилган қиймати) асосида аниқланади.

Ушбу усулнинг афзаллик томонлари шундаки, бюджет даромадларига таъсир қилувчи барча омиллар ўтган даврдаги даражаси доирасида прогнозлаштиришда еътиборга олинади. Усулнинг камчилиги - бюджет даромадларига тасир қилувчи омиллардаги ўзгаришлар, масалан, солиқ ставкасининг камайиши, прогнозлаштиришда еътиборга олинмайди. Бироқ, ашаддий молия органларида ушбу усул орқали даромадлар прогнозлаштирилаётганда омиллардаги ўзгаришлар, жумладан солиқ ставкасининг ўзгариши инобатга олинади ва бу қўшимча ҳисоб-китоблар асосида амалга оширилади.

**Бюджет даромадларини режалаштиришдаги замонавий усуллардан бири “регрессия тенгламалари ёрдамида прогнозлаштириш” усули деб аташ мумкин. Прогнозлаштиришдаги мазкур ёндашув эконометрика предмети бўйича маълум бўлган регрессия тенгламалари билан боғлиқ.**

Регрессия тенгламалари ёрдамида бюджет даромадларини прогнозлаштириш олдинги усулларга қараганда мураккаб усул ҳисобланади. Бунда, бюджет даромадларини прогнозлаштириш учун мос келадиган регрессия тенгламасининг шакли, бюджет даромадлари ва унга таъсир қилувчи

омилларнинг кузатилган динамик қаторларидан келиб чиқиб, эконометрика фанида кўрсатиб ўтилган тартибда аниқланади.

Бу усулга кўра бюджет даромадларини прогнозлаштиришга доир қўйидаги модел шаклини мисол тариқасида келтириш мумкин:

**бюджет даромадлари = константа +  $a_1 \times$  омил<sub>1</sub>, +  $a_2 \times$  омил<sub>2</sub> + ... +  $a_n \times$  омил<sub>n</sub>.**

Бунда:

**константа** - регрессия тенгламасини тузишда аниқланган константа миқдори;

**$a_1$  ,  $a_2$  ,  $a_n$**  - тегишли омилларнинг бюджет даромадларига тасири коеффициентлари. Масалан, омил, 1 бирликка ўзгарганда, бошқа омиллар ўзгармай турган тақдирда, бюджет даромадларининг қанчага ўзгариши;

**омил<sub>1</sub>, омил<sub>2</sub>, омил<sub>n</sub>** - бюджет даромадларига таъсир қилувчи омиллар миқдори. Мисол учун, солиқ ставкаси, солиқ солиш обекти ва ҳоказо.

Бунда константа ва коеффициентлар маҳсус ҳисоб-китоблар ёрдамида ўзгарувчиларнинг ўтган даврдаги миқдорларидан келиб чиқиб ҳисобланади. Ҳозирги вақтда Microsoft Excel, каби дастурий пакетларда регрессия тенгламаси коеффициентларини аниқлаш имкониятлари мавжуд. Масалан, Microsoft Excelда Линейн, Предсказ, Рост, Наклон каби функциялари регрессия тенгламалари коеффициентларини ҳисоблаш имконини беради.

Айни пайтда Ўзбекистонда мазкур усулни жорий қилиш учун зарур чоратадбирлар амалга оширилиши зарур. Регрессия тенгламалари коеффициентларини статистик жиҳатдан аҳамиятга эга бўлган даражада аниқлаш учун ўтган даврдаги кузатишлар сони кўп бўлиши ва бир турдаги бўлиши талаб қилинади. Бошқа томондан эса, бюджет даромадларига таъсир қилувчи омиллар қаторида солиқ ставкалари катта аҳамиятга эга ва солиқ ставкалари, одатда, бир йилда бир марта ўзгаради. Бу эса кузатишлар йиллик маълумотлардан иборат бўлиши кераклигини билдиради. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган 21 йил давомида миллий статистика тизимимиз халқаро стандартларга мос равишда йилдан-йилга такомиллаштириб келинмоқда. Шу нуқтаи назардан ҳозирги вактда регрессия тенгламалари ёрдамида бюджет даромадларини прогнозлаштиришни жорий қилиш имкониятлари чекланган.

Бюджет даромадларини прогнозлаштиришнинг юқоридаги усулларидан ташқари, даврий қаторлар (инглизчаси – тиме сериес) усули ва Леонтьев модели каби мураккаб турлари мавжуд. Амалий аҳамиятининг камлиги ва бу усулларнинг мазмунини ва уларга мувоғиқ прогнозлаштириш тартибини тушунтириш учун кўп маълумот берилиши зарурлигини инобатга олиб, прогнозлаштиришдаги ушбу усуллар тўғрисида батафсил тўхталишга ҳожат йўқ.

Ҳозирги шароит давлат бюджети харажатларининг манзиллилиги ва мақсадли сарфланиши таъминлаш бюджет сиёсатида стратегик аҳамият касб этувчи чора тадбирлардан бирир. Шундай екан, бошқа харажатлар каби иқтисодиёт харажатлари самарадорлигини ошириш, миллий хўжаликда давлат молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлайди.

Бугунги кунда мамлакатдаги мавжуд аҳволни ўрганиб чиқиб, бюджет харажатларини режалаштириш жараёнидаги ажратилган маблағлардан

фойдаланиш бўйича бюджет интизомини бузилишининг қуидаги характерли кўринишларини келтириш мумкин:

1. Бюджетнинг иккинчи даражали харажатларини маблағ билан таъминлаш оқибатида биринчи даражадаги тадбирларга маблағ йўналтиришни кечикитириш;
2. Маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларининг тазиқи остида бюджет маблағларини бюджет параметрларида кўзда тутилмаган харажатларга йўналтириш;
3. Иш ҳақи, хўжалик харажатлари бўйича белгиланган бюджет лимитларини ошириб бориш;
4. Бюджет маблағларини бир моддадан иккинчи моддага ўтказиш ва улардан ноқонуний тарзда фойдаланиш.

#### **Назорат саволлари:**

1. Давлат молиясининг иқтисодий моҳияти ва ахамияти нималардан иборат?
2. Давлат молиясининг бўғинларини изоҳланг.
3. Молиявий сиёsat ва замонавий шароитларда у қандай устувор йўналишлари эга?
4. Ўзбекистон Республикасида давлат молияси тизимидаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари нималардан иборат?

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

##### **Махсус адабиётлар**

1. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади.– Т.: Ўзбекистон, 2014. - 29 б.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasining 2015 yilgi asosiy makroiqtisodiy ko‘rsatkichlari prognozi va Davlat byudjeti parametrlari to‘g‘risida”gi PQ-2270-sonli Qarori (2014 yil 4 dekabr).
3. Вахобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик. -Тошкент: “Ношир”, 2012 й.- 712 б.

### **3- мавзу: Давлат молияси назарияси ҳақидаги илмий қарашларнинг концептуал асослари.**

---

#### **Режа:**

- 3.1. Мумтоз иқтисод назарияси асосчилари У.Петти, А.Смит, Д.Рикардо, П.Буагилбер кабиларнинг илмий ишларида давлат молияси назарияси.
- 3.2. Янги тарихий мактаб концепциялари муаллифлари Г.Шмоллер, М.Вебер, А. Вагнерларнинг илмий қарашларида давлат молияси.
- 3.3. Ж.М. Кейнс илмий қарашларида давлат молиясининг талқини.
- 3.4. Неокейнслик назарияси намоёндаларининг давлат молиясига оид қарашлари.
- 3.5. Замонавий монетаризм назариясида давлат молиясига оид илмий қарашлар.

❖ **Таянч иборалар:** *Молиявий концепция, асосий психологик қонун, ликвидлилик афзалиги, Сэй қонуни, буюк инқироз, Кейнслик, Домар ва Ҳаррод моделлари, Неокейнслик назарияси, циклик баланслаштирилган бюджет, Неоклассик мактаб, Замонавий монетаризм.*

#### **3.1. Мумтоз иқтисод назарияси асосчилари У.Петти, А.Смит, Д.Рикардо, П.Буагилбер кабиларнинг илмий ишларида давлат молияси назарияси.**

Жамиятнинг ривожланишини турли босқичларида марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул фондларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатларни урганувчи молия фани турли даврлардаги иқтисодчи олмларнинг тадқикотлари таъсири остида шаклланиб борди. Улар томонидан яратилган молиявий ғоялар, назариялар жамиятнинг реал эҳтиёжлари билан текширилиб борилди ва воқеликни реал моҳиятини акс этириб бериш имкониятига эга бўлганлиги, жамият ҳамда аҳоли учун аниқ амалий тавсияларга эга бўлишини натижасида молия фан сифатида тан олинди. Шу билан боғлиқ ҳолда молия соҳасида илмий билимларни шакллантирувчи молиявий категорияларнинг(давлат харажатлари, давлат даромадлари, солиқлар, кредит, бюджет....) назарий асосларини ўрганиш зарурдир.

Ҳар кандай давлатларнинг амалга оширадиган молиявий сиёсати ва молиявий қонунчилиги асосида иқтисодчи олимлар томонидан ишлаб чиқилган молиянинг назарий асослари ва концепциялари ётади.

Давлат харажатлари, солиқлар, кредит, бюджетни иқтисодиётга таъсир қилишнинг назарий асосларини замонавий талқинлари дастлаб мумтоз иқтисод назарияси асосчилари У.Петти, А.Смит, Д.Рикардо, П.Буагилбер кабиларнинг илмий ишларида ёритиб берилган.

Молиявий фанларнинг асосчиси, А.Смит ўзининг фундаментал изланиши ҳисобланувчи «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари» деб номланувчи адабиётида давлат молиясининг моҳияти ҳақида алоҳида тушунчаларни берди.

Унинг таъқидлашича «ишлаб чиқарувчи меҳнат-бу капиталга бевосита алмашинувчи меҳнатдир, ноишлаб чиқарувчи меҳнат- даромадга ёки фойда ва иш ҳақига алмашинади»- деб таъқидлайди. Мазкур назарий хulosадан келиб чиккан ҳолда А.Смит молиявий категорияларга (давлатнинг даромадлари ва ҳаражатларига) тавсиф берган. У соликларни воситасида олинган барча давлат даромадлари ноишлаб чиқариш йўналишларида ҳаражат қилинишини исботлади. Шунинг учун ҳам давлат ҳаражатлари капиталлар жамғарилиши ва миллий даромадни ўсиш имкониятларини қисқартиради. А Смит шакллантирилган қийматни ноишлаб чиқариш соҳасига ҳаражат қилишга олиб келувчи давлат ҳаражатларини қисқартириш лозимлигини ва бундай ҳаражатлар ишлаб чиқаришни ривожланишини қисқаришига олиб келади-деган хulosага келди.

Мумтоз иқтисодий назария асосчилари молиявий концепциясининг бош постулати- капиталлар жамғарилиши учун зарурый иқтисодий шарт шароитлар яратилиши лозим

А.Смит Давлат даромадларини шакллантиришнинг соликли усулининг назарий асосларини шакллантириди. Соликка тортиш тамойилларини ишлаб чиқди. Унинг фикрича истемол товарларига эгри соликлар уларнинг нархини ўсишига олиб келади. Натижада ишлаб чиқаришдаги муомала ҳаражатларининг ўсишига ва оқибатда уларни сотишнинг қисқариши ҳамда истеъмолнинг қисқаришига олиб келади<sup>22</sup>.

Шунингдек, Смитнинг солик концепцияси бир мақсадга буйсунади яъни капиталлар жамғарилишини рағбатлантириш ва ишлаб чиқариш ривожлантиришни тезлаштириш масалаларини қамраб олади.

Мумтоз иқтисодчи, Д.Рикардо ҳам меҳнат қиймати назариясидан келиб чиқсан ҳолда ҳар кандай соликлар капиталга ёки даромадга таъсир қилишини таъқидлайди. Агар соликлар капиталдан олинса ишлаб чиқаришни таъминлаш учун мўлжалланган фонд камаяди. Даромаддан солик тўланса, капиталларни жамғарилиши қисқаради ёки солик тўловчининг истеъмоли қисқаришини таъқидлайди<sup>23</sup>.

Мазкур икки иқтисодчининг фикрича, соликقا тортиш ва давлат ҳаражатларининг ўсиши ҳалқ истеъмолининг пасайишига ва охир оқибатда бу ишлаб чиқаришда ўз аксини топишини таъқидлайдилар. Шунинг учун ҳукуматнинг асосий вазифаси капиталлар жамғарилишини рағбатлантириш бўлиши лозимлигини илгари сурдилар.

Мумтоз иқтисодиёт асосчилари давлат молиясига нисбатан иқтисодий сиёсатнинг расмий концепцияларини аниқлайди. 18 ва 19 аср илғор мамлакатларнинг молиявий сиёсати давлатнинг мамлакат хўжалик ҳаётига аралашувини қисқартишини ўзида акс эттиради. Бундай сиёсат ҳозирги кундаги ўтиш даврини бошдан кечираётган Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг молиявий сиёсатини иқтисодни эркинлаштириш жараёнидаги асосий вазифаларига мувофиқ келади.

<sup>22</sup> David N. Hyman Public Finance: A Contemporary Application of Theory to Policy, Tenth Edition, South-Western Cengage Learning Mason, USA, 2011, p.302

<sup>23</sup> Alan J. Auerbach Public Finance in Practice and Theory.-University of California, Berkeley, May 2009, p.152

Инглиз иқтисодчиси Жон Стоард Милл мамлакатдаги ижтимоий зиддиятларни сусайтириш мақсадида даромадларни тақсимлаш соҳасида ўзгартиришни амалга ошириш лозимлиги ҳақидаги таклифни илгари суради. Бойликни тенг тақсимлаш учун оқилона солиқ тизимининг янги тамойилларини ишлаб чиқди ва мазкур иқтисодчи биринчилар каторида даромадни солиқка тортишда солиқка тортилмайдиган минимумни киритиш ғояси илгари сурди ва мазкур минимум яшаш учун зарурий бўлган даромадга тенг булиш кераклигини тақидлайди. Ж.С.Милл «Хизматларнинг солиқ назарияси» ни ишлаб чиқиб унга мувофиқ ҳар қандай одам давлатнинг қўллаб қувватлаши натижасида олган даромадидан бир қисмини солиқ сифатида тулаши лозимлигини таъқидлайди. У солиқларни давлат ҳаражатлари билан мустахкам боғлиқлигини тадқиқ қилди.

Мазкур назарияларни кейинчалик швед иқтисодчилари К. Виксель, В. Э. Линдалъ мазкур назариялари ривожлантирилар. Ҳозирги вактда бу назария америкалик иқтисодчи П. Самуэльсон қарашларини шакланишига таъсир қилди ва унинг фикрича солиқларнинг ўсиши давлат хизматларига эҳтиёжларнинг ўсиши билаг биргаликда бориши зарур деб таъқидлайди.

Кичик товар хўжалигини химоя қилиш бўйича швейцария иқтисодчиси Жак Сисмондининг таъқидлашича ривожланган мамлакатларнинг молиявий сиёсати танқид қилинади. Айникса унинг қарашларида протекционизм сиёсатини салбий оқибатлари ўз аксини топган. Унинг таъқидлашича, бундай сиёсат миллатнинг ривожланиши учун заарли деб ҳисоблайди. Ж.Сисмонди мамлакат иқтисодиетидаги катта рол уйновчи ўсиб борувчи йирик капиталлар мазмунини тўғри баҳолай олмади.

### **3.2. Янги тарихий мактаб концепциялари муаллифлари Г.Шмоллер, М.Вебер, А. Вагнерларнинг илмий қарашларида давлат молияси.**

Янги тарихий мактаб концепциялари Г.Шмоллер, М.Вебер, А. Вагнер ва бошқалар томонидан шакллантирилган. Давлат молияси тадқиқотлари А.Вагнернинг изланишларида қўпроқ мавжуд бўлиб, у давлат ёрдамида капиталлар жамғарилишининг молиявий имкониятларини тадқиқ қилган. Давлат фаолиятининг «маъмурий, ижтимоий, маданий ва инвестицион» кенгайиш йўналиши бўйича М. Вагнер солиқка тортишнинг тўққизта тамойилини ишлаб чиқди ва гурухлади. Уларни 4 та асосий бўлимга гурухлаб чиқкан: етарлилик ва ҳаракатчанлик; объектнинг танлови; умумийлик ва тенглик; аниқлилик ва қулайлик;

Улар маъно жиҳатдан Смитнинг машҳур тамойилларини тўлдиради.

Умуман олганда, янги тарихий мактаб намоёндалари А.Смит томонидан ишлаб чиқилган тамойилларни тўлдирилар. Мумтоз иқтисодчилар назарий қарашларида илгари сурган ҳолда А. Вагнер ҳисоблайдики, молиядан - давлат томонидан мамлакатдаги даромадлар ва бойликларнинг хаққоний тақсимланишига эришиш учун фойдаланиш мумкинлигини таъқидлайди.

### **4.3. Ж.М. Кейнс илмий қарашларида давлат молиясининг талқини.**

ХХ асрнинг биринчи ярмида вужудга келган жаҳон иқтисодий инқирози инглиз иқтисодчиси Ж.М.Кейнс назарияси асосидаги ўзининг самарали ечимиға эга бўлди. Ж.Кейнснинг ижтимоий тақорор ишлаб чиқариш жараёнини давлат томонидан тартибга солиш механизмига бўлган эҳтиёжни қўллаб-қувватловчи назарияси янги молиявий концепцияларни шаклланишига ва молиявий сиёсатни ишлаб чиқишига чукур таъсирини ўтказди. Ж. Кейнс концепциясининг асосида «Самарали талаб»<sup>24</sup> ғояси ётади. Кейнс ўзининг назариясида мамлакат кучли иқтисодий инқироз билан боғлик нобаркарор ривожланиш шароитида давлатнинг аралашувини зарурлигини асослайди. Давлатнинг иқтисодиётга аралашувини асосий инструменти сифатида молиявий категориялардан фойдаланишни, биринчи навбатда давлат ҳаражатларидан фойдаланиш лозимлиги ғоясини илгари суради. Соликлар ва давлат заёмларини ўсиши ҳисобига давлат ҳаражатларининг ўсиши «самарали талаб»га эришишнинг муҳим олими ҳисобланади деб таъкидлайди. Иқтисодчининг таъкидлашича, соликлар ва заёмлар ҳисобига давлат ҳаражатлариниг ўсиши тадбиркорлик фаолиятини жонлантиришга ва миллий даромадни ўсишига, ишсизликни олдини олишга олиб келади деб таъкидлайди. Бу мақсадларга эришиш учун давлат нафақат ўзининг ҳаражатларини кўпайтириш лозим, балки шахсий ва инвестиция истеъмолига таъсир қилиши лозим деб таъкидлайди.

Ж. Кейнс соликларга ва уларни одамларнинг исътеъмолини кўпайтириш иштиёкларига мувофиқ «психологик қонун» асосидаги таъсирига алоҳида аҳамият берган. Давлат бу қонунни салбий оқибатларига карши тадбирлар ишлаб чиқиши ва солик тушумлари, давлат заёмлари ҳисобига давлат ҳаражатларини устириб етишмаётган талабни қоплаши ёки турли усуллар воситасида хусусий инвестицияларни рағбатлантириши лозим<sup>25</sup>. Унинг формуласи куйидагича:

*Жамғармалар + Соликлар = Инвестициялар + Давлат ҳаражатлари;*

Шунингдек, Ж. Кейнс монополиялашган иқтисодиёт шароитида иқтисодиётни тартибга солишга йўналтирилган давлат молиясининг тамойилиал янги бўлган назариясини ишлаб чиқди.

Иқтисодчи, давлат арбоби бўлган Кейнс Итон ва Кэмбридж университетларида иқтисодиёт ва математикадан таълим олди, А.Маршалл қўлида ўси (1902-1906, 1909-1915 йилларда ўқитувчилик қилди, 1920 йилдан Кэмбридж университетида профессор, 1913-46 йилларда иқтисодий журнал мухаррири бўлиб ишлади. 1909 йил «Индекс услуби» иқтисодий мақоласи, 1913 йилда унинг биринчи асари — «Пул муомаласи ва Ҳиндистон молияси» китоби чоп этилди. 1919 йилда «Версал тинчлик шартномасининг иқтисодий оқибатлари» нашр этилиши билан у иқтисодчи сифатида қўпчиликка танилди. Бу асарида у шартномага нисбатан бир қанча танқидий фикрлар билдирган эди. Кейнс 20-30-

<sup>24</sup> Keynes, John Maynard. 1936. *The General Theory of Employment, Interest, and Money*. New York: Harcourt Press.

<sup>25</sup> David N. Hyman Public Finance: A Contemporary Application of Theory to Policy, Tenth Edition, South-Western Cengage Learning Mason, USA, 2011, p.153

йилларда иқтисодиётга оид бир нечта китоблар ёзди («Эҳтимоллик тўғрисидаги рисола» (1921), «Пул ислоҳоти тўғрисида рисола» (1923), «Мистер Черчелнинг иқтисодий оқибатлари» (1925), «Эркин тадбиркорликнинг ихтироси» (1926), «Пул тўғрисидаги рисола» (1930) ва бошқалар), аммо унга машҳурлик келтирган бош асари - «Иш билан бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси» (1936) китобидир. 1940 йилда «Уруш ҳаражатларини қандай қоплаш мумкин» деган китоби ҳам нашр этилди. Бу асарлардаги бош масала капитализмни оқлаш, унинг инқирозларсиз ривожини таъминлашнинг абадийлигини исботлашга уринишdir. Унинг яратган назарияси иқтисодиёт таълимотлари тарихида алоҳида ўрин эгаллайди ва бу ўзига хос инқилоб бўлиб, ҳозирги даврда ҳам аҳамиятлидир. Кейнс асосий асарининг бошидаёқ классик мактабга қарши эканлигини баён этди.

Кейнс таълимотининг асосий ва янги ғояси шуки, бозор иқтисодий муносабатлари тизими мукаммал ва ўз-ўзини автоматик равишда тартибга сола олмайди. Шу сабабли максимал даражада бандликни ва иқтисодий ўсишни фақат давлатнинг иқтисодиётга фаол аралашуви таъминлай олади. Бу иш давридаги амалий иқтисодиётдаги аниқ аҳвол билан чамбарчас боғлиқ эди. Етакчи олимларнинг таъқидлашича (Ж.К.Гэлбрейт, М.Блауг), фирмалар, монополия ва олигополиялар фаолиятидаги тенгсизликка нисбатан кичик доираадаги одамларнинг фаолияти билан боғлиқ, бу тенгсизлик тамойилда давлатнинг аралашуви билан тўзатилиши мумкин эди. Аслида у иқтисодчи, Маршаллнинг — Кэмбридж мактабининг давомчиси, аммо ёндашув бошқача. Асосий назарий муаммолар қиймат, капитал, иш ҳаки ва бошқалар бўйича асосланади. Қийматнинг меҳнат назариясини, қўшимча қийматни инкор этади, уни ишлаб чиқариш омиллари концепцияси билан алмаштиради. Кейнс капитализм бозор иқтисодиёти иллатларини тўғрилаш учун давлатнинг иқтисодиётга фаол аралашуви тарафдори бўлиб чиқди. Ваҳоланки, аввалги оимлар (классик мактаб) буни инкор этганлар ва инқирозни тасодифий воқеа деб ҳисоблаганлар. Аввалги тадқиқотчилардан фарқли равишда «самарали талаб»ни, яъни истеъмол ва жамғаришни биринchi ўринга қўяди. Юқорида қараб чиқилган иқтисодий таълимотлардан бири — меркантилизимда давлатнинг иқтисодиёт (сиёsat)га аралашуви талаб этилади, протекционизм иқтисодий сиёсати шуни талаб этади. Ж.М.Кейнс у яратган концепцияга меркантилистларнинг таъсирини инкор этмайди. Иккала таълимотдаги умумий ғоялар қўйидагилардан иборат:

Мамлакатда пул масаласини кўпайтириш учун интилиш (пулнинг қадрини бироз пасайтириш) ва шунга мувофиқ ссуда фоизини камайтириш ва ишлаб чиқаришга инвестицияларни қўйишни рағбатлантириш воситаси сифатида, баҳо (нарх-наво)лар ошувини қўллаш (савдо ва ишлаб чиқаришни рағбатлантириш усули сифатида), пулнинг етишмаслиги иш-сизлик сабаби деб тан олинади ҳамда иқтисодий сиёсатнинг миллий (давлат) хусусиятига эга эканлиги тушунилади. У тадқиқотнинг макроиқтисодий услубини, яъни макроиқтисодий кўрсаткичлар бўлган миллий даромад ва жамғармалар ўртасидаги боғланиш ҳамда нисбатларни тадқиқ қилиш ғоясини илгари сурди. Бу тадқиқот усули ўз даврида физиократлар (Ф.Кенэ, А.Тюрго) К.Маркс томонидан қўлланилган Кейнсгача микроиқтисодий ёндашув, ("яъни алоҳида хўжалик обьектлари бўлган фирмалар иқтисодиётини таҳлил этиш расм бўлган эди. Фирманинг ривожи миллат мам-лакат равнақи билан

бир деб қаралар эди. Асосий эътибор умумий иқтисодиётга эмас, балки фирмага қаратилган эди. Кейнс таълимоти иқтисодий сиёsat билан чамбарчас боклиқдир. Агар Маркс капиталистик тизимнинг емирилишини башорат қилган бўлса, Кейнс капитализм муҳандиси сифатида уни таъмирлаш йўлини аниқлаб берди. Давлат томонидан рағбатлантирадиган талаб «самарали талаб» концепцияси илгари сурилади.

Капитализмнинг бош иллатлари бу ишсизлик ва инқирозлардир, Кейнс буларнинг сабабларини соҳибкорлар психологиясидан топишга интилади. Инқирозлар капиталистнинг кайфиятига қараб рўй беради, яъни оптимизмдан пессимизмга ўтганда бўлади. Асосий эътибор «истеъмолга мойиллик» ва «жамғаришга мойиллик»ка қаратилади.

Кейнснинг умумий бандлик назарияси қўйидагиларга асосланади:

Иш билан бандлик ортиши туфайли миллий даромад ва истеъмол ортади, аммо истеъмол даромадга нисбатан секинроқ ортади, чунки даромад ортиши билан «жамғаришга интилиш» кучаяди. Унингча, асосий психологик қонун шундан иборатки, одамлар одатда даромадлар ортиши билан истеъмолни ҳам ўстиради, аммо бу ўсиш даромадлар даражасида бўлмайди. Оқибатда даромадлар ўсиши билан жамғариш ортади ва истеъмол нисбати камайиб боради. Охирида эса «самарали талаб» камаяди, талаб шундай йўл билан ишлаб чиқариш ҳажмларига ва бандлик даражасига таъсир этади. •

Истеъмол талабининг етарлича ўсмаслиги янги инвести-цияларга ҳаражатларнинг ошуви йўли билан қопланиши, яъни ишлаб чиқариш истеъмолининг ишлаб чиқариш воситаларига қараб ошуви йўли билан қопланиши мумкин. Шу сабабли ин-вестицияларнинг умумий ҳажми бандлик ҳажмини белгилашда ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Кейнснинг фикри бўйича инвестициялар ҳажми инвестицияларга бўлган интилишга боғлиқ.

Кийинчилик шундаки, капиталнинг рентабеллиги пасаяди, фоиз даражаси эса мўътадил бўлади. Бу ҳолат янги инвестициялар учун имкониятни пасайтиради, демак, бандлик ўсиши ҳам камаяди. Капитал «энг юқори самарадорлиги»нинг пасайиши капитал массасининг ўсиши, шунингдек, капиталист-тадбиркорларнинг бўлажак даромадларига ишончсизликка «мойиллиги» билан тушунтирилади. Кейнс таълимоти бўйича бандликнинг умумий ҳажми уч омилга — «истеъмолга мойиллик», «энг юқори самарадорлик» ва фоиз меъёрига боғлиқ.

Кейнс очган «асосий психологик қонун» унингча, исталган жамият учун қўлланилиши мумкин ва истеъмол талабининг камомади асрий тенденцияга эга ҳамда барча учун ягона истеъмол қонуни мавжуддир.

«Капиталнинг энг юқори самарадорлиги», қўшимча капитал бирлиги томонидан вужудга келтириладиган бўлажак фойданинг шу бирликка кетган ишлаб чиқариш чиқимларига нисбатидир. Кейнснинг фикрича, даромад, фойда келтирадиган нарсалар капитал хисобланади (бошқа омилларда ҳам шундай). Унингча, капитал ноёблиги, яъни чекланганлиги туфайли фойда келтиради. Капиталнинг кўпайиши борасида унинг самарадорлиги ёки фойдалилиги камайиб боради. Илмий-техника тараққиёти шароитида ва капиталнинг тез жамланиши туфайли бир авлод умри давомида «капиталнинг энг юқори самарадорлиги» нолга тенглашилиши мумкин, дейди у. Капиталнинг самарадорлиги психологик омилларга

боғлиқ экан, энди капиталистнинг ўз корхонасининг келажагига берадиган баҳоси унинг кайфиятига қараб ўзгаради.

Кейнс фоизга алоҳида эътибор беради, уни пул қарзи учун берилган ҳақ деб ҳисоблайди. Фоиз унингча, муомаладаги пул миқдорига ва «ликвидлилик афзаллиги»га боғлиқ (ликвидлилик - пулга тез айланана олиш, қадрлилик демакдир). Унинг миқдори «ликвидлилик афзаллиги»га тўғри ва муомаладаги пул миқдорига тескари пропорционалдир.

Кейнснинг фикрича, фоиз меъёри маълум даврга ликвидли-лиқдан, яъни бойликнинг ликвид, пул шаклидан воз кечиши ҳисобига бериладиган мукофотдир. Бойликнинг пул шакли энг ҳаракатчан ва қулайдир, шу сабабли капиталист доим ўз бойли-гини пул шаклида сақлашга ва ундан ажралмасликка интилади. Мана шу ният, мана шу иштиёқ Кейнс томонидан «ликвидлилик афзаллиги» деб аталади. Бу капиталист ликвид шаклда сақламоқчи бўлган ресурсларнинг миқдори билан ўлчанади.

Кейнснинг умумий назариясида инвестицияларнинг умумий бандлик ҳажмини аниқлашдаги асосий роли тўғрисидаги тезис муҳимдир. Улар истеъмол талабининг етарли эмаслигини тўлдириши (компенсациялаш) керак. Бунда ишлаб чиқаришни кенгайтириш масаласи истеъмол талаби ошувидан алоҳида қаралади. Инвестицияларнинг кўпайиши ишлаб чиқаришга қўшимча ишчиларни жалб этишга олиб келади, бу эса бандлик, миллий даромад ва истеъмол ўсувини таъминлайди. Янги инвестициялар туфайли бандликнинг дастлабки ўсуви яна қўшимча бандликни вужудга келтиради, чунки қўшимча ишчи-ларнинг талабини қондириш зарурати туғилади. Қўшимча бандликнинг ўсиш коэффициентини Кейнс мультипликатор деб атайди, у бир томондан инвестициялар ўсиши, иккинчи томондан бандлик ва даромадларнинг ўсиши ўртасидаги нисбатни кўрсатади. Мультипликаторнинг формуласи

$$KY_w = KJ_w'$$

бунда,

$K$  - мультипликатор коэффициенти,

$Y_w$  — даромад ўсиши;

$J_w$  — инвестиция ўсиши.

Мультипликатор «истеъмолга энг юқори мойиллик» билан боғлиқ, чунки у истеъмолга кетган сарфлар ўсишининг даромадлар ўсишига нисбатини билдиради. «Истеъмолга энг юқори мойиллик» қанча юқори бўлса, мультипликатор ҳам шунчалик катта ва демакки, бандлик яхши бўлади. Кейнс бир қанча ҳисоб-китобларга асосланиб, АҚШнинг мультипликаторини аниқлади, у 2,5.га тенг экан. Бу даромадлар ўсиши инвестициялар ортишидан 2,5 марта ортиқ, дегани, яъни 1 доллар инвестиция 2,5 доллар даромад келтиради. Олим ўзининг иқтисодий дастурини илгари суради. Унга кўра Кейнс капиталистик жамиятда ишсизлик ва инқирозларнинг муқаррарлигини тан олмайди. Аммо капиталистик тизим механизми бу воқеаларни автоматик равишда ҳал этиш имкониятига эга эмас. Ҳозирги даврда шахсий ташаббус асосида ечиладиган масалаларни марказлашган назорат асосида ҳал қилиш ҳаётини заруриятга айланмоқда. Бунда давлат солик тизими, фоиз меъёрини қисман чеклаш, яъни бошқа йўллар билан истеъмолга мойилликни оширишга ёрдам бериши керак, дейди у.

Ҳозирги давр тили билан айтганда, Кейнснинг фикрича, бозор иқтисодиётида талаб ва таклиф автоматик тарзда мувозанатга келмайди. Ўз даврида Ж.Б.Сэй ва биз юқорида кўриб чиқсан бошқа олимлар бу масалада ягона фикрда бўлиб, ҳар қандай таклиф ўз-ўзидан талабни яратади («Бозор қонунлари») деган эдилар. Кейнс «Сэй қонуни»га қарши чиқади, уни тўғри танқид остига олади.

Хусусий инвестицияларни рағбатлантириш учун фоиз норма-сини тартибга солиш таклиф этилади. Унингча, давлат муомаладаги пул миқдорини ошириш йўли билан фоиз даражасини тартибга солиш имкониятига эга. Муомаладаги пул миқдорини ошириш амалда инфляция (пулнинг қадрсизланиши)ни кўллаш демакдир, аммо бунда ссуда фоизи камаяди ва пул ишлаб чиқаришга қўйиш учун рағбатлантирилади.

Тўла бандликни таъминлаш учун фақат инвестицияларнинг эмас, балки миллий даромадни ҳам тартибга солиш таклиф этилади. Буни ҳал қилиш воситаси сифатида солиқларга мурожаат қилиш керак дейилади. Аҳолининг «жамғармалари»ни муомалага киритиш мақсадида солиқларни ошириш талаб этилади ва бу омонатлар давлат инвестицияларини ошириш учун фойдаланилиши мумкин дейилади. Шу вақтнинг ўзида бой-ларнинг солирини оширишга қаршилик қилинади. Кейнс ўз таклифини куйидагича тушунтиради: Мехнаткашларнинг солиқларини оширишдан мақсад — уларнинг «жамғармалари»ни камайтириш ва истеъмолини рағбатлантиришdir. Ҳақиқий иш ҳақини пасайтириш учун инфляция асосида нарх-навони ошириш йўли тавсия этилади. Реал иш ҳақини пасайтирмасдан тўлиқ бандликни таъминлаш мумкин эмас, деган фикр ишчиларга уқтирилади. Даромадлиликнинг пасайиб бориши туфайли бандликнинг бирмунча ортиши илгари банд бўлғанларнинг реал даромадлари қисқариши билан боғлиқ. Кейнс ишчиларга мурожаат қилиб, иш ҳақини ошириш учун кўрашиш керак эмас, дейди, чунки бу жами ҳақиқий иш ҳақининг ишчиларнинг турли гурухлари ўртасида қайта тақсимланишига олиб келади, унинг ўртача миқдори эса ўзгармайди. У иш ҳақини «ўзгартирмаслик» сиёсатини ўтказиш ва шу йўл билан нарх-наво ўсиши сабабли иш ҳақини ошириш талабларини йўққа чиқаришни таклиф этади. Унингча, ишчилар ҳақиқий иш ҳақининг пасайишига чидашлари керак, чунки шу йўл билан ишсизликнинг олди олинади. Капиталистларга эса ҳақиқий иш ҳақини пасайтиришнинг аҳамияти тушунтирилади. Кейнс бундан ташқари номинал иш ҳақини пасайтиришга ҳам қарши эмас эди.

Ишсизлик ва инқирозларга қарши кўраш баҳонасида унумсиз истеъмолнинг барча кўринишлари турли йўллар билан реклама қилинади. Иқтисодиётни ҳарбийлаштириш билан бирга хукмрон синфларнинг истеъмолини ошириш ана ҳундай йўллар гуруҳига киритилади.

Кейнсни ҳозирги даврда ҳаммага яхши таниш ибора бўлган «аралаш иқтисодиётнинг отаси дейиш мумкин, бу иқтисодиётда ҳукумат ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Соф иқтисодиёт деярли ҳеч қайси давлатда йўқ. Кейнснинг иқтисодий ғоялари биринчи навбатда «буюк инқироз» таъсири остида пайдо бўлди. 1929-1933 йиллардаги бу буюк инқироз Американи ларзага келтирди, ишлаб чиқариш ярмига (50%)га қисқарди, 17 млн одам ишсиз эди (25%), 9 млн омонатчи куйиб қолди. Ана шундай шароитда иқтисодиётни қутқаришнинг мухим йўли — ҳукумат ҳаражатлари эканлиги кўрсатиб берилди. Кейнс ўзининг асосий

асарининг биринчи сатрларидан бошлабоқ «классик иқтисодий мактабга қарши» эканлигини ёзди (айниқса давлатнинг иқтисодиётга аралашуви масаласида турли фикрлар мавжуд) .

Кейнс яратган сифат жиҳатидан янги таълимотда ўша даврда аосан шахсий хусусий ташаббусга берилган масалаларни назорат қилиш учун марказлашган назоратни яратишни ҳаётй зарурат эканлиги кўрсатилади. Давлат истеъмолга мойилликни ошириш учун, қисман, мазкур солиқлар тизими орқали, қисман фоиз нормасини белгилаш ва бошқа мумкин бўлган усуслар ёрдамида ўз раҳбарлик таъсирини ўтказиши керак бўлади. Чунки мавжуд система (тизим) энг муҳими ҳозирда ишлаётганлар меҳнатини тақсимлашда эмас, балки бандлик ҳажмини аниқлашда яроқсиз бўлиб қолди, деб ёзди Кейнс.

Ишлаб чиқариш омиллари (капитал, меҳнат, ер) қанчалик тўла жалб этилса, амалда ўсиб борувчи баҳоларга эга бўламиз (пулнинг миқдорий назарияси). Ресурслар тўлиқ фойдаланилмаган пайдо баҳоларнинг мўътадиллиги сақланиш мумкин.

Кейнс назарияси бўйича массасини 2 марта ошириш баҳоларнинг 2 марта ошувига олиб келмайди. Етакчи иқтисодчилар фикрича, «Кейнсча инқилоб ҳақиқатда рўй берган».

**Франциядаги кейнсчилик хусусиятлари.** XX асрнинг 40-йиллари Кейнс ғоялари Францияда ҳам шухрат қозонди. Кейнс ғояларини тўлалигича {Г.Ардан, П.Мендес-Франс) қабул қилганлар ҳам бўлди. Баъзилари (Ф.Перру) ссуда фоизини тартибга солишини самарасиз деб ҳисобладилар, бундан кўра иқтисодиётни режалаштириш таклиф этилди. Бунда давлат нули билан тартибга солишини монополистик капиталнинг хусусий манфаатларига мослаштириш керак дейилади. Францўз олимлари императив ва индикатив режалаштиришни ажратишиди. Императив режалар директив хусусиятга эга (социалистик режалаштириш). Индикатив режапаштиришда режа маркази асосий мақсадларни белгилайди ва турли услублар билан тадбиркорларни маълум ҳатти-ҳаракатларга йўналтиради. Улар факат давлат секторидаги корхоналар учун зарурий ҳисобланади (Хиндистон, Малайзия ва бошқа бир қанча капиталистик мамлакатларда шу усул қўлланилади). Узок муддатли прогнозлар ва режалар тўзиш кенг қўлланилмокда.

Кейнс услуби капитализмдаги иқтисодий инқирозларнинг олдини олишга қаратилган эди, аммо II Жаҳон урушидан кейин АҚШ ва бошқа мамлакатларда бу инқирозлар давом этмоқда. 1948-1949, 1953-1954, 1957-1958, 1960-1961, 1967, 1969-1971, 1974-1975 ва 1981-1982 йиллардаги ҳамда бошқа инқирозлар бу фикримизнинг далилидир.

Булар Кейнс таълимотини танқид қилиш учун асос бўлди. Масалан, С.Ҳарриснинг фикрича, Кейнс барча қийинчиликларни ҳисобга ола олмаган, масалан, тўла бандликка эришиш ҳақида ган боради-ю, қандай қилиб уни доимо таъминлаш ҳақида таклиф йўқ, инфляциянинг энг катта даражаси ноаниқ, давлат қарзларининг чегараси ҳам берилмаган.

Хозирги давр кейнсчилигига иккита тенденция хукмон олиб ҳисобланади:

1) АҚШнинг бир қатор иқтисодчилари номи билан боғлиқ америка кейнсчилари

2) аввало Францўз тадқиқотчилари номи билан боғлиқ Европа кейнсчилари.

**Кейнсчиликнинг АҚШдаги хусусиятлари. Иқтисодий ўсиш назариялари.** 50-йилларда кейнсчилик ғоялари ривожлантирилиб, янги ғоялар илгар сурилди. Уларнинг асосий моҳияти иқтисодий ўсиш суръатлари доимлигини таъминловчи механизмларни аниқлаш ва исботлашдан иборатdir. Оқибатда «мультипликатор-акселератор» тизимини ҳисоблашга асосланган ва ўзига хос кейнсчиликнинг ўсиш назариялари, жамғариш ҳамда истеъмол ўртасидаги ўзаро боғланиш характеристикаларидан фойдаланиб иқтисодий динамикани моделлаштириш юзага келди.

Юқорида тилга олинган иқтисодий ўсиш назарияларининг асосий намоёндалари Массачусет технология институти профессор Евсей Домар (1914) ва Оксфорд университети профессори Роберт Ҳаррод (1890-1978) ҳисобланади. Уларнинг назарияси (модели) иқтисодиётнинг доим (муътадил) суръатларда ўсиши динамик барқарорлик (илгарила бориш)нинг асосий шарти сифатида мақсадга мувофиқ эканлигининг умумий хulosаларини бирлаштиради. Уларнинг фикрича, шундагина ишлаб чиқариш кувватлари ва меҳнат ресурсларидан тўла фойдаланишга эришиш мумкин. Ҳаррод Домар моделининг бошқа бир қоидаси бўйича айрим параметрлар, чунончи даромадлардаги жамғарма ҳиссаси ва капитал қўйилмаларнинг ўртача самарадорлиги узоқ давр мобайнида доим деб тан олиниши ҳисобланади. Муаллифлар динамик барқарорлик ва доимий ўсишга эришиш автоматик равишда бўлмаслиги, балки давлатнинг шунга мувофиқ сиёсати натижасида, яъни давлатнинг иқтисодиётга фаол иштироки туфайли рўй бериш мумкинлигини таъкидлайдилар.

Домар ва Ҳаррод моделларидаги фарқ-бошланғич позициялардаги айрим кўрсаткичлардир. Масалан, Ҳаррод моделида инвестиция ва жамғармалар тенглиги ғояси, Домарда эса пул даромадлари (талаб) ва ишлаб чиқариш кувватлари (таклиф) тенг деб қабул қилинади. Иккала олим шунга ишончлари комилки, даромад ўсишини таъминлашда инвестициялар роли, ишлаб чиқариш кувватларининг оширилиши фаолdir, бунда шу нарса кўғда тўтиладики, ўсиш бандликка ёрдам беради, бу эса ўз йўлида, корхоналарнинг яrim кувват билан ишлаши ва ишсизликнинг олдини олади. Бу Кейнснинг шу соҳадаги концепциясини сўзсиз тан олишdir, чунки Кейнс бўйича, иқтисодий жараёнлар инвестиция ва жамғармалар орасидаги пропорциялар хусусияти ҳамда динамикасига боғлиқ аниқроқ айтилса, инвестицияларнинг илдам ўсиши, баҳолар даражаси ўсишига сабаб бўлади, жамғармалар ўсиши эса корхоналарнинг тўла ишламаслиги ва ишсизликнинг сабабидир.

**Кейнс ғояларининг ҳозирги даврдаги аҳамияти.** Шуни аниқ қилиб айтиш керакки, Кейнс таълимоти инқирозлар, урушлар ва урушдан кейинга даврлар учун самарали бўлди, чунки фавқулотда ҳолатлар даврида давлатнинг роли кучли бўлиши керак. Амалда эса айникиса, 2-жарҳи урушидан сунг Фарб мамлакатларини социалистик орентацияси кучайди (давлат мулки ошиб борди), давлат бюджета к.арзлари кўпайиб, ишсизлик ҳам ўсган, инфляция кучли. Бу ижтимоий ишларни кўпайтиришга каратилган тадбирлар оқибатидир деб тан олимокда. Ишсизликнинг иш х.ак.ини пасайтириш йўли билан этиш тарафдорлари ҳам мавжуд, аммо пул массасини кўпайтириш (инфляцияга олиб келади), яъни эмиссия йўли

күпчиликка осон куринади. Бу концепция маълум давр мобайнида инфляция булмаган ҳолда мине-мал ишсизлик даражасини исботлашга имкон беради.

### **3.4. Неокейнсчилик назарияси намоёндаларининг давлат молиясига оид қарашлари.**

Неоклассик мактабнинг ривожланишига карамасдан кейнсчилик таълимоти янги иқтисодий шароитларга мос ҳолда ривожланиб бормокда. 1970 йиллардан посткейнсчилик йўналиши шаклландики уларнинг намоёндалари Н.Калдор, Г.Шэкл, Х.Минский ва бошқалардир. Посткейнсчилик назариясининг асосида молиявий механизм воситасида давлатнинг иқтисодиётга аралашувини кенгайтириш ғояси ётади. Молиявий сиёsat бош аҳамиятга эга бўлиши лозимлигини таъкидлайдилар ва монополия фаолиятини чеклашга, мудофаа ҳаражатларини қисқартиришга йўналтирилган бўлиши лозимлигини таъкидлайдилар. «Даромадлар сиёсати»га нисбатан улар ижтимоий масалаларни хал қилишга каратилиши лозимлигини эътироф этадилар. Н.Кальдорнинг солиқка тортиш тизимини соддалаштириш ғояси катор мамлакатлар солиқ тизимида қўлланилмоқда.

Кўп давлатлар иқтисодиётини денационализация қилиш кучайди (нодавлат шаклларига ўтилди). Бунинг оқибатида Буюк Британия (Тетчеризм), Франция, Япония, Чили (Пиночет), Испания ва бошқа мамлакатларда давлатнинг иқтисодиётга аралашуви минималлаштирилди ва иқтисодий аҳвол яхшиланди.

Кейнснинг издошлари 60-йилларда унинг назариясига кушимча динамик элемент ҳисобланувчи, «иқтисодий ўсиш назарияси»га асос солдилар. Неокейнсчилик назарияси деб номланувчи мазкур йўналишда кўпгина мамлакатларнинг иқтисодчилари (АҚШда- А. Хансен, С.Харрис, Буюк Британияда- Р.Харрод, А. Илерсик, Францияда- Ф.Перру) томонидан ишлаб чиқилган молиявий концепция муҳим урин эгаллади. Улар фискал антициклик назария ғоясини шакллантиришни охирига етказдилар. Унинг моҳияти давлат даромадлари ва ҳаражатларини баланслаштирилган иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида ўзгартиришни кўзда тутади. Улар «самарали талаб»га эришиш усули сифатида «камомадли молиялаштириш» ғоясида каттиқ туриб олдилар. Мазкур назариянинг шаклланиши аксарият давлатлар томонидан вужудга келувчи бюджет камомадини объектив хол сифатида тан олинишини англатди. Ҳар қандай соглом иқтисодиётга эга бўлган мамлакатда ҳам маълум чегараларда бюджет камомади мавжуд бўлиши иқтисодиётни касаллагини англатмаслигини исботладилар. Улар давлат карзларини ўсишини ҳисобга олмаган ҳолда йирик давлат ҳаражатларининг заруратларини исботладилар. Бирок, сурункали ҳарактердаги йирик бюджет камомади, Стокгольм мактаби деб номланувчи (Э. Линдаль, Г.Мюрал ва бошқалар) иқтисодчи олимларнинг бюджет муаммосини ечишга каратилган янги ғоя учун мажбур қилди. Бу мактаб "Циклик баланслаштирилган бюджет" яъни даромад ва ҳаражатларни иқтисодий цикларга мослаштириш назариясини илгари сурдилар.

Неокейнсчиларнинг асосий талблари мамлакат иқтисодиётини тартибга солиш ва рағбатлантириш учун давлат бюджетидан фаол фойдаланиш лозим деб ҳисоблайдилар.

Аммо шуни таъқидлаш жоизки, 70-80 йиллардаги иқтисодий инкиroz сабабларини Кейнс ва унинг издошларини назариялари хал қилиш имкониятларига эга эмас эди.

50 йиллардан сунг Неокейнсчилик назарияси билан биргаликда неоклассик назария жонландинг ғояларида эркин тадбиркорлик ва давлатнинг иқтисодни тартибга солишини чеклаш ғоялари ётар эди. Неоклассик мактаб назариячилари (Р.Слоу, Ж.Кенриқ, А.Роббинс, Ж.Мид) давлатнинг иқтисодга аралашув тамойилида қолиши билан бирга таълим ва фанга ҳаражатлар структурасини сақлаш йўли билан бир вактнинг ўзида давлат ҳаражатларини умумий хажмини камайтириш ғоясини илгари сурдилар. Бунда улар «Инсон капиталига инвестициялар»га алоҳида аҳамият берганлар. Бир вактнинг ўзида солик даражаларини қисқартиришни камомадсиз бюджетни таъминлаш талаби билан таклиф қилдилар.

Америкалик иқтисодчи А.Лаффернинг солиқ концепцияси неоклассиклар орасида кенг танилди. Бунда юқори солиқ ставкалари иқтисодий ўсиш суръатларини чеклашини график модел асосида исботлади. Мазкур иқтисодчи томонидан солиқка тортиш бўйича тавсиялар ҳозирги шароитдаги аксарият мамлакатлар солиқ тизимида кенг қўлланилади.

### **3.5. Замонавий монетаризм назариясида давлат молиясига оид илмий қарашлар.**

Давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг замонавий неоклассик ғоялари пул сиёсатининг устуворлигидан келиб чикади. Замонавий монетаризмнинг энг йирик намоёндаларидан бири Нобель мукофотининг лауреати М.Фридмен ҳисобланади. Унинг назариясига мувофиқ давлатнинг аралашуви пул соҳсида чекланган бўлиши лозим деб таъкилайди. Монетар сиёсат эса иқтисодий фаоллик учун кулай шарт шароит яратади деб таъкилайди. Фридменнинг фикрича, американаги инфляциянинг асосий сабаби кейнсчиларнинг экспансионистик молиявий ва пул сиёсати деб ҳисоблайди. У ҳисоблайдики АҚШда муомаладаги пул массасининг ўсиши З сабаб билан белгиланган: ҳукумат ҳаражатларининг тез ўсиши, тўлиқ бандлик сиёсатини амалга ошириш, Федерал заҳира тизимини хато пул кредит сиёсати. Унинг фикрича пул сиёсати унга нисбатан талаб ва таклиф мувофиқлигини таъминлашга йўналтирилган бўлиши лозим. Умуман Фридменнинг назарияси иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш механизмларини сусайтириш ғоясини илгари суради.

М. Фридмен концепциясини тасаввур қилиш учун, унинг тарафдорлари у ёки бу даражада қўллаб-қувватлаган асосий қоидаларни қўриб чикамиц.

Биринчи қоида - бозор хўжалигининг барқарорлигини тан олиш. Монетаристлар фикрича, бозор иқтисодиёти ўзининг ички хусусиятига кўра барқарорликка, ўзини ўзи тартиблашга интилади. Бозор ракобати тизими мустаҳкам барқарорликни таъминлайди. Мабодо мувозанат бўзилса баҳолар уни тўзатишнинг бош воситаси бўлиб хизмат қиласи. Номутоносибликларнинг вужудга келиши одатда ички сабабалар натижасида эмас, балки ташқаридан бўладиган аралашувлар, давлат тартиблашидаги хаталар натижаси ҳисобланади.

Бозор хўжалигининг барқарорлиги тўғрисидаги ушбу қоида Ж.М.Кейнснинг иқтисодиётига давлат аралашувининг зарурлиги тўғрисидаги тасдиғига қарши қаратилгандир.

Иккинчи қоида - пул омилиниң муҳимлиги. Иқтисодиётга таъсир кўрсатувчи турли дастаклар ичида пул дастаклари устун қўйилади. Айнан улар (маъмурий, баҳо услублари эмас, солиқ тизими эмас) иқтисодиётни аъло даражада баркарорлаштиришга кодир.

Агар Ж.М.Кейнс бюджет сиёсатини анча аниқ, тезкор ва натижасини олдиндан билиш мумкин бўлган дастаклар сифатида баҳолаган бўлса, М.Фридмен ундан фаркли равишда, пул-кредит сиёсатини, ана шундай тавсифлайди. Унингча, (Кейнсга қараганда), пул—кредит сиёсати иқтисодий фаолликни анча кучайтиради. У пулни ишлаб чиқариш, иш билан бандлик ва баҳоларни аниқлашда ягона бош омил сифатида карайди.

Пул — бу маҳсус товар; пулнинг асосий хусусияти уининг ликвидлигига. Пулни хоҳлаган пайтда алмаштириш, унга ҳар қандай товарни сотиб олиш мумкин. Пул маҳсус функцияни амалга оширади, тартиблаш, баркарорлаштириш ролини бажаришга кодир. У иқтисодиётга пулни ишлаб чиқарувчи ва молия сиёсатини шакллантирувчи банк тизими, институционал тўзилмалар орқали таъсир кўрсатади. Пул баҳога, истъемолга бўлган талабга, ҳаражатлар даражасига, ишлаб чиқдриш ҳажмига ва тўзилишига таъсир кўрсатади. М. Фридмен пул ҳаракати (пул массасининг ўсиш суръати) ва ялпи ички маҳсулот ўртасида ўзаро чамбарчас боғлиқлик амал қилишига асосланади. Пул массасининг ўсиш суръатининг тезлашуви ёки секинлашуви фаол иш юритишида, ишлаб чиқаришнинг цикли тебранишида акс этилади.

Учинчи қоида - тартиблаш жорий вазифаларга эмас, балки узок, муддатли вазифаларга мулжаланган бўлиши керак. Гап шундаки, пул массасидаги ўзгаришлар натижаси асосий иқтисодий параметрларда бирдан акс эттирилмайди, балки бироз вақтдан кейин таъсири бошланади. Одатда лаг (вактинча ўзилиш) бир неча ойни ташкил этади. У шу нарсани билдирадики, пул массасидаги ўзгаришлар ялпи ички маҳсулотга бирдан эмас, балки бир оз вақтдан (ойдан) кейин таъсир кўрсатади. Шунинг учун пул сиёсати жорий тартибдаги самарага ва қисқа муддатли ўзгаришларга мулжалланган булмай, балки ўзок муддатли ҳарактерга эга.

### **Назорат саволлари:**

1. Мумтоз иқтисод назарияси асосчилари У.Петти, А.Смит, Д.Рикардо, П.Буагилбер кабиларнинг илмий ишларида давлат молияси назарияси хусусиятларини тушунтиринг.
2. Янги тарихий мактаб концепциялари муаллифлари Г.Шмоллер, М.Вебер, А. Вагнерларнинг илмий қарашларида давлат молияси қандай изохланган?
3. Ж.М. Кейнс назариясида давлат молиясининг талқини нималардан иборат?
4. Замонавий монетаризм назариясида давлат молиясига оид илмий қарашларни изохланг.

## **Фойдаланилган адабиётлар:**

### **Махсус адабиётлар**

1. David N. Hyman *Public Finance: A Contemporary Application of Theory to Policy*, Tenth Edition, 2011 South-Western Cengage Learning Mason, OH, USA
2. Brunori, David, *Local Tax Policy*, 2nd edition, Washington, D.C.: The Urban Institute Press, 2007. A discussion of local government revenue systems in the United States within the context of the problems faced by these governments and the federal system.
3. Brunori, David. *State Tax Policy*. Washington, D.C.: The Urban Institute Press, 2001. An analysis of state tax systems within the context of a federal system where the central government is shifting more responsibility to the states.

### **Интернет сайtlари**

- 1.<http://www.nasbo.org>
- 2.<http://www.ntanet.org>

## **4-мавзу: Замонавий шароитларда давлат молияси ва унинг долзарб муаммолари**

---

**Режа:**

- 4.1. Глобаллашув жараёнларида молия тизимининг долзарб муаммолари.**
- 4.2. Ривожланган мамлакатлар давлат молияси тизимидағи долзарб муаммолар.**
- 4.3. Европа молиявий-иктисодий инқирози: сабаблари, оқибати ва истиқболдаги вазият.**

❖ **Таянч иборалар:** *Архитектура, хусусий сектор, халқаро савдо, дисбаланс, тизимлашган секюритизация, давлат қарзи, Европа иқттифоқи, евроҳудуд, Барқарорлик Пакти, Бюджет пакти, Федерализм, молиявий “маҳсулот”лар.*

### **4.1. Глобаллашув жараёнларида молия тизимининг долзарб муаммолари.**

XXI асрнинг дастлабки даврларида жаҳон иқтисодиётида кузатилган молиявий-иктисодий инқироз кейинги қарийиб ярим аср мобайнида тараққий этиб борган замонавий молия тизимидағи долзарб муаммолар таъсирида ҳанузгача давом этиб келмоқда. Кейинги йилларда кузатилган шиддатли глобаллашув жараёнлари молия тизимининг ҳам умумий трасформаллашувига таъсир этди. Ушбу даврларда молия тизимининг том маънодаги “архитектура”си ўзгариб борди ва параллел равишда унинг концептуал асосини ташкил этувчи молиянинг неоклассик назарияси шаклланиб борди. Замонавий молия тизими “архитектураси” қуйидаги омиллар таъсирида шаклланди:

-давлатнинг иқтисодиётга аралашуви қисқартирилиб, иқтисодиётдаги тадбиркорлик фаолияти эркинлаштирилди. Пировард натижада, ялпи ички маҳсулот ва миллий даромаднинг тақсимланиши жараёнида ҳосил қилинадиган пул фонdlари таркибида корпоратив бирликлар кесимида шакллантириладиган марказлашмаган пул фонdlарининг ҳиссаси ва қўлами ҳаддан зиёд ортиб борди. Ушбу ҳолат молия тизимида корпоратив сектор молиясини ва молиявий воситачилик фаолияти билан шуғулланувчи институтларнинг аҳамиятини ортиб боришига олиб келди;

- молия тизимида давлат молияси молиялаштиришнинг етакчи сегменти бўлган бўлса, молиявий инновацияларнинг авж олиши ва молиявий бозорларда янги молиявий инструментларни (деривативлар, хедж инструментлари ва бошқалар) пайдо бўлиши натижасида ушбу тенденцияда молиявий воситачилик операциялари билан шуғулланувчи молиявий институтлар, бозорларнинг аҳамиятини ортишига олиб келди;

- давлатнинг иқтисодий қудрати, унинг молия тизимини барқарорлиги хусусий секторнинг иқтисодий қудратини сезиларли даражадалиги билан белгиланади. Кўп укладли иқтисодиётнинг шакллантирилиши, ялпи ички маҳсулотнинг шакллантирилишида хусусий укладнинг етакчилиги, уларнинг

давлат молиявий ресурслари шакллантиришдаги аҳамиятининг ортишига олиб келди. Пировард натижада давлат молиясининг барқарорлигига хусусий сектор барқарор тараққиётининг таъсир кучи ўсиб борди.

- капиталлар, товарлар, меҳнат бозорларининг байналминаллашуви алоҳида мамлакатларнинг молия тизимини интеграцион жараёнларга интилиб бориши тенденциясини шакллантириди. Бу ҳолат ўз навбатида ҳар бир мамлакат миллий молия тизимини бошқа мамлакатлар иқтисодиётига хос бўлган инқирозли ҳолатларга ўзаро таъсир кучини юзага келтирди. Айниқса кейинги йилларда айрим ресурсларнинг глобал даражада истеъмолининг кучайиши ушбу ресурслар бозоридаги конъюнктуранинг молия тизими барқарорлигига таъсир этиши имкониятининг кучайишига олиб келди. Масалан, углеводород хом ашёсини(асосан нефть) экспорт қилувчи мамлакатлар ва ушбу хом ашёни асосий импорт қилувчи мамлакатлар молия тизимининг барқарорлиги ушбу маҳсулотларга нисбатан жаҳон бозоридаги конъюнктурага кучли боғлиқ бўлмоқда.

Юқоридаги омиллар таъсирида шаклланган замонавий молия тизимидағи долзарб муаммолар қуидагилардан иборатdir:

1. Халқаро савдо ва капиталлар харакатидаги дисбаланснинг ҳанузгача сақланиб қолинаётганлиги. Бу ҳолат кейинги йилларда турли мамлакатлар кесимида олиб борилган иқтисодий сиёsat натижаси ҳисобланади. Хусусан, ҳалқаро захиралар хажми бўйича етакчилик қилаётган Хитой иқтисодиётининг экспортга йўналтирилганлиги ва шунингдек, асосий ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг айрим товарлар ва хизматларга нисбатан истеъмолга “ётиб олиши” ҳалқаро капиталлар харакатидаги дисбаланснинг бузилишига олиб келган эди. Ушбу муаммони 2008 йилда расман тан олинган жаҳон молиявий-иктисодий инқирозини вужудга келишидаги асосий омил сифатида эътироф этилган эди. Кейинги йиллардаги тенденция кўрсатмоқдаки бу борадаги фаолиятни тартибга солиш борасида жиддий ўзгаришлар кузатилгани йўқ. Масалан, Хитойнинг АҚШга товарлар ва химатлар экспорти 2012 йилда 10,3%га ортган.

Пировард натижада, 2013 йилда тез ривожланаётган мамлакатлар ҳалқаро захиралари хажми ва таркибидаги ўзгариш рўй берди. Бу ўз навбатида захира валютаси ҳисобланувчи валюталарни муомалага чиқарган мамлакат эмиссион банки томонидан олиб борилаётган монетар сиёсага боғлиқлигини кучайтирумокда.

2. Кейинги йилларда олиб борилган монетар сиёсатнинг салбий таъсирининг давом этиши. Бугунги кунда кучли молиявий-иктисодий инқирозни бошдан ўтказаётган европа иқтисодий конфедерацияси молия тизимидағи долзарб муаммолар қаторида олиб борилган кредит экспансияси сиёсати натижасидаги банк тизимида глобал ликвидлилик муаммоси муҳим ўрин эгаллайди. Таниқли молиявий шарҳловчи Эмброза Эванса Притчарднинг таъкидлашича Европа банклари нормал даражага чиқиши учун қарийиб 7 триллион евро микдоридаги берилган кредит ресурсларини қайтариб олиши лозим. Банкларнинг ушбу маблағлари таркибида давлат облигацион заёмларига кўйилмалар хажми ҳам сезиларли салмоқни ташкил этади.

3. Жаҳон молия бозори капиталлашув даражасининг ортиши ва унда юқори рискли активлар билан керагидан ортиқ даражада тўйиниши ушбу юқори рискли активлар бўйича операциялар устидан мавжуд назорат тизимини кучли таъсир кучига эга бўлмади. Ҳосилавий молиявий инструментлар хажмини қисқартириш ва улар билан боғлиқ мажбуриятларнинг шафоғлигини ошириш билан боғлиқ ислоҳотларни амалга оширилишига қарамасан кредит деривативлари бозори (биринчи навбатда кредит своплари) жаҳон молия бозорларидағи нобарқарор ҳолатни вужудга келишига таъсир этмоқда. Кредит деривативларининг асосий функцияси рискни минималлаштириш бўлса-да, кейинги йиллардаги ҳолат, ушбу шартномалар бўйича тизимли рискларнинг юксалишига олиб келди.

4. Кейинги йилларда молия тизимидағи муаммоларнинг кескинлашувига таъсир этувчи омиллардан бири, секюритизациялашув жараёни ва турли молиявий “маҳсулот”ларнинг тизимлашуви ҳисобланади. “Тизимлашган секюритизация” қимматли қоғозлар билан боғлиқ рискларни минималлаштиришнинг ўзига хос универсал схемаси ҳисобланса-да, ушбу жараённининг ҳаддан зиёд ривожланиши юқори рейтингли қимматли қоғозларнинг амалдаги сифат тавсифини пасайишига олиб кеди.

5. Давлатлар томонидан олиб борилган қарз сиёсати ва унинг натижасида қарздорлик муаммосининг авж олиши.

#### **4.2. Ривожланган мамлакатлар давлат молияси тизимидағи долзарб муаммолар.**

Ташқи қарзнинг меъеридан ошиб кетиши миллий иқтисодиёт ривожига салбий таъсир кўрсатади. Агар ташқи қарз бўйича тўловлар мамлакатнинг товар ва хизматлар экспортидан келадиган тушумнинг сезиларли қисми, масалан, 20-25 фоизидан ошиб кетса, бу ҳолат давлатнинг кредит бўйича рейтингини пасайтириб юборади. Натижада четдан янги қарз маблағларини жалб этиш мушқуллашади. Шунга кўра, давлатлар мунтазам равишда ташқи қарзни тартибга солиш чора-тадбирларини амалга ошириб боради.

Бундай чора-тадбирлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: мамлакатнинг олтин-валюта захираси ҳисобидан қарзларни тўлаб бориш; кредиторларнинг қарз тўлов муддатларини ўзгаришишлари, айrim ҳолларда уларнинг маълум қисмидан воз кечишларига эришиш; қарзларни мамлакатдаги кўчмас мулк, қимматли қоғозлар, капиталда иштирок этиш ва бошқа ҳуқуқларни сотиш ҳисобидан тўлаш; халқаро банклар ва бошқа молиявий ташкилотлардан ёрдам олиш ва ҳ.к.

Жаҳондаги 50 та йирик давлатнинг ташқи қарзи 65 трлн. долл.га етди, бироқ бу ҳали сўнгги чегара эмас: Европа комиссиясининг маълумотига кўра евроҳудуддаги аксарият давлатларнинг ташқи қарзи факат ўсиб бормоқда.

Хусусан, Испания, Франция, Греция, Португалия ва Ирландияда 2012-2013 йиллардаги ЯИМга нисбатан қарзнинг кўпайиши куттилмоқда.

Халқаро кредиторлар ташкилоти (WOC) таҳлилчилари ҳолатни ўргангандан, сўнгги йилларда йирик иқтисодиётга эга мамлакатларнинг ташқи қарзи

қискармай, балки ўсиб бораётганлиги түғрисидаги хulosага келдилар. Шундай килиб, ўшиш давлат томонидан иктисодиётга маблағларнинг, жумладан, норезидентлардан қарз олиш ҳисобига киритилиши билан шартланган.

Хукуматнинг молиявий эҳтиёжлари учун муомалага чиқарилган қарз инструментлари ва улар бўйича жамланган молияй ресурслар ҳисобига амалга оширилган инвестициялар фойда нормасининг паст даражада бўлиши, аксарият мамлакатларда суврен қарзлар билан боғлиқ муаммоларнинг кескинлашувига олиб келди. Давлат, корпоратив сектор ва уй хўжаликлари фаолиятининг қарз маблағларига боғлиқлигининг кучайиши яъни том маънодаги қарзга асосланган иктисодиётнинг (Levered economy) шаклланиши ўз навбатида ялпи истеъмол талабининг пасайишига таъсир этди.



#### 4.1-расм. АҚШ қарз тизимининг структураси

Юқоридаги расмдан кўришимиз мумкинки, кейинги 25-30 йиллар мобайнида АҚШда олиб борилган пул кредит сиёсати, давлат томонидан иктисодиётни тартибга солища монетар инструментларга устуворликни берилиши, АҚШ хукумати томонидан олиб борилган фаол либераллаштириш сиёсати нафақат давлатнинг балки, уй хўжаликлари, корпоратив секторнинг қарздорлик даражасини ортиб кетишига олиб келди.

Ушбу жараён деярли барча ривожланган мамлакатларда кузатилди. Натижада, 2010-11 йиллардан бошлаб молия тизимидағи инқирознинг 2-фазаси(тўлқини) суврен қарзлар муаммосидан янада авж олиб бошлади.

6. Кейинги йилларда жаҳон иктисодиёти ва ҳар бир мамлакатларда иктисодий мувозанатни сақлашга қаратилган молиявий сиёсат асосан глобал талаб ва таклифни рағбатлантиришга йўналтирилган. Лекин, олиб борилаётган молиявий сиёсат глобал иктисодий ўсишни таъминлашда жиддий таъсир кучига эга бўлмаяпти.

Жаҳондаги етакчи мамлакатлар иқтисодий ўсиш суръатларининг бекарорлигига, бир томондан, инқизотга қарши курашиш чоралари бўйича мамлакатлар раҳбарлари ўртасидаги ўзаро яқдилликнинг бўлмаслиги, иқтисодий сиёсатдаги уйғунликка эришмаслик замин яратса, бошқа томондан, йирик иқтисодиётга эга мамлакатларнинг ички сиёсий бекарорлиги ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, кейинги пайтда мамлакатдаги иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида валюта курсларининг бозор механизмлари орқали эркин шаклланишига турли йўллар билан таъсир кўрсатиш, жумладан, “валюталарнинг рақобатга асосланган девальвацияси” сиёсатининг олиб борилиши оқибатида “валюта урушлари” хавфининг кучайиши каби ҳолатлар ҳам кўзга ташланмоқда. Масалан, 2012 йил ноябрь ойидан бошлаб Япония янги ҳукуматининг дефляция муаммосини ҳал этиш мақсадида ўз иқтисодиётiga аҳамиятли даражадаги валюта маблағларининг киритиши иена қувватининг 20% га қадар пасайишига олиб келиб, ушбу ҳолат бошқа мамлакатлар раҳбарларининг норозилигини келтириб чиқарди<sup>26</sup>. Шунингдек, АҚШда юзага келиши мумкин бўлган “фискал жарлик” мамлакат бюджет сарфларининг кескин қисқаришига ҳамда ишлаб чиқаришнинг пасайиши эҳтимолини туғдирмоқда. АҚШ жаҳондаги йирик импорт қилувчи мамлакат ҳисобланishi сабабли, ушбу ҳолат жаҳондаги бошқа мамлакатлар иқтисодиётiga ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин<sup>27</sup>.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти “2013 йилда жаҳон иқтисодий ҳолати ва истиқболлари” (World Economic Situation and Prospects 2013) мавзусидаги навбатдаги йиллик маъruzасини тақдим этди. Мазкур ташкилотнинг баҳосига кўра, МДҲ мамлакатлари иқтисодий кўрсаткичлари пасайиб бориб, бу узоқ муддатли тренд ҳисобланади.

2012 йилда МДҲ мамлакатлари ва Грузиянинг иқтисодий ўсиш суръатлари таҳминан 3,8% ни ташкил этиб, бу потенциал кўрсаткичдан анча пастир. Бунинг асосий сабаби – жаҳон иқтисодиётининг, айниқса, МДҲ мамлакатларининг асосий иқтисодий ҳамкори бўлган Европа мамлакатлари иқтисодиётининг бекарорлигидир<sup>28</sup>.

Маълумки, давлатнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларидағи ролининг узлуксиз ўсиб бориши, унинг иқтисодий ва ижтимоий вазифаларининг кенгайиши давлат бюджети харажатларининг даромадларга нисбатан ортиб кетиши, яъни бюджет тақчиллигига олиб келади. Бюджет тақчиллигининг вужудга келишига қуидагилар сабаб бўлади:

- ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетиши;
- харажатларнинг ҳаддан ташқари ўсиб кетиши;
- товарлар билан таъминланмаган пул эмиссияси;
- ҳарбий саноат мажмуасини молиялаштириш бўйича сарф-харажатларнинг ўсиши;
- пинхона иқтисодиёт, унумсиз харажатлар, йўқотишлар ҳажмининг ўсиб бориши ва бошқалар.

<sup>26</sup> <http://ria.ru/economy>

<sup>27</sup> <http://www.webeconomy.com>

<sup>28</sup> <http://expert.ru/2013/01/22/vseobschaya-vyalost/>

7. Замонавий шароитларда аксарият мамлакатлар миллий иқтисодиётининг барқарор тарақкий этишига салбий таъсир этувчи омиллар қаторида давлат ва корпоратив сектор молиявий ресурсларини мамлакат миллий мафаатлари юзасидан уйғун ҳолда самарали мобилизация қилишга шарт шароит яратувчи комплекс молиявий сиёсатни ишлаб чиқиш билан боғлиқ муаммолар ҳам мавжуддир. Бунда истиқбол учун ишлаб чиқилган молиявий сиёсатнинг стратегик мақсадларини реализация қилишга йўналтирилган жорий босқичлардаги тактик вазифаларни амалга оширишда фойдаланилаётган молия-кредит инструментлари умумий арсеналидан фойдаланишда кўзланган натижаларнинг умумий муштараклигини таъминлаш мухимдир.

### **4.3. Европа молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари, оқибати ва истиқболдаги вазият.**

Ҳозирги кунда Еврохудудда кузатилаётган молиявий-иқтисодий инқироз нафақат Еврохудуд таркибиغا киравчи аъзо мамлакатлар иқтисодиётига балки, бутун жаҳон иқтисодиётига ҳам тасир этмоқда. Ҳозирги кунда инқироз кескин таъсир кўрсатган мамлакатлар (Греция, Португалия, Ирландия, Испания) иқтисодиётини инқироздан қутқариш, нисбатан барқарор иқтисодиётга эга бўлган мамлакатлар миллий иқтисодиётини инқирознинг салбий таъсиридан иммунитетини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларга қарамсдан 2013 йил охирида ҳам кутилаётган натижаларга эришилмаяпти. Ушбу ҳолат Еврохудуднинг ривожланиш истиқболларини мавҳум ҳолатга келтирмоқда. Ҳаттоқи, инсоният тарихида ўзига хос “Буюк бирлашув” ҳисобланган Европа иқтисодий конфедерациясининг интиҳоси ҳам бўлиши мумкинлиги эҳтимолдан ҳоли эмаслиги эътироф этилмоқда. Ҳозиргача кузатиб келинган еврохудуд таркибидаги мамлакатларда кузатилган молиявий-иқтисодий инқироз жаҳон иқтисодиётига ҳам таъсир кўрсатди.

Яқин истиқболда Еврохудуд таркибидаги мамлакатларнинг қай тарзда ривожланиши ва умуман, европа ҳамжамиятининг ривожланиш йўналиши ҳақида гапиридан олдин инқирознинг сабабларини, унга таъсир этувчи омилларни кўриб чиқиш лозим.

Бизга маълумки, жаҳон молиявий-инқисодий инқирози АҚШ молия тизимида етакчи бўғин ҳисобланган кредитлаш тизимидағи танглик ҳолатидан бошланган. АҚШ Федерал заҳира тизими томонидан олиб борилган монетар сиёсат АҚШ иқтисодиётидаги ялпи талабга ва хусусан истеъмол талабига жиддий таъсир кўрсатгани ва бу ўз навбатида молиявий секторда бошланган инқирознинг реал секторга трансформациялашувига ҳам сабаб бўлганлиги кенг иқтисодчилар томонидан эътироф этилади.

XX асрнинг иккинчи ярмидан сўнгги жаҳон иқтисодиётида кузатиган молиявий-иқтисодий глобалашув жараёни Европа иттифоқи ва АҚШ ўртасидаги молиявий иқтисодий боғлиқликни кучайишига олиб келди. Европа иттифоқидаги интеграцион жараёнларининг кенгайиши, 1999 йилдан Евронинг ягона валюта сифатида муомалага киритилиши ва параллел равишда ягона валютага асосланган макондаги шакллантирилган молиявий бошқарув тизими

Европа иттифоқи молия тизими ning ҳамкор мамлакатлар молия тизими даги молиявий инқирозларга нисбатан етарли даражадаги ўзига хос “иммунитети”ни шакллантириб бера олмади.


Европа молиявий-иктисодий инқирозининг туб негизи ва унинг масштабини еврохудуд молия тизими ning тизимли равишда такомиллашмаганлиги билан изоҳлаш мумкин. Хусусан, еврохудуд таркибидаги мамлакатларда яхлит Монетар сиёсат Европа Марказий банки томонидан олиб борилмоқда. Еврохудуд таркибидаги мамлакатларда иктисодий, бюджет ва солиқ соҳасида олиб борилаётган сиёсатда улар нисбатан мустақилдир.

Дастлаб ЕИга аъзо мамлакатлар молия тизими (банк, бюджет ва солиқ тизими) тизимли назорат қилувчи ягона органлар шакллантирилиши ва улар томонидан европни қабул қилган мамлакатлар молия тизими даги вазиятни комплекс бошқариш механизмини шакллантирилиши зарур эди. Шундан сўнг умумий кредит-пул тизими жорий этилиши зарур эди. Ҳозирги шароитда Еврокомиссия ва ЕМБ Еврохудуд иктисодиёти ва молия тизими реал бошқариш имкониятига эга бўлмаяпти. Натижада унинг европни миллий валюта сифатида қабул қилган мамлакатлардаги молиявий ҳолатни назорат қилиш имконияти мавжуд эмас.

Аммо умуммиллий бошқарув органларига юқорида назарда тутилган ваколатларни берилиши Ягона Европа бошқарув тизими амалдаги конфедератив тизимидан федератив принципларига ўтишини тақозо этади. 80-йиллар ишлаб чиқилган европадаги ягона валютага ўтиш концепциясида ушбу бошқарув принципи тўғрисида сўз юритилмаган. Унда ягона валюта шароитида еврохудуддаги ҳар бир мамлакатлардаги пул-кредит, бюджет-солиқ сиёсати соҳасидаги суверенитетини Еврокомиссия билан ўзаро бўлишишга тайёр эмас эдилар.

1999 йил ягона валютанинг муомалага киритилиши билан паралел равишда пул-кредит ва бюджет-солиқ соҳасидаги фаолиятни ягона координация қилишни кўзда тутувчи мукаммал назорат органлари конструкцияси шакллантирилмади. Бунга бир қатор объектив ва субъектив омиллар таъсир қилган эди. Ҳаттоқи, замонавий шароитларда Еврохудуддаги инқироздан сабоқ чиқарган ҳолда, шундай органларга эҳтиёж мавжудлиги Брюсселдаги расмий учрашувларда ҳам таъкидлаб ўтилишига қарамасдан, конфедерацияга аъзо мамлакатларнинг барчаси ҳам ушбу йўналишдаги ислоҳотларни маъқулламайдилар.

Умуммиллий назорат органларини ташкил этиш бўйича ўтказилган ижтимоий сўровда Еврокомиссия томонидан тизимли назорат қилувчи органлар зарурлигини Германияда 53% респондентлар маъқуллаганлар. Италияда 43%ни, Словакияда 43%ни, Испанияда эса 42%ни ташкил этган. Еврокомиссияда асоси овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган мамлакатлар умуммиллий назорат қилувчи органларни шакллантиришни маъқуллайдилар.



**4.2-расм. Умуммилой назорат органларини ташкил этиш бўйича ўтказилган ижтимоий сўров натижалари.**

Чунки, ушбу мамлакатлар(асосан Германия, Франция, Буюк Британия(Еврохудудга аъзо эмас)) еврокомиссия томонидан қабул қилинадиган қарорларда ҳал қилувчи овозга эгадир. Ушбу ҳолат ҳам Европа молиявий-иктисодий инқизорзининг асосий сабабларидан биридир.

Европа иттифоқида нобарқарор иқтисодий муҳитнинг вужудга келишидаги асосий омиллардан бири унга аъзо мамлакатлар, хусусан, еврохудудга аъзо мамлакатлар иқтисодий салоҳиятидаги тафовут ва улардаги иқтисодий ўсиш суръатларидаги кескин фарқ ҳам ҳисобланади. Айниқса, 2004-2008 йиллардаги Европа иттифоқининг (еврохудуд) кенгайиши билан бирга қарийиб 10 йил мобайнида фаолият юритиб келган еврохудуд таркибидаги мамлакатлар иқтисодий тараққиётидаги номутаносиблик таъсиридаги зиддиятлар ҳам кучайиб борди.

Европа марказий банки томонидан олиб борилаётган сиёсат эса асосан еврохудуд таркибидаги кучли мамлакатларга қаратилган. Бошқа мамлакатларнинг эҳтиёjlари ва ривожланиш хусусиятлари, уларнинг салоҳияти умумий қарор қабул қилишда деярли таъсир кучига эга бўлмади. “Заиф бўғин” ҳисобланган мамлакатлар Еврокомиссия, Европа Марказий банки томонидан жорий этилган шартларни тўлиқ бажариш имкониятига эга эмас эдилар. Натижада ушбу мамлакатлар бюджет мувозанатини таъминлашга йўналтирилган Европа иттифоқи қоидаларини буза бошладилар. Масалан, Греция еврохудудга аъзо мамлакатлар томонидан имзолаган “Барқарорлик Пакти”, Бюджет интизоми бўйича белгиланган чегарадан сурункали равишда четга чиқа бошлади. Европа марказий банки Еврохудуд таркибидаги мамлакатлар молия тизимини яхлит бошқариш имкониятига эга бўлмай қолди.

Узоқ вақтлар давомида том маънодаги евротифоқнинг кучли мамлакатлари (Бунда асосан Германия, Франция, Буюк Британия, Италия назарда тутилади) еврохудуднинг умумий иқтисодий ўсиш суръатига заиф

бўғин ҳисобланувчи мамлакатлар (Бунда асосан Греция, Португалия, Ирландия бошқа шарқий европа мамлакатларини киритиш мумкин) иқтисодиётидаги ноутаносиб ҳолат жиддий таъсир этмаслигини кўзда тутиб, улар иқтисодиётида шаклланган салбий ҳолатга нисбатан “Кўз юмиб” келдилар. Евроҳудуд таркибиغا кирган мамлакатлар иқтисодиётини назорат қилувчи Европа иқтисодий барқарорлаштириш механизми деярли ишламади. Ҳаттоқи, айрим кучли мамлакатлар (масалан, Италия) ҳам белгиланган шартларни буза бошлади. Натижада, Евроҳудуд иқтисодиётидаги зиддиятлар кескинлашиб бораверди.

Аксарият эксперталарнинг тасдиқлашича, Евро ҳудуд таркибидаги мамлакатларда кузатилаётган суверен қарзлар муаммоси, евроҳудуд мамлакатлари ва бутун Европа итифоқи иқтисодиётига асосий негатив таъсир кўрсатувчи омил бўлганлиги эътироф этилмоқда. Шунингдек, суверен қарзлар муаммоси АҚШ ипотека бозоридаги инқироздан сўнг тез ривожланиб борди. АҚШ ипотека бозоридаги инқироз европа банкларининг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши натижасида, Европа итифоқига аъзо мамлакатлар ҳукуматлари тижорат банклари омонатчилари манфаатларини ҳимоялаш учун банкларнинг “ёмон активлари” бўйича мажбуриятларини ўзига хос равища миллийлаштирилар. Ушбу тадбирларнинг молиялаштириш билан боғлиқ йирик масштабдаги молиявий ресурслар асосан ҳукуматларнинг қарз мажбуриятлари ҳисобига шакллантирилди. Евроҳудуд таркибиغا кирган мамлакатлар учун Маастрихт шартномасида белгиланган 3%лик меъёрдан юқори бюджет тақчиллиги кузатилаётган мамлакатлар ташки кредитлаш билан боғлиқ муаммоларга дуч кела бошлади ва бу уларнинг кредит рейтингини тушишига сабаб бўлди. Бу ўз навбатида, заиф бўғин ҳисобланган евроҳудуд мамлакатлари томонидан миллий валютани девалвация қилиш ёрдамида иқтисодиётни соғломлаштириш имкониятларини чекланишига олиб келди. Айнан ушбу ҳолат Грецияда рўй берди. Агар статистик маълумотларга мурожаат қиласиган бўлсак, 2012 йил маълумотлари бўйича Грециядаги умумий қарздорлик 340 еврони, ЯИМга нисбатан эса 160%ни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич 2013 йилги маълумотлар бўйича 175%га етган. Қарз структурасини таҳлил қиласиган бўлсак, Греция давлат қарзлари структурасида Европа марказий банкининг улуши 18%ни ташкил этади. ХВФнинг улуши-5%, Еврокомиссиянинг улуши -14%, бошқа мамлакатлар олдидаги мажбуриятлар жами мажбуриятларда 33%ни ҳамда ижтимоий тўловлар ва бошқа харажатлар бўйича қарздорлик 30%ни ташкил этади.

Жами мажбуриятлари таркибида ижтимоий тўловлар ва бошқа харажатларнинг улуши 30%ни ташкил этиб, ушбу харажатлар кейиги йилларда янада кўпайиб бормоқда. У ўз навбатида ишсизликнинг авж олиши натижасида аҳоли таркибидаги иқтисодий фаол аҳолининг салмоғини пасайиб бориши билан ҳам изоҳланади. Хусусан, 2012 йил маълумотлари бўйича жами аҳолининг 47%и иқтисодий фаол ҳисобланниб, мос равища ишсизликнинг даражаси 16,3%ни ташкил этган. Агар ўша даврда жон бошига бюджет харажатлари 10600 еврони ташкил этган бўлса, бюджетнинг соликлар ҳисобига шакллантирилган даромадлари 8300 еврони ташкил этган.

2010 йил май ойида Еврохудуд мамлакатлари молия вазирлари учрашувида вақтингалик асосда Европа молиявий-иктисодий барқарорлаштириш фондини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилгандилар. Ушбу фондни ташкил этишдан асосий мақсад инқироз жиддий таъсир кўрсатган мамлакатларга молиявий ёрдам бериш ҳисобланган. Бунда сўз асосан Греция, Испания, Португалия, Ирландия ва Италия тўғрисида кетган эди. Ушбу фондга Еврохудуд аъзолари ҳисобланган мамлакатлар томонидан 500 млрд. евро ва ҲВФ томонидан 250 млрд. евро миқдрида бадаллик тўловлари амалга оширилди.

#### 4.1-жадвал

#### **Европа иқтисодий ва молиявий барқарорлаштириш фондининг шаклланиши<sup>29</sup>**

Мамлакатлар	Бирламчи бадаллар			Кўпайтирилган бадаллар	
	Кафолатланган мажбуриятлар (млн €)	Улуш	€/киши	Кафолатланган мажбуриятлар (млн €)	Улуш
<u>Австрия</u>	12 241,43	2,78 %	1 464,86	21 639,19	2,7750 %
<u>Бельгия</u>	15 292,18	3,48 %	1 423,71	27 031,99	3,4666 %
<u>Германия</u>	119 390,07	27,13 %	1 454,87	211 045,90	27,0647 %
<u>Греция</u>	12 387,70	2,82 %	1 099,90	21 897,74	2,8082 %
<u>Ирландия</u>	7 002,40	1,59 %	1 549,97	12 378,15	1,5874 %
<u>Испания</u>	52 352,51	11,90 %	1 141,75	92 543,56	11,8679 %
<u>Италия</u>	78 784,72	17,91 %	1 311,10	139 267,81	17,8598 %
<u>Кипр</u>	863,09	0,20 %	1 076,68	1 525,68	0,1957 %
<u>Люксембург</u>	1 101,39	0,25 %	2 239,95	1 946,94	0,2497 %
<u>Мальта</u>	398,44	0,09 %	965,65	704,33	0,0903 %
<u>Нидерландия</u>	25 143,58	5,71 %	1 525,60	44 446,32	5,6998 %
<u>Португалия</u>	11 035,38	2,51 %	1 037,96	19 507,26	2,5016 %
<u>Словакия</u>	4 371,54	0,99 %	807,89	7 727,57	0,9910 %
<u>Словения</u>	2 072,92	0,47 %	1 009,51	3 664,30	0,4699 %
<u>Финляндия</u>	7 905,20	1,80 %	1 484,51	13 974,03	1,7920 %
<u>Франция</u>	89 657,45	20,38 %	1 398,60	158 487,53	20,3246 %
<u>Эстония</u>				1 994,86	0,2558 %
Еврохудуд (16) Эстонидан ташқари	440 000,00	100 %	1 339,02		
Еврохудуд (17)				779 783,14	100 %

Европа молиявий барқарорлаштириш фонди 2012 йил июл ойидан бошлаб европа молиявий барқарорлаштириш механизмига амаштирилди.


Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ушбу фонд маблагларини тақсимланишида: 28% – Германия, 20 % – Франция, 18 % – Италия, 12 % – Испания, 6% – Нидерландияга тўғри келмоқда. Бошқа барча мамлакатларга 17% атрофидаги улуш тўғри келиб, ҳар бир мамлакатларга ўртача 0,5%дан 3,5% атрофида тебранади.

2011 йилда бўлиб ўтган европа иттилоғи мамлакатларининг ноябр саммитида ўзига хос “Бюджет пакти” қабул қилидики, унда Масстрихт мезонлари бўйича белгиланган бюджет тақчиллигининг белгиланган лимитидан ортган мамлакатлар учун интизомий жазо чораларини қўлаш

<sup>29</sup> Жадвал муаллиф томонидан статистик маълумотлар асосида ишлаб чиқилган.

белгиланган эди. Ушбу интизомий жазо чоралари автоматик тавсифга эга бўлиб, ушбу механизм бўйича санкцияни қўллашни блокировка қилиш мураккаб бўлиб, бунинг учун Еврохудуд таркибига кирувчи мамлакатларнинг  $\frac{3}{4}$  қисмининг овози талаб қилинади. Бюджет пакти уни тасдиқлаган барча европа иттифоқи мамлакатлари томонидан ратификация қилиниши кўзда тутилган эди. Бунда ўзига хос равишдаги ушбу “Олтин қоида” шартномани имзолаган мамлакатлар миллий қонунчилигининг бир қисми бўлиши талаб қилинган эди.

Ушбу саммитда қабул қилинган янги келишувлардан яна бири, шундан иборат бўлдики, Европа иттифоқи мамлакатлари ўзларининг истиқбол учун шакллантирган бюджет режасини парламентда ратификация қилишдан олдин, еврокомиссияга тақдим этишлари шарт қилиб бегиланди. Бунда Еврокомиссия бюджет режасини бекор қилиш хуқуқига эга бўлмасада, унга қўшимча таклифларни тавсия этиши ва ушбу тавсияларни қабул қилиниш даражаси Еврокомиссия томонидан тақдим этиладиган молиявий ёрдам учун асосий мезон сифатида қабул қилиниши белгилаб олинди.



**4.3-расм. Европа иттифоқининг айrim мамлакатларида бюджет тақчилигининг ҳолати.**

Европа иттифоқининг айrim мамлакатларида бюджет тақчилигининг ҳолати. Евроинқирозни олдини олиш борасида навбатдаги муҳим қадамлардан бири 2012 йил июн ойида ўтказилган Европа иттифоқининг саммитида қабул қилинган қарорлар ҳисобланади. Ушбу саммитда асосан банк тизимишини умумий координациясини кучайтириш ҳисобланади. Ушбу қарор Европа иттифоқи тузилмасини Конфедератив тузилмадан Федерализм томон ривожлантиришда муҳим қадам бўлди. Унда европа иттифоқи мамлакатларида хукм сураётган суверен қарзлар муаммосидан банк тизимини ўзига хос равиша нейтраллаштириш, Марказий хокимиятни банк тизимини бошқаришдаги ваколаталарини кенгайтиришга харакат қилинди. Бундаги асосий механизм шундан иборат эдики, Европа иқтисодий ва молиявий барқарорлаштириш фонди ва Европа молиявий барқарорлик механизми хукуматларсиз банкларни тўғридан-тўғри қайта молиялаш имкониятига эга

бўлди. Бунгача, банклар учун берилган маблағлар Еврохудуд мамлакатлари хукуматлари орқали берилган. Шу билан бир қаторда ушбу саммитда супервизор деб номланувчи янги европа органи банклар фаолиятини тўғридан-тўғри назорат қилиш имкониятига эга бўлди.

### **Жорий ҳолатдаги асосий вазифалар**

Бугун Европа иттифоқи олдида 2 та ўзаро бир бирига боғлиқ вазифа турибди: яқин истиқболда ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар яъни европа молиявий-иктисодий тизимининг циклик тавсифдаги муаммоларини ҳал қилишга йўналтирилган ва узоқ истиқболга яъни фундаментал тавсифдаги муаммоларни қилиниши лозим бўлган вазифаларни ўз ичига олади.

Яқин истиқболга мўлжалланган вазифаларнинг асосийси, яхлит Еврохудуд учун иктисодий жиҳатдан хавф solaётган мамлакатлардаги вазиятни юмшатиш мақсадида улар иктисодиётини қўллаб-куватлаш ҳисобланади.

Бюджет харажатларини қисқартириш дастури нисбатан мураккаб ва 5 йилгача бўлган даврларни ўз ичига олади ва ижтимоий муаммолар нуктаи назардан кескин аҳамият касб этувчи масалалардан бири ҳисобланади. Масалан, Америкалик иктисодчи Пол Кругманнинг таъкидлашича, Грециядаги иктисодий инқирозни олдини олиш учун Греция аҳолисини арzon турмуш тарзига ўргатириш зарур<sup>30</sup>. Бу ўз навбатида Греция давлат бюджети харажатлари таркиида залворли юк бўлган ижтимоий соҳа харажатларини қисқартириш имкониятларини яратади.

Инқироз кескин авж олган мамлакатлар аҳолинининг норозилиги асосан ўзларининг моддий ҳолатини ёмонлашганлиги сабабли юзага келмоқда.

Федератив Европани барпо этиш билан боғлиқ масала, бажарилиши лозим бўлган масалаларнинг энг мураккаби ҳисобланади. Европа иттифоқидаги инқироз, умуммиллий назорат органларини шакллантириш заруратини туғдирмоқда. Европа иттифоқи валюта-молия тизими европа умуммиллий назорат қилувчи органлари томонидан координация қилинмоқда (Европа Марказий банки).

Демак, Замонавий молия тизими “архитектураси” қуйидаги омиллар таъсирида шаклланди:

- давлатнинг иктисодиётга аралашуви қисқартирилиб, иктисодиётдаги тадбиркорлик фаолияти эркинлаштирилди;

- молия тизимида давлат молияси молиялаштиришнинг етакчи сегменти бўлган бўлса, молиявий инновацияларнинг авж олиши ва молиявий бозорларда янги молиявий инструментларни (деривативлар, хедж инструментлари ва бошқалар) пайдо бўлиши натижасида ушбу тенденцияда молиявий воситачилик операциялари билан шуғулланувчи молиявий институтлар, бозорларнинг аҳамиятини ортишига олиб келди;

- давлатнинг иктисодий қудрати, унинг молия тизимини барқарорлиги хусусий секторнинг иктисодий қудратини сезиларли даражадалиги билан белгиланади;

- капиталлар, товарлар, меҳнат бозорларининг байналминаллашуви

<sup>30</sup> [www.vestifinance.ru](http://www.vestifinance.ru)- сайти маълумотларидан фойдаланилди.

алоҳида мамлакатларнинг молия тизимини интеграцион жараёнларга интилиб бориш тенденсиини шакллантириди.

Юқоридаги омиллар таъсирида шаклланган замонавий молия тизимидаги долзарб муаммолар қуидагилардан иборатdir:

- халқаро савдо ва капиталлар харакатидаги дисбаланс ҳанузгача сақланиб қолмоқда;
- кейинги йилларда олиб борилган монетар сиёсатнинг салбий таъсирининг давом этмоқда;
- кейинги йилларда молия тизимидаги муаммоларнинг кескинлашувига таъсири этувчи омиллардан бири, секюритизациялашув жараёни ва турли молиявий “маҳсулот”ларнинг тизимлашуви ҳисобланади.
- давлатлар томонидан олиб борилган қарз сиёсати ва унинг натижасида карздорлик муаммоси авж олмоқда.

### **Назорат саволлари**

1. Замонавий шароитларда молия тизимининг долзарб муаммолари нималардан иборат?
2. Глобал молиявий-иктисодий инқирознинг навбатдаги тўлқини шароитида давлат молияси тизимида қандай муаммолар юзага келди?
3. Қарзга асосланган иқтисодиёт- деганда нимани тушунасиз?
4. Европа молиявий-иктисодий инқирозининг саблари нималардан иборат?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

#### **Махсус адабиётлар**

1. David N. Hyman Public Finance: A Contemporary Application of Theory to Policy, Tenth Edition, 2011 South-Western Cengage Learning Mason, OH, USA
2. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Х. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма.- Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2009.-6-20 б.
3. Brunori, David, *Local Tax Policy*, 2nd edition, Washington, D.C.: The Urban Institute Press, 2007. A discussion of local government revenue systems in the United States within the context of the problems faced by these governments and the federal system.
4. Brunori, David. *State Tax Policy*. Washington, D.C.: The Urban Institute Press, 2001. An analysis of state tax systems within the context of a federal system where the central government is shifting more responsibility to the states.
5. Alan J. Auerbach Public Finance in Practice and Theory. University of California, Berkeley May 2009.

### **Интернет сайтлари**

- 3.<http://www.nasbo.org>
- 4.<http://www.ntanet.org>

## **IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

**1-амалий машғулот: Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодий роли.**

---

### **СЕМИНАР-АМАЛИЙ МАШГУЛОТИ УЧУН РЕЖА-ТОПШИРИҚ**

#### **❖ Мұхқама учун саволлар**

- 1.1. Бозор ва давлат: бозордаги нобарқарор вазиятнинг кузатилиши давлат аралашувининг асоси сифатида.
- 1.2. Давлатнинг иқтисодий вазифаси.
- 1.3. Иқтисодий барқарорлик ва уни таъминлашда давлатнинг вазифалари.
- 1.4. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солиш.

**Ишдан мақсад:** Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодий роли бүйіча амалий күнікма ва малакаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

#### **Масаланинг қшүйилиши**

#### **Ү қ у в ф а о л и я т и н а т и ж а л а р и:**

#### **Тингловчилар биладилар:**

- ✓ Давлатнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги ўрни ва аҳамиятини;
- ✓ Давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солишининг заруриятини;
- ✓ Парето самарадорлиги ва Лоренц әгри чизигини;
- ✓ Иқтисодий барқарорлик ва унда давлатнинг ролини;

#### **Тингловчилар улдалайдилар:**

- ✓ замонавий шароитларда давлатнинг роли ва вазифаларини тушуниб етадилар;
- ✓ иқтисодиётдаги давлат улушкининг ҳиссасини таҳлил қиласылар, бир неча мамлакатлар кесимида солиширадилар;
- ✓ давлатнинг иқтисодий ролига оид график ва чизмаларни таҳлил қиласылар.



#### **МУСТАҚИЛ ТАЙЁРГАРЛИК УЧУН ТОПШИРИҚЛАР:**

**Топшириқ 1.** Давлатнинг бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий агент ва жамиятнинг сиёсий институти сифатидаги хусусиятларини ўрганиш.

**Иш мазмуни:** Давлатнинг болзор иқтисодиёти шароитидаги функциялари ва вазифаларини тизимли равиша ўрганиш.

**Топшириқ 2.** Макроиктисодий барқарорлик ва миллий иқтисодиётни мувозанатли тараққиё этишиа давлатнинг роли ва вазифаларини ўрганиш.

**Иш мазмуни:** ресурслар, товарлар ва хизматлар бзоридаги айланма ва макроиктисодий тартибга солиш тизимида фойдаланиладиган инструментлар билан танишиш.

# ЎҚУВ МОДУЛЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ЮЗАСИДАН АМАЛИЙ МАСЛАҲАТЛАР ВА ТАВСИЯЛАР

## Ўқув матн (модул)ни тайёрлаш қоидалари

### 1. 1. МОДУЛГА КИРИШ

Хар бир модул киришдан бошланиши зарур. У кичик уч қисмли сарлавҳадан иборат бўлади, яъни:

- “Сиз қуидагиларни ўрганасиз”
- “Модул мақсадлари”
- “Модулни ўргангандан сўнг Сиз биласиз”

### 1.2. МОДУЛНИНГ МАТНИЙ МАЗМУНИ

Матнли материал модулнинг (вазифаси) мақсадини белгилаши билан мувофиқликда ғоялар, назариялар, илмий ёндашувлар, кўникмалар билан танишишга имкон беради, бошқа ўқув материалларига (ўқиш учун материал, компьютер дастурлари ва бош.) ҳаволалардан иборат, интерфаол ҳисобланади: талаба, қайдлар қиласи, берилган саволларга жавоб ва хуносаларни ўйлайди, мисолларни танлайди, топшириқ ва машқларни бажаради.

#### Ўқув ахборотини тақдим этишининг хусусиятлари:

- Матн етарлича тўлиқ - “маърузаларни ўрнини босувчи” усул ёки бошқа материyllарни (адабиётлар боби, ўқиш учун материал) ўрганиш бўйича кўлланма бўлиши мумкин.
- Матн “йўриқномали” ёки “баённомали” бўлиши мумкин.

“Йўриқномали” модул услуби талабани изчилликда ҳаракатлар тартибини (масалан, ҳисобларни олиб боришда) бажаришни ўргатишда зарур бўлган ҳолларда материални баён этиш учун кўпроқ тўғри келади.

“Баённомали” модул, одатда фикрлар, уларни таққослаш ва танқидий таҳлил баёнидан иборат бўлади. Улар ўйлашга ва англашга йўналтирилган. “Баённомали”ни ҳажми одатда “йўриқномали” ҳажмидан камроқ бўлади.

## **2- амалий машғулот: Давлат молиясининг моҳияти ва замонавий шароитларда ундаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари (4 соат)**

### **СЕМИНАР-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТИ УЧУН РЕЖА-ТОПШИРИҚ**

#### **❖ Мухокама учун саволлар**

- 2.1. Давлат молиясининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.
- 2.2. Давлат молиясининг бўғинлари.
- 2.3. Молиявий сиёсат ва замонавий шароитларда унинг устувор йўналишлари.

**Ишдан мақсади:** Давлат молиясининг моҳияти ва замонавий шароитларда ундаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари бўйича тингловчиларининг билимларини мустаҳкамлаш.

#### **Ўқув фаолияти натижалари:**

##### **Тингловчилар биладилар:**

- ✓ давлат молияси ва унинг мазмунини;
- ✓ давлат молиясининг глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитидаги янги вазифаларини;
- ✓ Макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда давлатнинг ролини

##### **Масаланинг қўйилиши:**

Мавзу бўйича маъруза машғулотларида кўриб ўтилган назарий масалалар асосида амалий машғулотда тингловчилар гурухларга бўлиниб, параграфлар кесимида жамоавий мулоҳазаларни шакллантирадилар.


##### **Тингловчилар уддалайдилар:**

- ✓ давлатнинг молиявий фаолиятига оид маълумотларни таҳлил қилиш ва хulosаларни шакллантириш;
- ✓ давлат бюджетига оид статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижасида бюджет сиёсатида белгиланган вазифаларни ижросини таҳлил қилиш;
- ✓ мавжуд таҳлилий материаллар асосида давлат молияси тизимини яқин истиқболдаги прогноз кўрсаткичларини шакллантириш;

#### **Кичик гурухларда ишлаш қоидаси**

- 1. Тингловчилар ишини бајарши учун зарур билим ва малакаларга эга бўлмоғи лозим.**
- 2. Гурухларга аниқ топшириқлар берилмоғи лозим.**
- 3. Кичик гурух олдига қўйилган топшириқни бајарши учун етарли вақт ажратиласди.**
- 4. Гурухлардаги фикрлар чегараланмаганлиги ва тазийиққа учрамаслиги ҳақида огоҳлантирилиши зарур.**
- 5. Гурух иши натижаларини қандай тақдим этишини аниқ билишилари, ўқитувчи уларга йўриқнома бериши лозим.**
- 6. Асосий қоида: Нима бўлганда ҳам мулоқотда бўлинг, ўз фикрингизни эркин намоён этинг.**

## «Нима учун?» техникаси



### Баҳолаш мезони ва қўрсаткичлари

Гурӯҳлар	Савоннинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши 0-5 балл	Мисоллар билан муаммога ечим топиши 0-5 балл	Гурӯх аъзоларининг фаоллигини 0-5 балл	Жами балл

15 – 13 балл – «аъло»; 12 – 10 балл – «яхши»; 9 – 6 балл – «қониқарли».

### Эксперт қоғозлари - топшириқлар



#### МУСТАҚИЛ ТАЙЁРГАРЛИК УЧУН ТОПШИРИҚЛАР:

**Топшириқ 1. Замонавий шароитларда ривожланган мамлакатлар давлат молияси тизимининг хусусиятларини ўрганиш.**

**Иш мазмуни:** АҚШ, Европа, Япония давлатлари давлат молияси тизими, бюджет тузилмаси ва улардаги бюджет жараёнини ўрганиш.

**Топшириқ 2. Молиявий сиёсат ва унинг турларини тавсифлаш.**

**Иш мазмуни:** Классик тавсифдаги молиявий сиёсат, тартибга солувчи ва режали-директив тавсифдаги молиявий сиёсат турларини солиштириш ва таҳлил қилиш натижасида умумий хуносалар шакллантирилади.

**Топшириқ 3. Фискал сиёсатининг турлари ва уларнинг иқтисодиётни циклик ривожланишидаги асосий мақсадлари нималардан иборат ?**

**Иш мазмуни:** Дисекрецион фискал сиёсат, нодесекрецион фискал сиёсат инструментларидан иқтисодиётнинг циклик ривожланиш давларида фойдаланиш хусусиятларини тушуниб етадилар. Замонавий шароитлардари ривожланган мамлакатлар ва миллий бюджет тизимига баҳо берадилар.

## **3-мавзу. Давлат молияси назарияси ҳақидаги илмий қарашларнинг концептуал асослари**

### **СЕМИНАР-АМАЛИЙ МАШГУЛОТИ УЧУН РЕЖА-ТОПШИРИҚ**

#### **❖ Мұхокама учун саволлар**

- 3.1. Мумтоз иқтисод назарияси асосчилари У.Петти, А.Смит, Д.Рикардо, П.Буагилберлар илмий ишларида давлат молияси назарияси.**
- 3.2. Яңги тарихий мактаб концепциялари муаллифлари Г.Шмоллер, М.Вебер, А. Вагнерларнинг илмий қарашларида давлат молияси**
- 3.3. Ж.М. Кейнс илмий қарашларида давлат молиясининг талқини.**
- 3.4. Неокейнсчилик назарияси намоёндаларининг давлат молиясига оид қарашлари**
- 3.5. Замонавий монетаризм назариясида давлат молиясига оид илмий қарашлар**

**Ишдан мақсад:** Давлат молияси ҳақидаги классик ва замонавий иқтисодчи олимларнинг илмий қарашлари ҳақидаги тингловчилар билимларини мустаҳкамлаш.

#### **Ү қ у в ф а о л и я т и н а т и ж а л а р и :**

#### **Тингловчилар биладилар:**

- ✓ Мумтоз иқтисод назарияси асосчиларининг илмий қарашларида давлат молияси назариясининг талқинини;
- ✓ Яңги тарихий мактаб концепциялари тарафдорларининг илмий қарашларида давлат молияси талқинини;
- ✓ Ж.М. Кейнс ва Неокейнсчилик тарафдорлари илмий қарашларида давлат молиясининг талқинини;
- ✓ Замонавий монетаризм назариясида давлат молиясига оид илмий қарашларини;

**Масаланинг қўйилиши:** семинар амалий машғулотда турли иқтисодий мактаблар намоёндаларининг давлат молиясига оид илмий қарашлари қиёсий таҳлил қилинади. Уларнинг илмий қарашларидаги яхлитлик ва фикрли жиҳатлар бўйича умумий фаразларни шакллантириш ва синтез қилинади. Бунинг учун “SWOT – таҳлил”, “Концептуал жадвал” методларидан фойдаланилади.

#### **Тингловчилар уддалайдилар:**

- ✓ Мумтоз иқтисод назарияси асосчиларининг илмий қарашларининг концептуал асосларига таянган ҳолда синтез қилиш;
- ✓ Яңги тарихий мактаб концепциялари тарафдорларининг илмий қарашларида давлат молиясига оид илмий қарашларини тадқиқ қилиш ва у асосида синтез қилиш;
- ✓ Замонавий монетаризм назариясида давлат молиясига оид илмий қарашларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш ва у асосида синтез қилиш;

### **Ишни бажариш учун кўрсатма:**

1) Тингловчиларнинг давлат молияси назарияси ҳақидаги илмий қарашларнинг концептуал асослари бўйича билим ва кўникмаларини ривожлантириш мақсадида “SWOT – таҳлил” методидан фойдаланилади.

### **Топширик мазмуни:**

1. Замонавий шарт-шароитларга асосланган ҳолда Ж.М.Кейнснинг фискалъ сиёsat ҳақидаги илмий қарашларини таҳлил қилиш.
2. Замонавий шарт-шароитларга асосланган ҳолда монетаризмнинг иқтисодиётни фискал инструментлар воситасида тартибга солиш ҳақидаги илмий қарашларини таҳлил қилиш.

### **“SWOT - таҳлил” жадвали**

<b>S</b> (кучли томони)	<b>W</b> (кучсиз томони)
<b>O</b> (имкониятлар)	<b>T</b> (таҳдидлар)

2) Тингловчиларнинг Кейнсчилик ва Монетаризм йўналишлари бўйича билим ва кўникмаларини ривожлантириш мақсадида “Концептуал жадвал” методидан фойдаланилади.

### **Концептуал жадвал**

<b>Аспект таҳлили</b>	Кейнсчилик	Монетаризм
Концептуал асоси		
Йўналиши		
Илгари сурилган концепция		
Шакли		
Кенг фойдаланиладиган инструментлар		



### **МУСТАҚИЛ ТАЙЁРГАРЛИК УЧУН ТОПШИРИКЛАР:**

**Топширик 1.** Замонавий шароитларда ривожланган мамлакатлар давлат молияси тизимининг хусусиятларини ўрганиш.

**Иш мазмуни:** АҚШ, Европа, Япония давлатлари давлат молияси тизими, бюджет тузилмаси ва улардаги бюджет жараёнини ўрганиш.

### **Топширик 2. Молиявий сиёsat ва унинг турларини тавсифлаш.**

**Иш мазмуни:** Классик тавсифдаги молиявий сиёsat, тартибга солувчи ва режали директоив тавсифдаги молиявий сиёsat турларини солитшириш ва таҳлил қилиш.

## **4-мавзу. Замонавий шароитларда давлат молияси ва унинг долзарб муаммолари**

---

### **СЕМИНАР-АМАЛИЙ МАШГУЛОТИ УЧУН РЕЖА-ТОПШИРИҚ**

#### **❖ Муҳокама учун саволлар**

**4.1. Глобаллашув жараёнларида молия тизимининг долзарб муаммолари ва улар бўйича кенг иқтисодчилар фикрлари.**

**4.2. Инқирознинг навбатдаги тўлқини шароитида ривожланган мамлакатлар давлат молияси тизимидағи долзарб муаммолар.**

**4.3. Европа молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари, оқибати ва истиқболдаги вазият.**

**Ишдан мақсад:** Замонавий шароитларда давлат молияси ва ундаги долзарб муаммолар хақида тингловчиларнинг билими ва кўникмаларини мустаҳкамлаш.

#### **Ўқув фолияти натижалари:**

##### **Тингловчилар биладилар:**

✓ Глобаллашув жараёнлари ва уни молия тизимига таъсирини;

✓ Ривожланган мамлакатлар давлат молияси тизимидағи долзарб муаммоларни;

✓ Европа молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари, оқибати ва истиқболдаги вазият кесимида европа молия тизимини ислоҳ қилиш бўйича яора тадбирларни.

**Масаланинг қўйилиши:** семинар-амалий машгулотда молия тизими, ундаги трансформацион жараёнлар, давлат молиясининг миллий иқтисодиётдаги аҳамиятини ошириш бўйича ислоҳотлар тўғрисидаги фикр мулоҳазалар муҳокама қилинади. Бунинг учун “Кластер”, техникасидан фойдаланилади ва 15 дақиқалик эссе ёзилади.

##### **Тингловчилар уддалайдилар:**

✓ Иқтисодий инқирозлар ва молия тизимининг архитектурасини тушуниб етадилар;

✓ Ривожланган мамлакатлар давлат молияси тизимидағи бюджет тақчиллиги ва давлат қарзлари билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қиласидилар;

✓ Ривожланган мамлакатлар давлат молияси тизимидағи циклик ва фундаментал тавсифдаги муаммоларни тушуниб етадилар;

## Ишни бажариш учун кўрсатма:

### 2.3. Кластер

Кластер - (богловчи).

- Мазу бўйича янги таъсуротларни кенгайтиради, фикрлаш жараёнини чукурлаштиради, билим олиш жараёнини активлаштириб, эркин мuloҳаза юритиш ва уларни бойитишига ёрдам беради.
- Ўкув машгулотларни барча боскичларда кулланиши мумкин.

Кластер тузиш коидаси билан танишиш максадга мувофик бўлади. Доска ёки катта бўш варок ўртасида 1-2 таянч сўзлари ёрдамида тузилади.

Таянч суз ва йўлдош сўзлар кичик думалоқ ичидаги ёрдамчи сўзлар билан бир бирига уланиб муносабат берилади. Мавзуга тегишли сўзлар ёзилади ва аникланади.

Кластерга жойлаштирилган сўзлар мухокамага кўйилади.

## КЛАСТЕР



## ЭССЕ

Эссе – таклиф этилган мавзуга 1000 дан 5000 гача сўз ҳажмидаги иншо.

||| Эссе – бу муаллифнинг шахсий нуқтаи назарини ёзма равишда эркин ифода этиш шакли; қандайдир предмет бўйича умумий ёки дастлабки дунёқарашни ўз ичига олади.

### Беш дақиқалик эссе

||| **Беш дақиқалик эссе** – ўрганилаётган мавзу бўйича олинган билимларни умумлаштириш, мушоҳада қилиш мақсадида ўкув машғулотида охирида 5 дақиқа оралиғида олиб борилади.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### 1-кейс.

**Давлат бюджети даромадларини шакллантириш сиёсати ва уни макроиктисодий барқарорликка таъсири бўйича**

### КЕЙС СТАДИ

#### Кириш

Замонавий шароитларда давлат бюджетининг даромадлари бюджет-солиқ сиёсатининг устувор йўналишларини ўзида ифодалайди. Чунки, давлат бюджети даромадлари солиқлар ҳисобига шакллантирилиб, мавжуд солиқлар миллий иқтисодиётни давлат томонидан молиявий тартибга солишнинг асосий инструментларидан биридир. Қуйидаги кейсда даромадларининг шаклланиши ва унинг таркибий таҳлили асосида давлат бюджетининг миллий иқтисодиётга таъсири баҳоланиб, таклиф ва хуносалартизими шакллантирилади.

#### 1. Таҳкилий таъминот

Маълумки, қуйидаги жадвалда давлат бюджетининг 2012-2015 йилги параметрлари келтирилган бўлиб, Ушбу кўрсаткичларда давлат бюджетининг солиқлар ҳисобига шакллантириладиган даромадларининг динамикаси келтирилган.

Асосий бюджет кўрсаткичлари	2012 йил (млрд. сўм)	2013 йил (млрд. сўм)	2014 йил (млрд. сўм)	2015 йил (млрд. сўм)	Бюджет даромадларида салмоғи, %да
Давлат бюджети даромадлари	20 614,1	25 104,9	30 160,8	36 184,9	100
Шу жумладан: Бевосита солиқлар	5 196,4	6 583,1	7 790,4	8 554,3	25,2
Билвосита солиқлар	11 187,8	13 039,4	15 618,2	19 115,8	54,3
Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиги	2 746,4	3 755,5	4 521,4	5 741,8	13,8
Кўшимча фойда солиги	250,0	294,5	388,4	548,2	1,5
Бошқа даромадлар	1 233,5	1 432,4	1 842,4	2 224,8	5,2
Бюджет харажатлари	21 571,7	26 312,4	31 582,3	37 967,7	Бюджет дефицити ЯИМга нисбатан 1,0 фоиз

Манба: ЎзР ДСҚ маълумотлари

Мақсадли фонdlарсиз давлат бюджети даромадларининг таркибий таҳлилидан кўринадики, билвосита солиқлардан бюджетга режалаштирилган тушум 2012- йилда 11187,8 миллиард сўм бўлса, 2015- йилда 19115,8 миллиард сўмни ташкил этмоқда. Бевосита солиқлар 2012 йилда 5196,4 млрд. сўмни,

2015 йилга келиб эса 8554,3 млрд. сўмни ташкил этади.

**Кейснинг таълимий мақсади:** Давлат бюджети параметрлари асосида бюджет солиқ сиёсатининг стратегик йўналишини ва уни макроиктисодий барқарорликка таъсирини иқтисодий жиҳатдан баҳолаш.

## **2. Муаммо.**

2.1 Солиқ тизимини ислоҳ қилишда унинг фискал аҳамиятини инобатга олган ҳолда қандай таркибий жиҳатдан ислоҳ қилиш зарур?

2.2. Давлат бюджети даромадларининг таркиби ва динамикасини таҳлил қилиш натижасида солиқ тизимининг макроиктисодий барқарорликка таъсири қандай бўлиши мумкин.

2.3. Солиқларнинг ялпи истеъмол талабига таъсири қайси кўрсаткичларга боғлиқдир.

## **3. Вазифалар.**

1. Билвосита, бевосита ва ресурс солиқлари ва тўловлари тизимини бюджет даромадларини шакллантиришдаги ҳиссасини таркибий таҳлил қилинг.

2. Билвосита, бевосита ва ресурс солиқлари ва тўловлари тизимини бюджет даромадларини шакллантиришдаги ҳиссасининг динамикасини таҳлил қилинг.

3. Ҳар бир туркум солиқларни миллий иқтисодиётга таъсири тўғрисидаги фикр мулоҳазаларни тизимлаштиринг.

## **4. Маслаҳатлар, тавсиялар**

1. Бевосита солиқлар солиқ тўловчиларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига тўғридан тўғри таъсир кўрсатса, билвосита солиқлар истеъмолга таъсир кўрсатади.

2. Билвосита солиқларнинг салмоғини ортиб бориши солиқ тўловчилар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсирини, истеъмолга таъсирини баҳоланг.

3. Мавжуд бюджет параметрлари воситасида солиқ юкини Лаффер эгри чизиги воситасида асослаш лозим.

## **5. Вазиятни таҳлил қилиш варағи**

Таҳлил босқичининг номи	Таҳлил босқичининг мазмуни	Таҳлил натижалари
Кейсдаги берилган вазият билан танишиш	Берилган аниқ вазият таҳлили ва вазифани ечиш учун маълумотларни аниқлаш.	
Шу кундаги вазият таҳлили	Давлат бюджети даромадларини шаклланиш динамикаси ва таркибини ўрганиш ва таҳлил қилиш. -мақсадлари; -кучли ва кучсиз томонлари; - мақсадли истеъмолчилар; - ривожланиши;	

	<p>- изланиш натижалари.</p> <p>Ушбу кўрсаткичлар бўйича ҳақиқий ҳолат кўриб чиқилади ва вазиятли таҳлил ўтказилади.</p> <p>Шу кундаги вазият таҳлилига нисбатан тахминлар илгари сурилади.</p>	
<b>Муаммони ифодалаш</b>	Асосий муаммони ажратиш ва унинг таркибларини (белгилари; исботлари) аниqlаш.	
<b>Муаммо ечимининг альтернативларини танлаш</b>	<p>Вазиятли топшириқда имкониятли альтернатив ечимларни ифодалаш.</p> <p>Бюджет даромадларини шаклланиши асосида солик тизимини макроиқтисодий барқарорликка таъсирини баҳолаш ва асослаш (индивидуал):</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- устунлиги ва кутилаётган натижалар;</li> <li>- камчиликлар ва ҳаражатлар.</li> </ul>	
<b>Унинг ечими ва амалга оширилиши</b>	<p>Аник хulosани батафсил ишлаб чиқиш ва танловнинг мақсадга мувофиқлигини тушунтириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Нима?</li> <li>- Қачон?</li> <li>- Қаерда?</li> <li>- Нима учун?</li> <li>- Қандай?</li> </ul>	

## 2-кейс.

### Махаллий бюджетлар даромадларини прогнозлаштириш усулинининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш бўйича

#### КЕЙС СТАДИ

##### Кириш

Замонавий шароитларда давлат бюджетининг даромадларини прогнозлаштириш давлат молиясини бошқаришнининг бош функционал элементи сифатида соҳадаги ислоҳотлар самарадорлигини бош омили ҳисобланади. Чунки, давлат бюджети даромадларини тўғри ва иқтисодий асосланган ҳолда прогнозлаштириш, даромадларни бюджет ижроси жараёнидаги тушумлари самарадорлигига таъсир этиб, харажатларни молиявий таъминлашнинг барқарорлигини асоси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ушбу Кейсда қуий бюджетлар даромадларини прогнозлаштиришнинг амалдаги ҳолатини самарадорлиги таълил қилинади, таклиф ва хулосалар тизими шакллантирилади.

#### 1. Ташкилий таъминот

Махаллий бюджетнинг даромадларини 4 чоракда экстраполяция усулида прогнозлаштириш учун қуйидаги маълумотлар берилган:

4- чоракдаги тушумлар					4- чоракдаги тушумларнинг ўтган йил 4-чоракдаги тушумларга нисбатан ўсиши					млн. сўмда
2011 йилда	2012 йилда	2013 йилда	2014 йилда	2015 йилда	2012 йилда	2013 йилда	2014 йилда	2015 йилда	Ўртacha ўсиш	2017 йил 4 –чорак учун прогноз
2659,3	3657,0	4064,9	4926,7	5772,0						

**Кейснинг таълимий мақсади:** Қуий бюджетлар даромадларини прогнозлаштиришнинг самарадорлигини баҳолаш ва таклифлар тизимини ишлаб чиқиши.

#### 2. Муаммо.

2.1 Қуий бюджетлар даромадларини прогнозлашнинг қандай усуллари мавжуд ва уларнинг афзалик ҳамда камчиликлари нималардан иборат?

2.2. Қуий бюджетлар даромадларини прогнозлаштиришнинг экстраполяция усулининг асосида келгуси йил учун прогноз контингентини аниқлаш.

2.3. Ҳозирги кундаги солиқларни прогнозлаштириш тизимидағи асосий муаммолар.

### **3. Вазифалар.**

3.1. 4- чоракдаги тушумларнинг ўтган йил 4- чоракдаги тушумларга нисбатан ўсишини ҳисобланг.

3.2. 2009,2010,2011,2012 йиллардаги маҳаллий бюджет даромадларини ўртача ўсиш суръатларини ҳисобланг

3.3. Маҳаллий бюджетнинг 2013 йил 4 чорак учун даромадларини прогноз кўрсаткични аниқланг

### **4. Маслаҳатлар, тавсиялар**

4.1. Давлат бюджети даромадларини прогнозлаштиришнинг бир қатор усуслари мавжуд бўлиб, уларга шарҳлар берилади.

4.2. Даромадларни прогнозлаштиришнинг экстраполяция усулида 2017 йил учун 4-чорак прогнози аниқланади ва унда ҳисобга олинадиган омиллар бўйича фикр мулоҳазалар шакллантирилади.

### **5. Вазиятни таҳлил қилиш вараги**

<b>Таҳлил босқичининг номи</b>	<b>Таҳлил босқичининг мазмуни</b>	<b>Таҳлил натижалари</b>
<b>Кейсдаги берилган вазият билан танишиш</b>	Берилган аниқ вазият таҳлили ва вазифани ечиш учун маълумотларни аниқлаш.	
<b>Шу кундаги вазият таҳлили</b>	<p>Қуйи бюджетлар даромадлари прогнозини ҳисобкитоб қилиш ва таҳлил қилиш.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- мақсадлари;</li> <li>- кучли ва кучсиз томонлари;</li> <li>- мақсадли истеъмолчилар;</li> <li>- ривожланиши;</li> <li>- изланиш натижалари.</li> </ul> <p>Ушбу кўрсаткичлар бўйича хақиқий ҳолат кўриб чиқилади ва вазиятли таҳлил ўtkазилади.</p> <p>Шу кундаги вазият таҳлилига нисбатан тахминлар илгари сурилади.</p>	
<b>Муаммони ифодалаш</b>	Асосий муаммони ажратиш ва унинг таркибини (белгилари; исботлари) аниқлаш.	
<b>Муаммо ечимининг альтернативларини танлаш</b>	<p>Вазиятли топшириқда имкониятли альтернатив ечимларни ифодалаш.</p> <p>Қуйи бюджетлар даромадларини прогнозлаштириш услубиётини сифат тавсифини баҳолаш ва асослаш (индивидуал):</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- устунлиги ва кутилаётган натижалар;</li> <li>- камчиликлар ва ҳаражатлар.</li> </ul>	
<b>Унинг ечими ва амалга оширилиши</b>	<p>Аниқ хуносани батафсил ишлаб чиқиш ва танловнинг мақсадга мувофиқлигини тушунтириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Нима?</li> <li>- Қачон?</li> <li>- Қаерда?</li> <li>- Нима учун?</li> <li>- Қандай?</li> </ul>	

## 3-кейс.

### Давлат бюджети харажатлари орқали миллий иқтисодиётни мувозанатли ривожланишини таъминлаш

#### КЕЙС СТАДИ

##### Кириш

Давлат бюджети харажатлари том маънода давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг молиявий мазмунини акс эттиради. Тадқидаланадики, давлат бюджети харажатларида ижтимоий соҳа харажатларини ўсиб бориши ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишдаги давлатнинг ролини молиявий ифодалайди. Лекин ушбу харажатлар орқали нафақат ижтимоий сиёсат реализация қилинади, балки иқтисодиёт ҳам қўллаб-қувватланади. Шундай экан давлат бюджети харажатларини 5 йиллик динамикаси асосида унинг миллий иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамиятини тадқиқ қилиш, унинг иқтисодиёт учун самарасини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Шу нуқтаи назардан ушбу Кейсда давлат бюджети харажатлари қўйи бюджетлар даромадларини прогнозлаштиришнинг амалдаги ҳолатини самарадорлиги таълил қилинади, таклиф ва хулосалар тизими шакллантирилади.

##### 1. Таъкилий таъминот

Давлат бюджетининг 5 йиллик харажатлари динамикаси қўйидаги жадвалда келтирилган.

##### Мақсадли фондларсиз давлат бюджети харажатларининг таркиби

Кўрсаткичлар	2011 йил		2012 йил		2013 йил		2014 йил		2015 йил	
	Млрд.сўм	%								
Давлат бюджети харажатлари, миллиард сўм	16802	100	21190	100	26312	100	31582	100	37967,7	100
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-куватлаш харажатлари	9723	58,2	12338	58,3	15573	59,2	18873	59,7	22457,0	59,1
Иқтисодиёт харажатлари	1938	11,5	2338	11	2791	10,6	3385	10,7	4119,7	10,1
Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш	1037	6,1	1174	5,5	1300	4,9	1500	4,7	1800	4,7
Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари харажатлари	627	3,7	844	3,9	825	3,1	1000	3,1	1199,9	3,1
Бошқа харажатлар	3477	20,6	4495	21,2	5813	22,0	6903	21,8	8391,1	22,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларидан фойдаланилди.

**Кейснинг таълимий мақсади:** Давлат бюджети даромад ва харажатларини таҳлил қилиш, ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-куватлаш харажатларини милий иқтисодиётга таъсирини баҳолаш.

##### 2. Муаммо.

2.1 Давлат бюджети харажатлари таркиби ва динамикаси таҳлили асосида унинг макроиктисодий барқарорликни таъминлашдаги ролини баҳоланг?

2.2. Ижтимоий соҳага қилинган харажатларнинг салмоғини ошириш орқали давлат қандай тсртагеик масалаларни ҳал қиласди?

### **3. Вазифалар.**

3.1. Давлат бюджети харажатларини таркиби ва динамикасини таҳлил қилинг.

3.2. Ижтимоий соҳа харажатларини мамлакат миллий иқтисодиётига қандай таъсири мавжуд.

### **4. Маслаҳатлар, тавсиялар**

4.1. Харажатларни таркиби ва динамикасини таҳлил қилиш орқали унджаги 5 йиллик тенденциялар баҳоланади.

4.2. Харажатлар ялпи истеъмол талабга таъсир этади. Шунинг учун харажатларнининг мултиплекатив самараси хисобланади.

### **5. Вазиятни таҳлил қилиш варағи**

Таҳлил босқичининг номи	Таҳлил босқичининг мазмуни	Таҳлил натижалари
Кейсдаги берилган вазият билан танишиш	Берилган аниқ вазият таҳлили ва вазифани ечиш учун маълумотларни аниқлаш.	
Шу кундаги вазият таҳлили	<p>Давлат бюджети харажатлари таркиби ва динамикаси.</p> <ul style="list-style-type: none"><li>- мақсадлари;</li><li>- кучли ва кучсиз томонлари;</li><li>- мақсадли истеъмолчилар;</li><li>- ривожланиши;</li><li>- изланиш натижалари.</li></ul> <p>Ушбу кўрсаткичлар бўйича ҳақиқий ҳолат кўриб чиқлади ва вазиятли таҳлил ўтказилади.</p> <p>Шу кундаги вазият таҳлилига нисбатан тахминлар илгари сурилади.</p>	
Муаммони ифодалаш	Асосий муаммони ажратиш ва унинг таркибини (белгилари; исботлари) аниқлаш.	
Муаммо ечимининг альтернативларини танлаш	<p>Вазиятли топшириқда имкониятли альтернатив ечимларни ифодалаш.</p> <p>Давлат бюджети харажатлари таркиби ва динамикасини баҳолаш ва асослаш (индивидуал):</p> <ul style="list-style-type: none"><li>- устунлиги ва кутилаётган натижалар;</li><li>- камчиликлар ва ҳаражатлар.</li></ul>	
Унинг ечими ва амалга оширилиши	<p>Аниқ хulosани батафсил ишлаб чиқиш ва танловнинг мақсадга мувофиқлигини тушунтириш:</p> <ul style="list-style-type: none"><li>- Нима?</li><li>- Қачон?</li><li>- Қаерда?</li><li>- Нима учун?</li><li>- Қандай?</li></ul>	

## VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

---

### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни:**

*Мустақил иши* – мавжуд матн ёки бир қанча матнларни изохловчи шаклларидан бири саналади. Шу боисдан, конспектдан фарқли ўлароқ, мустақил иш янги, муаллиф матн саналади. Ушбу ҳолатда янгилик, янгича тақдим этиш, материалларни тартиблаштириш, ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштиришда алоҳида муаллифлик ёндашуви тушунилади.

*Мустақил иши* - ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштириш ва таҳлил қилиш кўникмасига эга бўлишни талаб этадиган бир ёки бир қанча манбаларни ўзида мужассам этадиган ғояларни қисқача ёзма кўринишидаги тақдимотидир.

### **Мустақил ишининг турлари ва тизими:**

1. Ифодаланиш тўлиқлигича кўра:

- а) информатив (рефератлар – конспектлар);
- б) индикатив (рефератлар –резюме (қисқача мазмун)

2. Мустақил иш таркиби:

А) библиографик қайд этилиши:

- Ф.И.Ш.нинг номи;
- чоп этилган манзили;
- нашриёт, йил;
- саҳифалар сони.

Б) Мустақил иш матни:

– мавзу, муаммо, мустақил иш қилинадиган иш предмети, мақсади ва мазмуни;

- тадқиқот усуллари;
- аниқ натижалари;
- муаллиф холосаси;
- иш натижаларини қўланниш соҳаси.

Ўқув фани бўйича мустақил иш тайёрлаш қуидаги вазифаларни ҳал этишни назарда тутади:

• Ўқув предмети долзарб назарий масалалари бўйича билимларни чуқурлаштириш, талаба томонидан мавзуга ушбу олинган назарий билимларни ижодий кўникмасини ҳосил қилиш;

• Танланган касбий соҳада хориж тажрибаларини, мавжуд шароитларда уларни амалий жиҳатдан қўллаш имкониятлари ва муаммоларини ўзлаштириш;

• Танланган мавзу бўйича ҳар хил адабий манбаларни (монография, даврий нашрлардаги илмий мақолалар ва шу кабилар) ўрганиш қобилиятини такомиллаштириш ва улар натижалари асосида танқидий ёндашган тарзда мустақил, ҳамда билимдон ҳолда материални ифода этиш, ишончли холоса ва таклифлар қилиш;

• Ёзма кўринишдаги ишларни тўғри расмийлаштириш кўникмаларни ривожлантиришдир.

## **Мустақил таълим мавзулари**

“Давлат молияси” модулидан мустақил таълим сифатида ўрганиладиган қўйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш натижаларига молия тизмининг таъсирини назарий ва услубий асосларини такомиллаштириш.
2. Соғлиқни сақлаш тизимини молиявий таъминлашнинг жаҳон тажрибалари ва уларни Ўзбекистон Республикасида тадбиқ этиш муаммолари.
3. Бюджет тизими бюджетларининг даромад ва харажатларини бошқариш тизимини такомиллаштириш.
4. Ривожланган мамлакатларда бюджет тақчиллиги ва уни бошқариш муаммолари.
5. Давлат молиявий назорати ва уни бюджет интизомини мустаҳкамланишига таъсири.
6. Давлат бюджетини ўрта муддатли режалаштириш тизимини жорий этиш истиқболлари.
7. Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш ва уни Ўзбекистонда жорий этиш истиқболлари.
8. Бюджет тизимини оператив тартибга солиш механизмини такомиллаштириш.
9. Замонавий молия назарияси ва концепциясини молиявий институтлар фаолиятида фойдаланиш имкониятлари.
10. Давлат бюджетидан марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш.
11. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида давлат молиявий хавфсизлиги ва уни таъминлаш йўллари.
12. Ҳудудлар солиқ салоҳиятини ошириш орқали маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлаш йўллари.
13. Миллий даромадни тақсимланиш жараённида ижтимоий истеъмол фондларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш.
14. Давлат бюджетидан иқтисодиётни қўллаб-куватлаш харажатлари самарадорлигини ошириш йўллари.
15. Солиқ юкини оптималаштириш орқали макроиктисодий барқарорликни таъминлаш йўллари.
16. Бюджет жараёнининг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш.
17. Давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг заҳира фондларини шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари.
18. Ижтимоий инфратузилма муассасаларини молиявий қўллаб-куватлаш тизими самарадорлигини ошириш йўллари.
19. Маҳаллий солиқка тортиш тизимини такомиллаштириш орқали маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлаш йўллари.
20. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб кувватлашнинг молиявий усусларини такомиллаштириш.
21. Давлат бюджетининг солиқсиз даромадлари ва уни кўпайтириш

йўллари.

22. Ҳудудларнинг мувозанатли ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъмилашда давлат бюджетининг аҳамиятини ошириш йўллари.

23. Мамлакатимиз аграр секторини барқарор ривожланишини тамиллашда давлат молиясининг аҳамиятини ошириш йўллари.

24. Молия вазирлиги ҳузуридаги йўл жамғармаси даромадлари ва харажатлари ижросининг самарадорлигини ошириш йўллари.

25. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг аҳамияти.

26. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари.

27. Ўзбекистон Республикаси болалар спортини ривожлантириш жамғармасини шакллантириш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари.

28. Давлат акциядорлик компанияларида молиявий ресурсларни самарали бошқариш йўллари.

29. Солик тизимини такомиллаштириш орқали мамлакатдаги ялпи истеъмол талабни юксалтириш омиллари.

30. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида уй-жой коммунал хўжалиги молиясини такомиллаштириш.

31. Унитар корхоналар молиявий натижаларини шаклланиши ва тақсимланишининг самарадорлигини ошириш йўллари.

32. Республика бюджетидан молиялаштирилладиган харажатларни бошқариш тизимини такомиллаштириш йўллари.

33. Соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштиришда «Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш» услубиётидан фойдаланишнинг устувор йўналишлари.

34. Бюджетлараро трансферларни ўtkазиш тартибини такомиллаштириш йўллари.

35. Олий таълим муассасалари моддий-техник базасини модернизациялашга инвестицияларни жалб қилиш муаммолари.

36. Мактабгача таълим муассасалари харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш тизимини такомиллаштириш.

37. Фермер хўжаликларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш механизми самарадорлигини ошириш йўллари.

38. Корхоналарда технологигк жараёнларни оптималлаштириш ҳисобидан маҳсулот таннархини пасайтиришнинг молиявий масалалари.

39. Мамлакат молия тизимида уй хўжаликлари молиясининг аҳамияти ва уни ривожлантириш йўллари.

40. Иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш орқали давлат бюджети даромадлар базасини кенгайтириш йўллари.

41. Фонд бозорларини ривожлантириш орқали давлат ва корпоратив харидлар тизимини такомиллаштириш истиқболлари.

42. Обод турмуш тарзини шакллантиришда оила бюджетининг роли ва уни ривожлантириш истиқболлари.

43. Давлат молиясини бошқаришда ҳисоб-китоб статистикасини ривожлантириш истиқболлари.

44. Давлат активларини бошқаришни такомиллаштириш йўллари.

45. Иқтисодиётнинг нодавлат секторида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўналишлари.

46. Глобаллашув шароитида давлат молиясини самарали ташкил этиш йўналишлари.

47. Давлат кредитининг молия тизимидағи ўрни ва аҳамиятини кенгайтириш масалалари.

48. Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини ислоҳ қилишни молиявий таъминлаш масалалари.

49. Давлатнинг молиявий салоҳияти ва унинг хўжалик юритувчи субъектлар молияси билан ўзаро боғлиқлиги.

50. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирларини амалга оширишда бюджетдан ташқари фонdlарнинг аҳамиятини ошириш масалалари.

## VII. ГЛОССАРИЙ

---

<b>Термин</b>	<b>Ўзбек тилидаги шарҳи</b>	<b>Инглиз тилидаги шарҳи</b>
<b>Бюджет ссудаси</b>	қайтариш шарти билан юқори турувчи бюджетдан қуий турувчи бюджетга, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларига, резидент-юридик шахсга ажратиладиган пул маблағлари	Budget loan repayment conditions with a higher budget lower budget, as well as state funds, and the funds allocated to resident legal person
<b>Дотация</b>	Бюджет тизими бюджетларига уларнинг ўз даромадлари етишмаган тақдирда даромадлар билан харажатлар ўртасидаги фарқни қоплаш учун қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари	Voluntary contributions to government (or other organizations) from individuals or organizations
<b>Давлат қарзи</b>	Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи маблағларни жалб қилиш натижасида вужудга келган мажбуриятлари	The Republic of Uzbekistan liabilities arise as a result of internal and external funds
<b>Ташқи қарзлар</b>	Хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келадиган Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари йифиндиси	Portion of a government's indebtedness owed abroad
<b>Фискал федерализм</b>	Тури даражадаги хокимият органлари ваколат ва мажбуриятларига асосланган ҳолда солиқлар ва харажатларининг улар ўртасида тақсимланиши	Division of taxing and expenditure functions among levels of government
<b>Давлат бюджети тақчиллиги</b>	Муайян даврда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети харажатларининг унинг даромадларидан ошиб кетиши	A certain period of the state budget expenditures exceed its revenues

<b>Давлат қарзи</b>	Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи маблағларни жалб қилиш натижасида вужудга келган мажбуриятлари	The Republic of Uzbekistan liabilities arise as a result of internal and external funds
<b>Ички қарзлар</b>	Резидент фуқаролар ва юридик шахсларнинг ички маблағларни жалб қилиш натижасида вужудга келадиган Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари йифиндиси	Portion of a government's indebtedness owed to its own citizens.
<b>Давлат молияси</b>	Давлат молиявий ресурслари фондини шакллантириш ва уни сарфлаш билан боғлиқ муносабатларни ўзида ифодаловчи иқтисодиётнинг маълум соҳасидир	Field of economics that studies government activities and the alternative means of financing government expenditures.
<b>Давлат харидлари</b>	Бюджет тизими бюджетларининг маблағлари хисобидан амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) харидлари;	Performed at the expense of the budgets of the budget system for public procurement of goods (works, services) procurement;
<b>Давлат бюджети профицити</b>	муайян даврда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети даромадларининг унинг харажатларидан ошиб кетиши;	a certain period of the state budget revenues exceed its expenses;
<b>Давлат харидлари</b>	Бюджет тизими бюджетларининг маблағлари хисобидан амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) харидлари;	Performed at the expense of the budgets of the budget system of goods (works, services) procurement;
<b>Субвенция</b>	муайян мақсадларга сарфлаш шарти билан юқори турувчи бюджетдан қуий турувчи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари	pecific objectives with the need to spend a higher budget lower budget to reimburse the funds allocated to the condition that

<b>Субсидия</b>	товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ва уларни реализация қилишни молиялаштириш ёки биргаликда молиялаштириш ёхуд мақсадли харажатларнинг ўринини қисман қоплаш учун бюджет тизими бюджетлари хисобидан юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган пул маблағлари	production of goods, works and services and sell them to the financing or co-financing, or intended to partially cover expenses at the expense of the budgets of the budget system for the funds given to legal entities and individuals;
<b>Харажатлар моддаси</b>	бюджет тизими бюджетлари харажатларининг иқтисодий йўналиши ва тўловларнинг аниқ турлари бўйича белгиловчи бюджет таснифининг бир қисми	direction of the economic costs of the budgets of the budget system and a part of the budget clearly defines the types of payments
<b>Молия йили</b>	биринчи январдан ўттиз биринчи декабр куни охиригача бўлган вақтни ўз ичига олувчи давр	the first of January to the end of the thirty-first day of December, including the time period
<b>Аралаш иқтисодиёт</b>	Бир вақтнинг ўзида давлат йирик микдордаги товарлар ва хизматларни бозорга таклиф қиласи ва хусусий секторни тартига солади иқтисодиёт қайсики,	An economy in which government supplies a considerable amount of goods and services and significantly regulates private economic activity.

## VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Махсус адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2909-сонли Қарори. “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 21 апрель.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболлариiga бағишлиган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 б.
5. Alan J. Auerbach Public Finance in Practice and Theory.-University of California, Berkeley, May, 2009
6. David N. Hyman Public Finance: A Contemporary Application of Theory to Policy, Tenth Edition, 2010, 2011 South-Western Cengage Learning Mason, OH, USA
7. Wilensky, Harold L Rich Democracies: Political Economy, Public Policy, and Performance. Berkeley, Calif.: California University Press. 2002. - p.183
8. Levine, Ross. Finance and Growth: Theory and Evidence. NBER Working Paper 10766. Cambridge, Mass.: National Bureau of Economic Research. 2004.
9. Brunori, David, Local Tax Policy, 2nd edition, Washington, D.C.: The Urban Institute Press, 2007. A discussion of local government revenue systems in the United States within the context of the problems faced by these governments and the federal system.
10. Brunori, David. State Tax Policy. Washington, D.C.: The Urban Institute Press, 2001. An analysis of state tax systems within the context of a federal system where the central government is shifting more responsibility to the states.
11. Steuerle, C. Eugene, Van Doorn Ooms, George Peterson, and Robert D. Reischauer. Vouchers and the Provision of Public Services. Washington, D.C.: The Urban Institute Press, 2000. An analysis of how vouchers are used to finance public services, including education and housing, in the United States and other nations.
12. Keynes, John Maynard. 1936. The General Theory of Employment, Interest, and Money. New York: Harcourt Press.

### Интернет ресурслар

1. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz) - Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти.
2. [www.gov.uz](http://www.gov.uz) - Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали
3. [www.lugat.uz](http://www.lugat.uz), [www.glossaiy.uz](http://www.glossaiy.uz) - Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme.

4. [www.uz](http://www.uz) - Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги:
5. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
6. <http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>
7. [www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)
8. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
9. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
10. [www.mf.uz](http://www.mf.uz)
11. [www.vestifinance.ru](http://www.vestifinance.ru)
12. [www.imf.org](http://www.imf.org)
13. [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org)